

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

СОЛИЕВ Б. К.

«ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

5340900 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», таълим
йўналиши талабалари учун

Андижон – 2010

Ушбу маърузалар курси институт **Илмий Услубий Кенгашида**
кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.

«_____» _____ 2010 йил.

Баённома № ____

Ушбу маърузалар курси **Факультет Кенгашида** кўриб
чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.

«_____» _____ 2010 йил.

Баённома № ____

Такризчилар:

1. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудир, и.ф.н.,
профессор И. Қаямов.
2. «Иқтисодиёт» кафедраси доценти, и.ф.н. У.Собиров

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги даврдаги тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари мамлакатда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва уларни чуқурлаштириш, сифат ва мазмун жиҳатдан янгиланиш даврини бошдан кечираётганлиги билан характерланади. Амалга оширилаётган ислохотнинг учинчи босқичида иқтисодий эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида режали иқтисодиёт шароитида шаклланган барча иқтисодий механизм ва дастакларнинг иқтисодий мазмунига кўра бозор иқтисодиёти тамойилларига мос равишда янгиланиш ва такомиллаштиришни тақозо қилади. Бундай ўзгаришларни тақозо қиладиган фанлар жумласига иқтисодий таҳлил назарияси ҳам киради.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини, хўжалик юритиш жараёнида юзага келаётган ҳатолик ва камчиликларни аниқлаш, субъектнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига баҳо бериш ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Иқтисодий таҳлил фанининг зарурати, ўрни, роли, аҳамияти ва вазифалари бозор иқтисодиёти шароитида бекиёс ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида мазкур фаннинг предмети, усули, объекти, субъекти, турларини бугунги кун талабига мос равишда такомиллаштиришни тақозо этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ишда иқтисодий таҳлилнинг илмий асослари, предмети, мазмуни, вазифалари, анъанавий ва иқтисодий-математик усуллар, турлари баён этилган.

Иқтисодий таҳлилнинг турлари баён қилинар экан, унинг энг муҳим турларидан бири комплекс таҳлил ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Маърузалар курсида иқтисодий таҳлилнинг комплекс тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, резервларни йиғма ҳисоблаш ва уларни аниқлаш усулларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, унда иқтисодий таҳлилнинг нисбатан янги тури - функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) га ҳам алоҳида ўрин берилиб, атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган ва бу мавзунини тайёрлашда и.ф.д., профессор М.Қ.Пардаев материалларидан фойдаланилди.

Иқтисодий таҳлил назарияси фани ҳисоб-таҳлилий фанлар мажмуига кириб, у 5340900 «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши бўйича сабоқ олаётган бакалаврларни тайёрлашда етакчи ўринни эгаллайди. Ундан «Молия ва кредит», «Иқтисодиёт» ва бошқа йўналишлар бўйича таълим олаётган талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Маърузалар курсида айрим камчилик ва техник хатоликлар бўлиши мумкин ва бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

1-Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. Иқтисодий таҳлил ва билиш назарияси.
2. Иқтисодий таҳлилнинг предмети.
3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари.
4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойиллари.
5. Фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг ўрни.

1.Иқтисодий таҳлил ва билиш назарияси.

"Таҳлил" сўзи грекча "analysis" сўзини ўзбек тилидаги таржимаси бўлиб, у "бўламан" ёки "ажратаман" деган маънони билдиради. Демак, таҳлил деганда, тор маънода бутунни қисимларга (унсурларга) ажратиш, бўлақларга бўлиш йўли билан унинг таркибий қисимини ўрганиш тушинилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, реал воқеликда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ўрганишда фақат таҳлилни ўзи етарли бўлмайди. Инсон тафаккурига мос келувчи бошқа усуллардан фойдаланишга ҳам жуда кўп ҳолларда катта зарурат туғилади. Ушбу маънода таҳлилга жуда яқин келувчи "синтез" усули бўлиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган тўпламнинг айрим бирликлари орасидаги алоқалар ва ўзоро боғлиқликлар аниқланади.

"Синтез" атамаси грекча "syntezis" сўзидан олинган бўлиб, "бирлаштираман", "қўшаман" деган маънони билдиради. Хозирги замон диалектикаси, синтез ва таҳлилга реал воқеликда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ўрганишнинг илмий методлари сифатида қарайди. Фақат таҳлил ва синтез биргаликдагина ходисаларни ҳар томонлама диалектик боғлиқликда илмий ўрганиш имконини беради.

Реал воқеликда – табиат ва жамиятда юз бераётган ходиса ва жараёнларни таҳлилсиз ўрганиб бўлмайди. Эслаб кўринга, Сизга ёшлик чоғингизда ота-оналарингиз муруватини бураб қўйса ҳаракатланувчи ўйинчок машина ёки ётқизиб - тургизсангиз товуш чиқариб "йиглайдиган кўғирчок" совға қилганларида, албатта Сиз уни нима ҳаракатга келтираётганлигини ёки нима ёрдамида товуш чиқарилаётганлигини билмокчи бўлиб уни пачоқлаб "бўлақларга бўлиб", "қисимларга ажратиб" кўргансиз. Кўриниб турибдики, инсоннинг аналитик қобилияти унинг ақлини таниган дастлабки кунларданоқ бошланар ва бунда у ходиса ва жараёнларни ўрганишда қўллайдиган дастлабки усуллардан бири ҳам таҳлил бўлар экан. Таҳлилнинг вужудга келишининг тарихий чегараларини тавсифлашиб "Ёнғоқни бўлишни ўзиёк - таҳлилнинг бошланишидир" деб айтишади.

Шундай қилиб, таҳлил деганда, кенг маънода бутунни таркибий қисмларга ажратиш ва уларни барча ўзоро алоқалари ҳамда боғлиқликларини ўрганишга асосланган атроф муҳитдаги ходиса ва предметларни билиш усули тушинилади.

Маълумки, таҳлил тушинчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, у турли соҳа ва йуналишларда қўлланади. Фан ва амалиётда таҳлилни жуда кўп турларини учратиш мумкин: химиявий, физик, математик, статистик, иқтисодий ва ш.у. Улар албатта бир-биридан ўрганаётган объектлари, мақсадлари ва ўрганиш услублари билан фарқ қилади.

Масалан, корхонада ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотни олайлик. Унинг мохиятини яхши тушиниб олиш учун, нафақат уни таркибига кирувчи унсурларни билишимиз, балки, анашу унсурларни хар бирини қандай омиллар таъсири остида қандай ўзгаришию ва уларни ялпи маҳсулот хажмини ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини ҳам билишимиз лозим. Биз ялпи маҳсулотни ўсишини қанчалик майдалаб ўргансак, бу иқтисодий кўрсаткич ҳақида шунчалик кўп тушунчага эга бўламиз ва уни шакилланиш жараёнини шунчалик самарали бошқарамиз.

Иқтисодий таҳлил физик, химик ва бошқа турдаги таҳлиллардан фарқ қилиб, иқтисодий жараёнларни абстракт-мантикий текшириш усулларига қиради. Маълумки, бу ерда микроскоплардан ҳам, химиявий реактивлардан ҳам фойдаланиб бўлмайди, балки улар ўрнини абстракция кучи эгаллайди.

Кейинги йилларда иқтисодий таҳлил жиддий ривожланиб борди ва билимнинг алоҳида йуналиши, иқтисодий хизматнинг алоҳида тури ва энг асосийси ўзининг предмети, методи ва вазифаларига эга булган фан сифатида вужудга келди ва ривожланди.

Хозирни ўзида иқтисодий таҳлилни иккита йирик қисмга, макродаражадаги иқтисодий ходиса ва жараёнларни ўрганувчи умумназарий (макро-) иқтисодий таҳлил ва алоҳида корхоналар, бирлашмалар ва фирмалар фаолиятини ўрганувчи аниқ (микро-) иқтисодий таҳлил хўжалик фаолиятини таҳлили (ХФТ) кабиларга ажралмокда.

ХФТнинг вужудга келиши ва ривожланишига барча фанларни вужудга келиши ва ривожланишига ухшаш объектив зарурат сабаб булди. Бу бир томондан, инсонларнинг амалий фаолияти бўлса, иккинчи томондан, иқтисодиёт фанини ривожланиши ва табакаланишидир.

2. Иқтисодий таҳлилнинг предмети.

Хар бир фан ўзининг предметиға эга. Агар фаннинг предмети яъни ўрганадиган объекти бўлмаса у фаннинг ўзи ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам фаннинг предметини аниқлаб олиш унинг билим тармоғининг қайси соҳасига таълуқли эканлигини, унинг ўзига хос эканлигини белгилаб аниқлаб олиш нуқтаи назардан ҳам муҳим, принципиал аҳамиятға эга.

Бироқ, шуни алоҳида такидлаш керакки, фанни предметини, шу жумладан иқтисодий таҳлил фанини предметини ҳам аниқлаш жуда мушқил ва машақатли иш. Бу масала ўнлаб йиллардан бери ишланиб келаётган бўлишига қарамай шу вақтгача ҳам ушбу соҳада шуғилланаётган олимлар орасида ягона фикр йўқ. Шунинг учун ҳам адабиётларда ушбу фаннинг предметига берилган турлича таърифларни учратиш мумкин.

Бир қатор муаллифлар, ҲФТнинг предмети деб, режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа ахборотлар манбаларида кўрсаткичлар орқали акс этирилган хўжалик фаолияти бўлиб, бу фаолиятни яхшилаш мақсадида резервларни қидиришни ҳисоблайдилар.

Бошқа муаллифлар фикрига кўра эса, ҲФТнинг предмети деб, ҳисоб ва ҳисоботларда микдорий ва сифат кўрсаткичлари ёрдамида акс эттириладиган ва аниқ рақамлар билан ифодаланган режаларни бажариш ва маълум даражаларга эришиш билан боғлиқ хўжалик жараёнлари тушинилади.

Бошқа бир муаллифлар иқтисодий таҳлилнинг предмети деб, хўжалик ҳисоби категорияларида акс эттирилган ва ишлаб чиқаришнинг техник томонлари ва давлатнинг иқтисодий сиёсати билан боғлиқ, корхона ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуасини ҳисоблайдилар.

Охириги йилларда чоп этилаётган адабиётларда ҳам ушбу тортишувли масала ягона нуқтаи назардан қаралаётгани йўқ. Жумладан, Баканов М.И., Шеремет А.Д. (Теория экономического анализа. М., Финансы и статистика, 1997 й.) "Иқтисодий таҳлилнинг предмети деганда объектив ва субъектив омиллар таъсирида вужудга келувчи ва иқтисодий ахборотлар тизимида ўз аксини топувчи, корхоналар, бирлашмалар, ассоциацияларнинг хўжалик жараёнлари, социал-иқтисодий самарадорлиги ва якуний молиявий натижаларидир" деб таъриф берадилар.

Г.В.Савицкая (Анализ хозяйственной деятельности. Минск ООО "Новое знание" 2000 г.) эса "Хўжалик фаолиятини таҳлилининг предмети бўлиб иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг сабаб-оқибат боғланишлари ҳисобланади" деб таъриф беради.

Юқорида берилган таърифлардан кўриниб турибдики, уларнинг ҳаммасида ҳам иқтисодий таҳлилнинг (ҲФТнинг) ўрганиш объекти сифатида биринчидан хўжалик жараёнлари (иқтисодий жараёнлар) қаралмоқда, иккинчидан хўжалик жараёнлари натижаларига омиллар таъсирини ўрганиш ҳисобга олинмоқда ва учинчидан анашу жараёнларни акс эттирувчи ахборотлар манбалари кўрсатиб ўтилмоқда. Лекин, анашу умумий томонлардан ташқари ҳар бирини бошқасидан аниқ ажратиб турувчи принципиал томонлари ҳам борлигини юқорида берилган таърифлардан ҳам кўриниб турибди.

Агар биз иқтисодимизда юз бераётган ўзгаришларни инобатга оладиган бўлсак, хўжалик фаолияти билан шуғилланувчи субъектларни янги-янги шакиллари вужудга келганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда иқтисодий таҳлилга қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Иқтисодий таҳлилнинг предмети деб, хўжалик юрутувчи барча субъектларнинг иқтисодий ахборотлар тизими орқали акс эттирилувчи ва турли (ички ва ташқи) омиллар таъсирида юзага келувчи хўжалик жараёнларига айтилади.

3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари.

Фан сифатида иқтисодий таҳлилнинг мазмуни энг аввало унинг бошқа амалий фанлар тизимида бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ана шундай функцияларидан бири иқтисодий қонунларни таъсири характери ни ўрганиш, аниқ корхона шароитида иқтисодий ходиса ва жараёнлар қонуниятлари ва тенденцияларини белгилаш ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг яна бир функцияси - бу жорий ва перспектив бизнес режаларни илмий жихатдан асослашдир. Бошқарув қарорларини ва бизнес режаларни бажарилиши ҳамда ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг марказий функциялардан бири - бу илғор тажрибаларни, фан ва амалиёт ютуқларини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари (резервлари)ни қидириб топишдир.

Иқтисодий таҳлилнинг навбатдаги функциялари жумласига бизнес режаларни бажарилиши, иқтисодиётни ривожлантиришидаги эришган даражасини ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиши бўйича корхона фаолияти натижаларини баҳолашни киритиш мумкин.

Шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим функциялари жумласига яна аниқланган резервлардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишни ҳам киритиш мумкин.

Шундай қилиб иқтисодий таҳлилнинг мазмунини, иқтисодий қонунлар таъсири характери ни, иқтисодий жараёнлар қонуниятларини ва тенденцияларини ўрганиш, жорий ва перспектив режаларни, ҳамда бошқариш қарорларини илмий асосланганлигини текшириш ва уларни бажарилишини назорат қилиш, эришилган даражани баҳолаш, фойдаланмаётган имкониятларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ташкил қилади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари унинг мазмунидан келиб чиқади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бизнес режалар (ишлаб чиқариш дастурлари, режа вазифалари), стандартлар ва (ички хўжалик) меерий даражаларни (уларни ишлаш босқичида) илмий асосланганлик даражасини ошириш;
- 2) бизнес режаларни бажарилишини, стандартлар ва меъёрий даражаларга риоя қилинишини ҳар томонлама чуқур ва объектив баҳолаш;
- 3) меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- 4) ички хўжалик резервларини қидириб топиш, уларни улчаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- 5) хўжалик юритиш тамойилларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;
- 6) бошқарув қарорларини оптималлигини текшириш.

4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойиллари.

Маълумки, аналитик тадқиқотлар, унинг натижалари ва улардан ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланиш маълум талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар аналитик тадқиқотларни ўтказишга ўз таъсирини кўрсатади ва албатта. Иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш, ўтказиш ва унинг натижаларини амалда фойдаланишда уларга катъий риоя қилиниши шарт.

Иқтисодий таҳлилнинг энг **мухим тамойиллари** қўйидагиларди:

- 1) Иқтисодий таҳлилга давлат манфаати нуқтаи назаридан ёндошиш тамойили, яъни иқтисодий ходисаларни, хўжалик жараёнлари натижаларини баҳолашда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва халқаро сиёсатларини ва қонунчиликларини инобатга олиш лозим.
- 2) Иқтисодий таҳлилнинг илмийлик тамойили, яъни диалектик билиш назариясига асосланиши, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари талабларини ҳисобга олиши, фан-техника тараққиёти ютуқларини, илғор тажрибаларни ва иқтисодий тадқиқотнинг энг янги усулларини ҳисобга олиши лозим.
- 3) Иқтисодий таҳлилнинг комплекслик тамойили. Бу тамойилга мувофиқ таҳлил қилайнаётган объектнинг барча бирликлари, звенолари ва томонларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ўзaro боғлиқликларини атрофича ўрганишни тақозо қилади.
- 4) Иқтисодий таҳлилни ўтказишга тизмий ёндошиш тамойили. Ушбу тамойилга мувофиқ ўрганилаётган объект мураккаб динамик тизим ва у бир қатор майда унсурлардан ва уларнинг ўзaro боғланишидан ташкил топган деб қаралиши керак.
- 5) Иқтисодий таҳлил объективлик, аниқлик ва ишонччилик тамойили, яъни у даставвал ишончли, текширилган ва реал воқеликни акс эттирувчи маълумотларга асосланиши керак. Фақат шундагина унинг натижалари ҳам талабга жавоб берадиган бўлади. Шу сабабли ҳам корхона ҳисобини, назоратини, ички ва ташқи аудитни такомиллаштириб бориш тақозо қилинади.
- 6) Иқтисодий таҳлилнинг таъсирчанлик тамойилига мувофиқ у ишлаб чиқариш жараёнларининг боришига унинг натижаларига бевосита аралашishi, резервларни, йўл қўйилган хато ва камчиликларни қидириб топишга бевосита таъсир кўрсатиши лозим.
- 7) Иқтисодий таҳлилнинг режалилик тамойили. Бу тамойилга мувофиқ корхоналарда амалга ошириладиган аналитик ишлар режалаштирилиши, уни бажарувчилар уртасида тақсимланиши ва назорат қилиб борилиши лозим.
- 8) Иқтисодий таҳлилнинг оперативлик (тезкорлик) тамойили. Бу тамойил иқтисодий таҳлилни ўтказиш, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалиётган жорий қилишда аниқ ва тезкорликни тақозо қилади.
- 9) Иқтисодий таҳлилнинг демократик тамойили, уни ўтказишга корхонанинг кенг жамоатчилигини жалб қилиш ва таҳлил натижаларини муҳокама қилишда кенг жамоатчилик иштирокини тақозо қилади.

10) Иқтисодий таҳлилнинг самарадорлик тамойили, яъни уни ўтказиш учун кетган сарф харажатлар бир неча баробар копланиши керак.

Шундай қилиб, таҳлилга давлат манфаати нуқтаи-назардан, илмий, комплекс ёндашиш лар, аниқлилик, объективлик, тезкорлик, режалилик, оммавийлик, самарадорлик ва ш.у.лар иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойилларидир.

5. Фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг ўрни.

Иқтисодий таҳлилни иқтисодий бир қатор фанлар иқтисодий ва ноиқтисодий фанлар билан бевосита боғлиқ. У боғлиқ булган иқтисодий фанлар жумласига иқтисодиёт назарияси, тармоқлар иқтисодиёти, режалаштириш, ташкил қилиш ва бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва статистика, молия ва кредит ҳамда ҳуқуқ фанларини, ноИқтисодий фанлар жумласига эса математик фанлар - математик дастурлаш, математик методлар, математик моделлаштириш ва шахсий компьютерлар тизими ва халқ хужалиги технологик ўрганувчи фанларни киритиш мумкин.

Маълумки, иқтисодий таҳлил ўтказиш иқтисодий қонунлар ва уларни таъсир механизмини ургатувчи ва энг мухими барча Иқтисодий фанларни ривожланиши учун асос яратувчи **"Иқтисодиёт назарияси"** фанини чуқур ва атрофлича билишни тақозо қилади. Ўз навбатида **"Иқтисодий таҳлил"** фани ҳам **"Иқтисодиёт назарияси"**ни ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Шунингдек, **"Тармоқлар иқтисодиёти"**, **"Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш"** фанларни яхши ўрганмай чуқур ва атрофлича таҳлил ўтказиш мумкин эмас. Чунки, ўрганилаётган тармоқлар хусусиятларини, иқтисодиётини, ташкил қилиш ва режалаштириш масалаларини яхши билмаган одам у сохани чуқур ва атрофлича таҳлил қила олмайди. Ўз навбатида иқтисодий таҳлил натижалари ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, илоғор тажрибаларни оммалаштириш каби масалаларда кенг фойдаланилмоқда.

Иқтисодий таҳлилнинг **"Бухгалтерия ҳисоби"** фани билан икки томонлама алоқаси борлиги ҳаммага маълум. Бир томондан, хўжаликлар фаолиятини иқтисодий таҳлили анашу фанни ривожланиши натижасида ажралиб чикканлиги ва энг мухими бухгалтерлар биринчи бўлиб иқтисодий таҳлилни қўллаган бўлса, иккинчи томондан, иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланадиган ахборотларнинг кўп чилиги асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотларидир. Бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришда ўз навбатида иқтисодий таҳлил ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда: бухгалтерия учети тизими, регистрларнинг шакли ва мазмуни, хужжат айланиш тартиби ва бошқа шунга ухшаш масалала тобора такомиллашиб бормоқда.

Худди шунингдек, иккитомонлама алоқани иқтисодий таҳлил ва **"Статистика"** фанлари орасида кўзатиш мумкин. Бир томондан иқтисодий таҳлил учун зарур булган маълумотларни асосий қисми статистик маълумотлардин иборат бўлса, иккинчи томондан, унинг кўпгина усуллари

(статистика олдиға қўйилган вазифадан бошқа бир қатор аналитик масалаларни ҳал қилишда ҳам) таҳлил жараёнида ҳам кенг қўлланади.

Корхоналарни молия ва кредит ташкилотлар ва муассалари билан ўзaro алоқаларини яхши билган ҳолдагина унинг фаолиятини яхши таҳлил қилиш мумкин. Демак, ўз-ўзидан **"Корхоналарни молиялаш ва кредитлаш"** фанларини ҳам ўрганишни тақазo қилади. Иқтисодий таҳлил ҳам ушбу фанларни ривожланишига ўзини катта хиссасини қўшмокда: бюджетга туловлар, кредитларни олиш шартлари, фоиз ставкаларини белгилаш ва бошқа молия ва кредит инструментлар таҳлил туфайли тобора токомиллашиб бормокда.

Иқтисодий таҳлил фани билан **"Математика"** фанларини ўзaro алоқаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мураккаб иқтисодий масалаларни ечиш зарурати, математика фанларини ривожланиши учун жуда катта туртки булди. Айнан шу туфайли, амалий математиканинг катта тармоғи **"Математик дастурлаш"** вужудга келди. Математик фанлардан аналитик мақсадларда фойдаланиш эса, ўз навбатида иқтисодий таҳлил салохиятини жуда кутаришга ёрдам бермокда. Таҳлил эн ди тобора чуқур ва асосланган, тез ва аниқ, катта объектларни ва ахборотларни ўз ичига оладиган булди.

У ёки бу объектни технологик жараёнларини яхши билмай туруб умуман таҳлил ўтказиб бўлмайди. Фақат шу сохани, унинг технологиясини (**"Тармоклар технологияси"**ни) биладиган иқтисодчигина, унинг ишлаб чиқариши натижасини объектив баҳолай олади. Шу билан билан бирга, **"Ишлаб чиқариш технологияси"**ни ўзи ҳам самарали бўлишга ҳаракат қилади, бунга эришиш эса аналитик тадқиқотларсиз мумкин эмас.

2-Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА УСУЛЛАРИ

Режа

1. Иқтисодий таҳлилнинг методи.
2. Иқтисодий таҳлилда тизмий ёндашиш услубияти.
3. Комплекс таҳлил ўтказиш услубияти.
4. Ааналитик кўрсаткичлари тизимини ишлаш.

1. Иқтисодий таҳлилнинг методи.

Метод жуда кенг маъно ва тушунчага эга. Умуман метод деганда реал воқеликда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ўрганишга ёндашиш усули тушинилади. Фаннинг методи деганда эса, ушбу фанни объектини тадқиқ қилиш усули тушинилади. Иқтисодий таҳлилнинг методини аниқлаш ҳам унинг предметини аниқлашдек жуда тортушувли масалага айланган ва ҳозиргача ҳам ягона фикрга келингани йўқ. Келинг иқтисодий таҳлил методига берилган таърифлар тарихига бир назар ташлайлик.

Иқтисодий таҳлилнинг методига Вейцман Н.Р. қўйидагича таъриф беради: Таҳлил методининг элементлари "...учет маълумотларини ўқиш, кейинчалик ушбу маълумотлардан корхона ички ва ташқи хўжалик боғланишларини очиқ бериш учун комплекс фойдаланиши...анашундай боғланишларни улчаш,..таҳлилга жалб қилинган ракамли кўрсаткичларни ўқиш, ўзаро боғлаш ва улчаш чоғида таққослаш ҳисобланади. (Вейцман Н.Р.Очерки по бухгалтерскому учету и анализу М.Госфиниздат,1958,с.112-113).

Бошқа бир муаллиф М.Рубинов эса, иқтисодий таҳлилнинг методига қўйидагича таъриф берган: "Хўжалик жараёнларини текширишда қўлланувчи ўзаро боғланган усуллар тўплами корхоналар ишининг иқтисодий таҳлили методи деб айтилади. (Рубинов М. Основы экономического анализа работы предприятий М.Госфиниздат, 1962,с.13)

Ўзбекистонлик олим Н.А.Хан эса ўз қўйидаги таърифни берган: Иқтисодий анализ методи деганимизда ишлаб чиқарувчи кучлардан ва иқтисодий қонунлардан фойдаланиш йўллариини ўрганиш ёки ўрганишга ёндошишни тушинмок керак.Бунга хўжалик резервларини топиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллариини белгилаш учун ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий қонунларининг таркибий қисмларини бўлиб куриш воситасида эришилади. (Хан Н.А. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи, Тошкент, Ўқитувчи,1978 12 б.)

Бошқа бир муаллиф - П.И. Савичев берган таърифда эса қўйидагиларни учратиш мумкин: Корхоналар ишининг иқтисодий таҳлили методи халқ хужалиги айрим тармоқларининг вазифалари ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда ривожлантирилувчи ва конкретлаштирилувчи материалистик диалектика ҳисобланади. (Савичев П.И.Экономический анализ орудие выявления внутрехозяйственных резервов М.,Финансы,1968,с.17)

Бошқа бир гуруҳ олимларнинг иқтисодий таҳлил методига берган таърифларида қўйидагиларни учратиш мумкин: "Билишнинг диалектик методи талабларига мувофиқ хўжалик фаолияти таҳлилининг методи деганда иқтисодиётни бошқариш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш учун зарурий ахборотлар билан таъминлаш ва уларнинг иш натижаларини объектив баҳолаш унинг самарадорлигининг ошириш резервларини қидириб топиш ва жорий қилиш мақсадида корхоналар, уларнинг (структуравий) бўлимлари, халқ хужалигининг хўжалик ҳисобидаги бошқа звенолари иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини системали, комплекс, таркибий (органик) ўзаро боғлиқликда ўрганиш тушинилади". (Теория АХД Под.ред. В.В.Осмоловского, Минск Высшая школа, 1989 с.49)

"Иқтисодий таҳлилнинг методи деганда жорий ҳисоб ва ҳисоботлар кўрсаткичлари тизми базасида корхоналар фаолияти турли томонларини комплекс, ўзаро боғлиқликда ўрганиш тушинилади". (Анализ хозяйственной деятельности Под.ред. В.А.Белобородовой М., Финансы и статистика, 1985, с.17).

"Таҳлилнинг методи - бу махсус усуллар ёрдамида режа, ҳисоб ва ахборотларни бошқа манбаларини ишлаш йўли билан амалга ошириладиган, хўжалик режадорлигини баҳарлишига ва хўжаликнинг ривожланиш динамикасига айрим омиллар таъсирини системали комплекс ўрганиш, улчаш ва умумлаштириш усулидир". (Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий и объединений. Под. ред. С.Б.Борисов и Г.М.Татья. М., Финансы и статистика, 1986 с.21)

Кейинги йилларда ҳам иқтисодий таҳлил методини аниқлаштиришга уринишлар давом этмоқда. Жумладан, Баканов М.И. ва Шеремет А.Д. қўйидагича таъриф берадилар: Иқтисодий таҳлилнинг методи деганда, ивожланиш ва шаклланишдаги хўжалик жараёнларини ўрганишга диалектик ёндашиш тушинилади. Иқтисодий таҳлилнинг методининг характерлари хусусиятлари: хўжалик фаолиятини ҳар томонлама (тула) характерловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш; бу кўрсаткичларни ўзгариш сабабларини ўрганиш; ижтимоий-Иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида анашу кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғланишларни аниқлаш ва улчаш ҳисобланади (Баканов М.И., Шеремет А.Д., Теория экономического анализа. М. Финансы и статистика, 1997 с.44).

Белоруссиялик олима Савицкая Г.В. эса қўйидаги таърифни беради: Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа маълумотлар манбаъларининг кўрсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида ишлаш йўли билан корхоналар фаолияти натижаларига омиллар таъсирини тизмий, комплекс ўрганиш, улчаш ва умумлаштиришдир ХФТнинг методи ҳисобланади.

Кўришиб турибдики, иқтисодий таҳлил методини асослаб беришда ягона фикр йўқ. Шундай бўлсада Иқтисодий таҳлил методига берилган таърифларнинг жуда катта принципиал фарқ ёки қарама қаршилик йўқ. Агар анашу берилган таърифлар умумлаштириладиган бўлсак, у ҳолда иқтисодий таҳлил методини қўйидагича таърифлашимиз мумкин: Иқтисодий

таҳлилнинг методи - бу ривожланиш ва шаклланишдаги ҳўжалик жараёнларини ўрганишга диалектик ёндош ган ҳолда, иқтисодий ахборотлар манбаларида келтирилган кўрсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида ишлаш йўли билан уларни ўзгариш сабабларини аниқлаш ҳамда улар орасидаги ўзоро боғлиқларни тизмий, комплекс ўрганиш, улчаш ва умумлаштиришдир.

2. Иқтисодий таҳлилда тизмий ёндашиш .

Маълумки, тизмий ёндошиш - бу тадқиқот услубиятидаги йуналишдир. У объектни кўп сонли ички ва ташки алоқалардан иборат булган элементлардан ташкил топувчи мураккаб тизим сифатда ўрганишга таянади. Тизимий ёндошиш объектни чуқур ва атрофлича ўрганишга, уни ҳақида тула тасавурга эга бўлишга, унинг алоҳида бирликлари орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга имкон беради.

Тизимий ёндошишнинг бош хусусияти - бу тизим элементларининг ўзоро таъсири, ўзоро боғлиқлиги, ўзоро боғланиши ва динамик характерда бўлиши, комплекслиги, бутунлиги, буйсунганлиги, етакчи звенони ажралганлигидир.

Тизмий ёндошиш иқтисодий таҳлилда ҳўжалик масалаларининг илмий асосланган вариантларини ишлаб чиқиш ва бу вариантларни самарадорлигини ҳисоблаш йўли билан энг макбул бошқариш қарор ларини танлаш имконини беради.

Тизимий таҳлилда уни амалга ошириш жараёнини бир неча кетма кет босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич. Тадқиқотнинг бу босқичида объект маълум бир тизим, деб қаралади ва бунинг учун даставвал тизимни элементлари сифатида қараладиган алоҳида қисимлари ажратиб олинади. Шунингдек, тизимни ривожланиш мақсади, ҳал қиладиган вазифалари, бошқа тизимлар билан алоқалари, алоҳида элементлари орасидаги ўзоро боғланишлари, ҳар бир элементни ва бутун тизимни ишлаши белгилаб олинади,

Иккинчи босқич. Бу босқичнинг асосий мақсади тизимнинг барча элементларига, уларнинг ўзоро (ташки ва ички) боғланишларига, унинг мавжудлиги шароитларига тула ва сифатли тавсиф берадиган кўрсаткичларни танлашдир.

Учинчи босқич. Ўрганилаётган тизимнинг умумий чизмасини ишлаб чиқиш бу босқични асосий мақсадини ташкил қиладир. График кўринишда бу алоҳида - алоҳида тўзилган блоклардан ташкил топган бўлиб, бунда ҳар бир элементга алоҳида блок мос келади. Алоҳида блоклар улар орасидаги боғланишлар мавжудлигини ва йуналишини тавсифловчи стрелкачалар билан боғланади.

Туртинчи босқич. Бу босқич тизимнинг умумий кўринишдаги Иқтисодий математик моделини тўзишга бағишланади. Бунда сифат таҳлили йўли билан тизимнинг бирча тенглама ва тенгсизликларининг математик шаклдаги ифодаси аниқланади.

Бешинчи босқич. Бу босқичда "модель билан ишлаш" амалга оширилади. Модель билан ишлашни ШЭХМ (ХК) ёрдамида диалог режимида ўтказиш тавсия қилинади. Модель билан ишлашда, бизнинг фикримизча имитацион моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Комплекс таҳлил ўтказиш услубияти.

Иқтисодий таҳлил методидан фойдаланиш аналитик тадқиқотларнинг бир қатор аниқ услубиятлари орқали юзага чиқади. Бу хўжалик фаолиятини алоҳида томонларини тадқиқ қилиш услубияти ҳам бўлиши мумкин, ёки комплекс тадқиқ қилиш усули ҳам бўлиши мумкин.

Шуни такидлаш лозимки, таҳлилнинг ҳар бир турига ўзининг услуби тугри келади.

Умуман услуб деганда у ёки бу ишни бажаришнинг усуллари, энг мақсадга мувофиқ коидалари мажмуаси тушунилади. Иқтисодий таҳлилда услуб деганда, таҳлил мақсадига эришиш учун маълум кўринишда бўйсундирилган, корхона иқтисодиётини тадқиқ қилишнинг аналитик усуллари ва тартиблари тушунилади.

Иқтисодий таҳлил услубини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: умумий ва хусусий услубларга. Умумий услуб - бу миллий иқтисоднинг турли тармоқларининг турли объектларини ўрганишда бир хилда фойдаланадиган тадқиқот тизимидир.

Хусусий услуб - умумий услубни иқтисодиётнинг маълум тармоғи, ишлаб чиқаришнинг маълум тури ёки маълум тадқиқот объектига қараб аниқлаштирилади.


Комплекс иқтисодий таҳлил (КИТ)нинг ўтказиш, албатта унинг тартибини аниқлаб олишни тақозо қилади. КИТни бажаришда қўйидаги босқичлар ажратилиб кўрсатилади:

- ◆ **1-босқич**да таҳлилнинг объекти, мақсади ва вазифалари белгилаб олинади, таҳлил режаси тўзилади;
- ◆ **2-босқич**да таҳлил объекти тавсифланадиган синтетик ва аналитик кўрсаткичлар ишлаб чиқилади;
- ◆ **3-босқич**да таҳлил учун зарур бўлган ахборотлар йиғилади ва тайёрланади (ишончлиги текширилади, тақосланма кўринишга келтирилади);
- ◆ **4-босқич**да хўжалик фаолиятининг натижалари бизнес режа, ўтган йил, илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққосланади;
- ◆ **5-босқич**да омилли таҳлил ўтказилади ва натижавий кўрсаткичларга омиллар таъсири ҳисобланади;
- ◆ **6-босқич**да ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фойдаланилмаётган ва истикболдаги имкониятлар аниқланади;
- ◆ **7-босқич**да турли омиллар таъсирини ва аниқланган ишлатилмаётган имкониятларни ҳисобга олиб хўжалик фаолиятини баҳолаш амалга оширилади ва улардан фойдаланиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланади.

Аналитик тадқиқотларни бундай кетма-кетликда бажариш иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалӣ нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир.

КИТ услубини муҳим унсури - бу унинг техник усуллари ҳисобланади. Бу усуллари кискача қилиб таҳлил инструментлари деб ҳам айтиш мумкин. Улар таҳлилнинг турли босқичларида қўлла ниш мумкин.

Иқтисодий таҳлилда қўлланадиган усуллари турлича туркумланади. Ҳозирги пайитда иқтисодий таҳлил усуллари кууйидаги кўринишда туркумлаш кўпчилик ҳолларда қўлланади (1-чизма).




1-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг асосий усуллари туркумланиши

1-чизмадан кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил жараёнида ахборотларни ишлаш, умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари билан бир қаторда, омилли таҳлил ўтказиш ва кўрсаткичларни оптималлаштириш усуллари ҳам кенг қўлланади.


Бу усуллар орасида энг кадимий, қухналари бу унинг анъанавий усуллари бўлиб, бу усуллар нафақат иқтисодий таҳлилда балки, бошқа фанларда ҳам маълумотларни ишлаш учун кенг қўлланади. Анъанавий усулларнинг энг асосийлари қўйидаги чизмада келтирилган (2-чизма).

Анъанавий усуллар жумласига кирувчи усуллари ўзи ҳам турличадир. Бу ерда дастлабки таҳлил ўтказиш (таққослаш, график усулда тасвираш, гурухлаш) усуллари ва умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш (нисбий ва ўртача микдорлар) усуллари билан бирга омилли таҳлил ўтказиш усуллари (баланс боғланиш усули) ҳам унинг таркибига киритилган.



2 - чизма. Иқтисодий таҳлилнинг асосий анъанавий усуллари туркумланиши


Детерминистик омилли таҳлил усули жумласига асосан омилли таҳлил ўтказиш усуллари киритилган бўлиб, ўз ичига занжирли боғланиш, индекс, абсолют ва нисбий микдорлардаги тафовутлар, интеграл ва пропорциональ бўлиш усуллари киритилган (3-чизма).



3-чизма. Детерминистик омилли таҳлил ўтказишда қўлланадиган асосий усулларни туркумланиши


Кўриниб турибдики, детерминистик омилли таҳлил ўтказишда қўлланадиган асосий усуллар жумласига иқтисодий таҳлилнинг энг кенг тарқалган унверсал хусусий усуллари (занжирли боғланиш, абсолют ва нисбий микдорлардаги тафовутлар, пропорциональ бўлиш) билан бир қаторда иқтисодий-статистик (индекс) ва математик (интеграл) усуллар ҳам киритилган.

Стохастик усуллар жумласига корреляцион, дисперсион, асосий компонентлар, зомонавий кўп улчовли омилли таҳлил масалалари киритилгандир (4-чизма).



4- Чизма. Стохастик омилли таҳлил ўтказиш усуллари туркумланиши

Стохастик омилли таҳлил ўтказишнинг асосий усулларида кўриниб турибдики, бу гуруҳга киритилган усулларнинг деярли барчаси математик статистикада кенг қўлланадиган усуллардир. Кўрсаткичларни оптималлаштири усуллари асосан иқтисодий кибернетикада кенг қўлланадиган усуллар киритилган (5-чизма).



5-чизма. Кўрсаткичларни оптималлаштиришнинг асосий усуллари туркумлиниши.

Иқтисодий таҳлилда қўлланадиган кўрсаткичларни оптималлаштиришнинг асосий усулларига шунингдек имитацион моделлаштириш ва эвритик методларни ҳам қўшиш мумкин.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланадиган усуллар хилма-хил ва рангбарангдир. Таҳлил жараёнида уларни туги келган-келмаганлигига қараб қўлайбериш албатта аналитик ҳисобларни қўпайиб кетишига айрим ҳолларда унинг натижаларини бўзилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам уларни танлашда ечилиши лозим бўлган иқтисодий масалани моҳиятига мос келадиган усулни танлаш лозим.


4. Ааналитик кўрсаткичлари тизимини ишлаш.

Иқтисодий таҳлилнинг барча объекти бизнес режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа маълумотлар манбаларинг кўрсаткичлари тизимида ўзининг аксини топади.

Маълумки, ҳар бир иқтисодий ходиса ёки жараён кўп инча битта, ажралган алоҳида кўрсаткич билан эмас, балки бир нечта ўзоро боглаган кўрсаткичлар комплекси билан аниқланади. Шу муносабат билан иқтисодий ходиса ва жараёнларни акс эттириш учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва асослаш иқтисодий таҳлилнинг муҳим услубий масаласи ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланадиган жуда кўп микдордаги, турли кўрсаткичларни гуруҳлаш ва тизмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Кўрсаткичларни бир қатор белгилар бўйича туркумлаш мумкин (6-чизма):

- 1) Ўзининг мазмуни бўйича улар микдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлинади;
- 2) Қўлланадиган соҳасига қараб улар умумий ва махсус кўрсаткичларга бўлинади;
- 3) Синтез даражаси бўйича кўрсаткичлар умумлаштирувчи, хусусий ва ёрдамчи кўрсаткичларга бўлинади;
- 4) Олиш усули бўйича кўрсаткичлар абсолют ва нисбий кўрсаткичларга бўлинади;
- 5) Сабаб-оқибат муносабатларини ўрганишда кўрсаткичлар омилли ва натижавий кўрсаткичларга бўлинади;



6 -Чизма. Аналитик кўрсаткичларни туркумланиши

6) Шакилланиш усулига караб норматив, режа, ҳисобот ва аналитик кўрсаткичларга булинади.

Таҳлил жараёнида қўлланадиган барча кўрсаткичлар ўзоро боғланган, бир-бирини такозо қилади. Бу, албатта, иқтисодий ходисалар орасидаги реал боғланишдан келиб чиқади.

Корхона иқтисодиётини комплекс ўрганиш кўрсаткичларни тизмийлаштиришни тақозо қилади, чунки кўрсаткичлар мажмуи улар қанчалик тугалланган булмасин, уларни ўзоро боғлиқликларини, ўзоро бўйсунганлигини ҳисобга олмаса, ҳўжалик фаолияти самарадорлиги ҳақида ҳақиқий тасавўрни бера олмайди. Таҳлил объектга боғлиқ ҳолда барча кўрсаткичлар қўйида системачада гуруҳланиши мумкин (7-чизма).



7-чизма. Ҳўжалик фаолияти комплекс таҳлили кўрсаткичлари тизими

Тизимчани ташкил килувчи барча кўрсаткичларни кирувчи ва чикувчи ҳамда умумий ва хусусийларга бўлиш мумкин. Кирувчи ва чикувчи кўрсаткичлар орқали тизимчанинг ўзоро боғлиқлиги амалга оширилади. Бир тизимча учун чикувчи ҳисобланган кўрсаткич бошқаси учун кирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Ташкилий-техникавий даража (ТТД) кўрсаткичлари (1-блок) корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси, бошқарув тузилмаси, ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва ихтисослашганлиги даражаси, ишлаб чиқариш босқичини давомийлиги, меҳнатни техник ва энергетик куролланганлик даражаси, механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси, технологик жараёнларнинг прогрессивлиги ва ш.у.ларни тавсифлайди.

2-тизимча кўрсаткичлари корхона ишлаб чиқариш воситалари, жихозлари, материаллар ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини тавсифлайди.

3-блок маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади: ялпи ва товар маҳсулотлари натурал, шартли натурал ва киймат кўринишларида ифодаланади, унинг тузилмаси, сифати ва ишлаб чиқариш моромийлик ва бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади.

4-блок кўрсаткичларига маҳсулотларни жунатиш ва сотиш, тайёр маҳсулотларнинг омборлардаги колдиги ҳақидаги маълумотлар киради.

5-блокнинг асосий кўрсаткичлари фонд кайтими, фонд сигими, асосий фондларнинг ўртача йиллик киймати ва амартизация ҳисобланади.

6-блок материал сигими, материал кайтими, фойдаланилган материаллар хажми каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Улар 7,8,9,10 - блок кўрсаткичлари билан яқиндан боғлиқ. Материал ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга маҳсулотлар чиқиши, унинг таннархи ва демак фойда суммаси, рентабеллик даражаси, молиявий ҳолатини яхшиланиши бевосита боғлиқдир.

Шундай қилиб, корхона хўжалик фаолиятининг барча кўрсаткичлари ўзоро бир-бири билан яқиндан боғлиқ бўлиб, комплекс таҳлил жараёнида унинг ҳисога олиш зарур. Кўрсаткичларнинг ўзоро боғлиқлиги уларни таҳлил қилиш кетма-кетлиги тартибини ҳам белгилаб олиш имконини беради, бошлангич кўрсаткичлардан якуний, умумлаштирувчи кўрсаткичларга чиқиш имконини беради.

3-Мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА АХБОРАТЛАРНИ ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Иқтисодий таҳлилда таққослаш усули.
2. Кўрсаткичларни киесий (таққосланма) кўринишга келтириш.
3. Иқтисодий таҳлилда нисбий ва ўртача микдорларни ҳисоблаш усулларида фойдаланиш.
4. Иқтисодий таҳлилда ахборотларни гуруҳлаш усуллари.
5. Иқтисодий таҳлилда баланс усулида фойдаланиш.

1. Иқтисодий таҳлилда таққослаш усули.

Иқтисодий таҳлилнинг энг кухна, содда, кўп қўлланадиган усулларида бир - бу таққослаш усулидир. Ҳақиқатдан ҳам, биз кундалик ҳаётимизда, ҳар кадамда, хоҳлаймизми-йўқми ушбу усулдан жуда кўп фойдаланамиз. Унинг муҳимлигини "Ҳамма нарса таққосланганда (киесланганда, солиштирганда) билинади", деган маколдан билса ҳам булади.

Бу усул иқтисодий таҳлилда ҳам кенг тарқалган. Таҳлил жараёнида баҳолаш учун, назорат учун ёки истикболни белгилаш учун олинган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир ракам бошқа кўрсаткич кўрсаткич ёки ракам билан таққослагандагина маълум аҳамият касб этади.

Ушбу усулнинг моҳияти қўйидагича очиб берилиши мумкин. Таққослаш- билишнинг илмий усули бўлиб, бунда номаълум ўрганилаётган нарса, предмет олдиндан маълум бўлган, ўрганилган бошқаси билан улар орасидаги умумий белгиларни ёки улар орасидаги тафовутларни аниқлаш мақсадида солиштирилади (киесланади).

Таққослаш ёрдамида иқтисодий ходиса ва жараёнлар уртасидаги умумийлик ва хусусийлик аниқланади, ўрганилаётган объектнинг ўзгариши, тенденцияси ва ривожланиш қонуниятлари ўрганилади.

Иқтисодий таҳлил жараёнида таққослаш усули унинг барча асосий ва ёрдамчи масалаларини ечишда кенг қўлланади. Таққослашнинг асосий турларига қўйидагиларни келтириш мумкин (корхонанинг ҳақиқий эришган даражаси қўйидагилар билан таққосланади):

- ◆ бизнес режа билан таққослаш;
- ◆ меерий кўрсаткичлар билан таққослаш;
- ◆ ўтган йиллар кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ◆ илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ◆ ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш;
- ◆ параллел қатор кўрсаткичларини таққослаш;
- ◆ турли вариантлар билан таққослаш;
- ◆ қўлланилган тадбир натижалари билан таққослаш.

Таққослашнинг ҳар бирини асосий мақсади билан кискача танишиб чиқайлик.

1. Ҳақиқий ва бизнес режа кўрсаткичларини таққослаш бизнес режани бажарилиш даражасини баҳолаш имконини беради. Масалан, қўйидаги жадвалда маҳсулот ишлаб чиқариш режасини баджариши ҳақида маълумот келтирилган.

3.1-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ҳажми		Абсолют фарқи (+, -)	Режани бажарилиши (%)
	режа	ҳақиқатда		
А	300	327	+ 27	109
Б	250	225	- 25	90
В	500	510	+ 10	102
Ж А М И	1050	1062	+ 12	105

2. Ҳақиқий кўрсаткичларни меерий кўрсаткичлар билан таққослаш харажатларни устидан назорат қилиш ва ресурсларни тежаш имконини берадиган технологияларни жорий қилиш имконини беради.

Хом-аше ва материаллардан фойдаланиш ҳақидаги қўйидаги маълумотларни куриб чиқиш мумкин.

3.2-жадвал

Хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш

Материал ресурси турлари	Харажатлар сарифи, т		Меъердан фарқи	
	меъер бўйича ҳақиқатдаги маҳсулотга	ҳақиқатда	Абсолют (+, -)	нисбий (%)
Нефтьмаҳсулоти	600	615	+ 15	+ 2,5
Хом аше	1200	1176	- 24	- 2,0
Материаллар	4650	4800	+ 150	+ 3,2
Ўкилиги	2500	2750	+ 250	+ 10,0

3. Ҳақиқий кўрсаткичларни ўтган йилги кўрсаткичлар билан таққослаш орқали биз корхонанинг ривожланиш тенденциясини ўрганамиз.

3.3-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси (млн.с таққосланма баҳоларда)

Маҳсулот тури	Ў т г а н й и л л а р				Тўрт йилнинг ўртачаси	Келгуси йил режаси
	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил		
А	280	300	300	320	300	300
Б	200	205	218	221	211	250
...	...	...	...	...	...	...
Ж А М И	3830	3910	4030	4150	3980	4000

4. Корхонамиз кўрсаткичларини илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали илғор тажрибаларни жорий қилиш ва резервларни қидириш йўллариини белгилаб олиш имконини беради.

Бундай таҳлилни хўжаликлараро киесий таҳлил деб ҳам айтилади ва унга кейинчалик алоҳида тухталиб утамиз.

5. Ҳақиқий эришган даражамизни район, вилоят, худуд, мамлакат ва бошқа ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш йўли билан мавжуд имкониятларимиз даражасини аниқлаб олишимиз мумкин.

6. Параллел қаторларни таққослаш ёрдамида бир нечта кўрсаткичларни (масалан, маҳсулот хажми, фондлар микдори ва фонд кайтими кўрсаткичларини) ўзоро таққослаш йўли билан улар орасидаги ўзоро боғланишларни асослаш мумкин.

7. Турли вариант кўрсаткичларини ўзоро таққослаш орқали бошқариш қарорларини оптималлигини таъминлаш мумкин.

8. Қўлланаётган тадбир натижалари ва эришилган даража кўрсаткичларини таққослаш орқали тадбирлар самарадорлигини баҳолаш имкони булади. Масалан, қўйидаги ташкилий техникавий ишлар режасини бижарилишини тавсифловчи маълумотлар асосидв унинг қайси бири бўйича тадбир қандай даражада бажарилганлигини баҳолаш мумкин.

3.4-жадвал

Ташкилий-техникавий тадбирлар режасини бажарилиши

Тадбир	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлок фарқи, +,-	Режани бажариш, %
Янги технологияни жорий қилиш, млн.с	150	120	- 30	80
Харакатдаги ускуналарни зомонавийлаштириш, млн.с	300	270	- 30	90
Янги техника сотиб олиш, млн.с	500	545	+ 45	109

Иқтисодий таҳлилда киесий таҳлилнинг қўйидаги турларга ажратиб бўрганилади: горизонтал, вертикал, тренд ва шунингдек бир ўлчамли ва кўп ўлчамли таҳлиллар.

Горизантал таҳлил таянч (базавий) кўрсаткичи(режа, ўтган йил, ўртача, илғор хўжаликларкўрсаткичи)дан ҳақиқий кўрсаткичнинг абсолют ва нисбий ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланади.

Вертикал таҳлил Иқтисодий ходисалар тузилмасини ўрганиш мақсадида унинг алоҳида қисимларини жамидаги солмогини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Тренд таҳлили кўрсаткичларни бир қатор йиллар мобайнида нисбий микдорларда ўсиш ва кўшимча ўсиш суратларини ўрганишда қўлланади.

Бир ўлчамли таҳлилда таққослаш бир объектнинг битта ёки бир нечта кўрсаткичларини, ёки бир нечта объектни битта кўрсаткичини таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Кўп ўлчамли таҳлилда бир нечта корхоналарни катта спектрдаги кўрсаткичлари таққослаб ўрганилади. Бу таҳлил корхоналар ва уларнинг булинмалари фаолиятини комплекс баҳолашда кенг фойдаланганлигини ҳисобга олиб, алоҳида тухталиб утмоқчимиз. Маълумки бундай таҳлилни бир неча корхоналар фаолиятини киесий баҳолашда ҳам кенг фойдаланилади. Бундан ташқари корхоналарни юкори бошқарув органлари, молиявий ташкилотлар, инвесторлар ва бошқалар ҳам бундай таҳлилдан ўзини кизиктирган совопларга жавоб олиш учун фойдаланадилар.

Корхона фаолиятини комплекс баҳолаш деганда корхона иқтисодий жараёнларни аниқловчи ва ишлаб чиқариш натижалари ҳақида умумлаштирувчи маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи кўрсаткичлар мажмуасини ўрганиш натижасида олинган корхона фаолиятини таснифи тушинилади. Комплекс баҳолаш учун қанчалик кўп кўрсаткичлар бўлса, таҳлил хулосалари ҳам шунчалик тугри бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Комплекс баҳолаш масалалари ҳозир ҳудудий нуқтаи назардан иккита йуналиш бўйича ҳал килинмоқда.

- ◆ Умумлаштирувчи (синтетик) ва интеграл кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;
- ◆ ҳисоблашлар тартибини амалга оширувчи алгоритмларни ишлаб чиқиш.

Кейинги йилларда корхоналар фаолиятини баҳолашда ҳисоблашларни амалга оирувчи бир қатор алгоритмлардан фойдаланиб келмоқда. Булар "Уринлар йигиндиси" методи, геометрик ўртачалар ва шунга ухшашларга асосланган методлардир. Бу методларни бир қатор камчиликлари бўлиб, уларнинг энг асосийси унда иштирок этаётган кўрсаткичларнинг муҳимлиги (вазни, аҳамиятлилиги) инобатга олинмай қолиб кетади.

Корхоналар фаолиятини баҳолашда истикболли методлардан бири кўп улчовли киесий таҳлил методикасидан фойдаланиш бўлиб, у ҳар бир корхонанинг нафақат абсолют кўрсаткичларини, балки уларни эталон корхонанинг кўрсаткичларига яқин (ўзок)лигини ҳам ҳисобга олувчи масофалар методига асослангандир. Шу сабабли, таққосланувчи корхона координатларини таққосланаётган эталон-корхонанинг координатларини солмоги (улуши)да ифодалаш зарур.

Кўп улчовли киесий таҳлил масалаларини ечиш тартиби балан танишиб чиқамиз:

1-босқич. Корхонанинг ҳўжалик фаолияти натижалари баҳоладиган кўрсаткичлар тизими асосланади, ушбу кўрсаткичлар бўйича маълумотлар йигилади ва бошлангич маълумотлар марицаси шакиллантирилади.

2-босқич. Корхоналар кўрсаткичлари жойлашган ҳар бир устундан энг катта киймат танлаб олинади ва у бирга тенг, деб қабул килинади. Кейин ушбу устуннинг барча киймат (a_{ij})лари эталон корхонанинг (энг катта) киймати ($\max a_{ij}$)га бўлиб чиқилади:

$$X_{ij} = \frac{a_{ij}}{\max a_{ij}}$$

Натижада стандартлаштирилган коэффицент (X_{ij})лар матрицаси ҳосил булади.

3-босқич. Матрицанинг барча элементлари квадратга кутарилади. Агар масала турли вазиндаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ечиладиган бўлса, у ҳолда олинган квадратлар эксперт йўли билан белгиланган таълуқли вазин коэффицент (K)ларига кўп айтирилади, шундан кейин қатор бўйича натижалар кўшиб чиқилиб олинган сумма квадрат илдиздан чиқарилади:

$$R_i = \sqrt{K_1 * X_{1j} + K_2 * X_{2j} + K_3 * X_{3j} + \dots + K_n * X_{nj}}$$

4-босқич. Олинган рейтинг баҳолари (R) ранг бўйича жойлаштириб чиқилади ва ҳўжалик юритиш натижалари бўйича ҳар бир корхонанинг ўрни аниқланади. Биринчи уринни энг катта суммага эга булган корхона эгаллайди, иккинчи уринда эса ундан кўйинги натижага эга булган корхона ва х.к.

Корхоналар фаолиятини комплекс баҳолаш имконини берувчи ушбу усул бошқа усулларга нисбатан бир қатор устунликка эга. Бу энг аввало, мураккаб молиявий ҳўжалик фаолиятини баҳолашга кўп ўлчамли ёндашиш, иккинчидан, корхоналарни эришган реал ютуқларини ҳисобга олиш ва нихоят тавсия қилинадиган усул иш юзасидан ҳамкор корхонани микдорий ўлчамда баҳолаш имконини беради.

2. Кўрсаткичларни киесий кўринишга келтириш.

Таҳлил жараёнида риоя қилиниши керак булган асосий шартлардан бири бу кўрсаткичларни киесий-таққосланма кўринишга келтиришдир, зеро, сифат жихатдан бир хил булган кийматларнигина киеслаш мумкин. Бунда кўйидаги талабларга буйсуниш лозимдир:

- ◆ ҳажмий, кийматий, сифатли, тузилмавий омилларни бирлиги;
- ◆ ҳисобланган кўрсаткичларни таққосладиган вақт оралиги ва фурсатининг бирлиги;
- ◆ ишлаб чиқаришнинг бошланғич (техник, табиий, об-ҳово ва бошқа) шароитлари таққосланмалилиги;
- ◆ кўрсаткичларни ҳисоблаш методикасини ва улар таркибини бирлиги.

Юкорида келтирилган талаблар кўшимча изох талаб қилмайди. Уларни бажариш кийинчилик тугдирмайди. Бироқ айрим ҳолларда таққосланмаликни таъминлаш мушқил бўлиб бир қатор кўшимча ҳисоб китобларни қилишни тақазо қилади. Уларни айримларини куриб чиқамиз:

- а) Ҳажмий кўрсаткичларни мос келмаслиги. (масалан ишлаб чиқариш харажатларини умумий ўзгаришини ҳисобга олишда таннархни ўзгаришда олиб, маҳсулот ҳажмини ўзгармасдеб олиш зарур);

- б) Киймат кўрсаткичларини мос келмаслиги. (мас. маҳсулот хажмини ўзгаришини ўрганиш учун киймат кўрсаткичи таъсирини нейтираллаштириш лозим);
- в) Сифат омилини мос келмаслиги. (мас. айрим ҳолларда маҳсулот умумий хажмини унинг хажмини кўп айтириш ёки камайитириш йўли билан стандарт сифатга келтириб олиш - сутни базис еглилик даражасига келтириб олиш);
- г) Тузилмавий омилларни мос келмаслиги. (мас. сифатни базис даражасини йўқлиги ва у олинган маҳсулот сортлар бўйича таксимланганда).
- д) Вақт оралигини ёки фурсатни мос келмаслиги. (Вақт оралигини мос келмаслигини коррективировка қилиш билан тугрилаш мумкин, лекин фурсат мос келмаса уни фақат олмаштириш мумкин).

Юқорида айтилган камчиликларни, яъни айрим мос келмасликларни бартараф қилишда баъзан абсолют микдорлар ўрнига нисбий ёки ўртача микдорлардан фойдаланиш, тугрилаш коэффицентларини ишлатиш, қайта ҳисоблаш методи ва ш.у. фойдаланиш мумкин.

3. Иқтисодий таҳлилда нисбий ва ўртача микдорларни ҳисоблаш усулларида фойдаланиш.

Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган ходиса ва жараёнлар микдорий ўлчамгаэга бўлиб улар абсолют ва нисбий микдорлар билан ифодаланади.

Абсолют микдорлар Иқтисодий ходиса ва жараёнларни хажми, микдорини, размери ва даражасини ифодалайди.

Нисбий микдорлар бир абсолют микдорни иккинчи абсолют микдорга бўлиш натижасида олинган хосилани ифодалайди. Нисбий микдорлар турли шаклда: коэффицентларда (таққослаш базаси 1), фойзларда (таққослаш базаси 100), промилларда (таққослаш базаси 1000) ва промилларда (таққослаш базаси 10000) ифодаланиши мумкин.

Иқтисодий таҳлил жараёнида нисбий микдорларнинг қўйидаги турлари кенг қўлланади: режа вазифалари нисбий микдорлари; режани бажариш нисбий микдорлари; динамика нисбий микдорлари; тузилмавий нисбий микдорлар; координация нисбий микдорлари; интенсив нисбий микдорлар; объектлараро ва худудий таққослаш нисбий микдорлари; самарадорлик нисбий микдорлари.

Режа вазифалари нисбий микдорлари жорий йил режа кўрсаткичини ўтган йил ёки ўтган йилларнинг ўртача кўрсаткичларига нисбати билан тавсифланади.

Режани бажариш нисбий микдорлари ҳақиқатда эришган даража билан режа кўрсаткичлари орасидаги нисбатни тавсифлайди ва режани бажарилиш даражасини баҳолайди.

Динамика нисбий микдорлари Иқтисодий кўрсаткичларни вақт ичида нисбий ўзгаришини тавсифлайди. Одатда бу кўрсаткичлар базис ва занжирли усулда ҳисобланади.

Тузилмавий нисбий микдорлар ўрганилаётган тўпламнинг айрим бирликларини унинг умумий хажмига нисбатини тавсифлайди ва тўпламни таркибини ўрганиш имконини беради.

Координация нисбий микдорлари тўпм ичидаги айрим бирликларни ўзоро нисбатларини тавсифлайди.

Интенсив нисбий микдорлар турли номдаги лёкин ўзоро боғланган кўрсаткичларни ўзоро нисбатини тавсифлайди.

Объектлараро ва ҳудудий таққослаш нисбий микдорлари бир хил номдаги лёкин турли объект ёки ҳудудларга таълуқли бўлган кўрсаткичларни ўзоро нисбатини тавсифлайди.

Самарадорлик нисбий микдорлари - бу самара ва ресурс ёки харажатлар орасидаги нисбатни тавсифлайди.

Иқтисодий таҳлил амалиётида абсолют ва нисбий микдорлар билан бир қаторда ўртача микдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ўртача микдорларнинг қатор турлари фойдаланилади: ўртача арифметик микдорлар; ўртача гормоник микдорлар; ўртача геометрик микдорлар; ўртача хронологик микдорлар; ўртача квадратик микдорлар.

Таҳлил жараёнида ўртача микдорларни ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга умумлаштириб тавсиф беришини инобатга олиш зарур. Унинг афзаллиги ҳам камчилиги ҳам анашунда. Кўп чилик ҳолларда шундай ҳам бўлиши мумкин: яхши рақамлар ортида емон натижалар ва аксинча.

4. Иқтисодий таҳлилда ахборотларни гуруҳлаш усуллари.

Гуруҳлаш деганда ўрганилаётган тўпламни таълуқли белгилари бўйича сифат жиҳатдан бир хил бўлган гуруҳчаларга ажратиш тушинилади. Агар статистикада гуруҳлаш ҳодисаларни умумлаштириш ва типларга ажратиш мақсадида фойдаланилса, таҳлилда ўртачаларни моҳиятини тушинтиришга, бу ўртачадаги алоҳида бирликларни ролини кўрсатишга, ўрганилаётган кўрсаткичлар орасида ўзоро боғлиқликларни аниқлашга ёрдам беради.

Хал қиладиган масалалари (вазифалари) нуқтаи назардан гуруҳлашлар типологик, структурали ва аналитик турларга бўлинади.

Типологик гуруҳлаш деганда тўпламни сифат жиҳатдан бир хил бўлган гуруҳларга ажратиш тушинилади.

Структурали гуруҳлаш деганда кўрсаткични ички тўзилишини, унинг алоҳида қисимларини ўзоро нисбатларини ўрганиш мақсадида гуруҳларга ажратиш тушинилади.

Аналитик гуруҳлаш деганда эса кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган гуруҳлашлар тушинилади. Аналитик гуруҳлаш асосланадиган белгилар характериға кўра, гуруҳлашлар сифат (белги микдорий ифодаға эға бўлмағанда) ва микдорий бўлиши мумкин.

Тўзилишининг мураккаблиги жиҳатдан гуруҳлашлар икки турға бўлинади: оддий гуруҳлашлар ва комбинацияли гуруҳлашлар.

Битта белги бўйича амалга оширилган гурухлашлар оддий гурухлаш деб айтилади. Агар гурухлашлар даставвал битта белги бўйича амалга оширилса сунгра бу гурух ичида бошқа бир белгиси бўйича яна бошқа гурух хосил килнса бундай гурухлаш комбинацияли гурухлаш деб айтилади.

Гурухларни тўзишда тўпламни гурухларга бўлиш, гурухлар сонини белгилаш ва гурух интервалини аниқлаш масаласига жиддий ендашмок зарур, чунки анашу нарсага боғлиқ ҳолда таҳлил натижаси жиддий ўзгариши мумкин.

Гурухлашларни тўзиш услуги киска қилиб қўйидаги алгоритм кўринишида белгилаш мумкин:

- ◆ таҳлилнинг мақсадини аниқлаш;
- ◆ ахборотларни йигиш;
- ◆ гурухлаш учун асос қилиб олинган белги бўйича тўпламни ранжировка қилиш;
- ◆ тўпламни таксимлаш интервали (оралиги)ни танлаш ва уни гурухларга ажратиш;
- ◆ гурухлаш ва омилли белгилар бўйича ўртача гурух кўрсаткичларини аниқлаш;
- ◆ олинган ўртача микдорларни таҳлил қилиш, ўзоро боғлиқларни ва натижавий кўрсаткичга омилли кўрсаткичларни таъсир йуналишини аниқлаш.

5. Иқтисодий таҳлилда баланс усулидан фойдаланиш.

Баланс методи асосан ўзоро боғланган ва тенглаштирилган ҳамда жами ўзоро тенг булган икки гурух Иқтисодий кўрсаткичларининг пропорцияларини акс эттиришга хизмат қилади. Бу метод бухгалтерия ҳисоби ва режалаштириш амалиётида кенг тарқалган бўлиб, Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳам маълум роль уйнайди.

Баланс методи корхонани меҳнат ва молиявий ресурслар билан таъминланганлигини, хом-аше, ёкилиги, материаллар, асосий воситалар билан таъминланаганлигини таҳлил қилишда, шунингдек улардан фойдаланиш зичлигини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Баланс методи детерминистик аддитив омилли моделларни тўзишда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан товар балансини олсак, ундаги кўрсаткичларни ўзоро боғланишидан фойдаланиб унинг айрим кўрсаткичини аниқлаш ва ун ўзгаришига бошқаларини таъсирини аниқлаш мумкин. Агар товар балансини қўйидаги кўринишда ифодаласак:

$$O_n + \Pi = P + B + O_k$$

бу ерда, O_n - давр бошига товарлар колдиги;

Π - келтирилган товарлар;

P - сотилган товарлар;

B - товар харажатларининг бошқа манбалари (сотишдан ташқари);

O_k - давр охирига товарлар колдиги.

Товар баланси элементларини ўзоро боғланишларидан фойдаланиб унинг айрим элементи (ўрганилаётган ёки натижавий деб қаралаётганга кўрсаткич) ни аниқлаш мумкин. Масалан ушбу кўрсаткичлардан биронтаси,айтайлик сотилган товарлар хажми номаълум бўлса, у ҳолда товар баланси элементларини ўзоро боғланишидан фойдаланиб,уни хажмини ҳисоблаш мумкин:

$$P = O_n + П - B - O_k$$

Ўрганилаётган кўрсаткичи (бизни мисолимизда сотилган товарлар хажми)ни ўзгаришига бошқа омиллар ўзгаришини таъсирини, уларни ўзоро боғланишидан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta P = \Delta O_n + \Delta П - \Delta B - \Delta O_k$$

Бази ҳолларда баланс методи айрим омилларни натижавий кўрсаткични кўшимча ўсишига таъсирини аниқлашда ҳам фойдаланади. Масалан учта омилдан иккитасини таъсири маълум бўлса, у ҳолда учунчисини топиш мумкин:

Ва ниҳоят, баланс методига асосланиб, таҳлилнинг омилли таҳлил ўтказиш усулларида бири пропорционал тақсимлаш ёки иштрок этиш улуши усули ишлаб чиқилган.

$$\Delta Y_c = \Delta Y_{\text{умум}} - \Delta Y_a + \Delta Y_b$$

4-Мавзу: ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛ ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Омилли таҳлил ҳақида тушунча, уларнинг турлари ва вазифалари.
2. Иқтисодий таҳлилда омилларни туркумланиши.
3. Иқтисодий таҳлилда омилларни тизмийлаштириш.
4. Детерминистик моделлаштириш ва омиллар тизимини ўзгартириш.

1. Омилли таҳлил ҳақида тушунча, унинг турлари ва вазифалари.

Хўжалик фаолиятининг барча ходиса ва жараёнлари бир-бири билан ўзаро аокада, боғланишда булади ва бир-бирини такозо қилиб туради. Уларнинг баъзилари бир-бири билан тугри боғлаган бўлса, бошқалари билвосита боғлангандир. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига ишчилар сони ва уларнинг меҳнат унумдорлиги каби омиллар бевосита таъсир кўрсатади, колган барча омиллар билвосита таъсир кўрсатади.

Хар бир ходисани сабаб деб ҳам ва натижа деб ҳам караш мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлигини бир томондан, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини кўпайтирувчи, унинг таннархи даражасини камайитирувчи сабаб деб ҳам караш мумкин. Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштиришнинг натижаси деб ҳам караш мумкин.

Хар бир натижавий кўрсаткич жуда кўп ва хилма-хил омилларга боғлиқ. Натижавий кўрсаткичга омиллар таъсири қанчалик деталлаштириб (майдалаштириб) ўрганилса корхона ишининг сифатини бахоси ва таҳлили натижаси шунчалик аниқ булади. Шунинг учун ҳам хўжалик фаолияти таҳлилининг муҳим методологик масалаларидан бири бўлиб, ўрганилаётган иқтисодий объектга омиллар таъсирини аниқлаш ва улчаш ҳисобланади.

Омилли таҳлил деганда натижавий кўрсаткичкийматига омиллар таъсирини комплекс ва тизимий аниқлаш ва улчаш услуги тушунилади.

Омилли таҳлил қўйидаги типларга ажратилади:

- ◆ тугри (дедукти) ва тескари (индуктив) таҳлил;
- ◆ бир босқичли ва кўп босқичли (занжирли);
- ◆ статик ва динамик;
- ◆ ретроспектив ва перспектив.

Детерминистик омилли таҳлил деганда натижага катъий тулик функционал боғланишда булган омиллар таъсирини тадқиқ қилиш услуги тушунилади. Бунда натижавий кўрсаткич омилларнинг кўп айтмаси, булинмаси ва алгебраик йигиндиси кўринишида берилган булади.


Стохастик таҳлил натижага катъий, тулик боғланишда булмаган ва боғланиши эҳтимоллик, тасодифийлик ҳаракатда булган омиллар таъсирини ўрганиш услуги тушунилади. Тугри омилли таҳлилда тадқиқот мантикий дедуктив усулда амалга оширилади, яъни умумийдан хусусийга караб борилади. Буни барча таҳлил масаларини яъни бутун тўпламни кесимларга

ажратиб бўлиш йўли билан амалга ошириладиган масалаларни киритиш мумкин.

Тескари омилли таҳлил деганда тадқиқот мантикий индукция усули билан амалга ошириладиган, яъни алоҳида бирликлардан, элементлардан, хусусийдан умумийга чикиб бориш тушунилади. Демак, бу таҳлилга тескари усулда амалга ошириладиган - синтез усулидир.

Бир босқичли омилли таҳлилда натижавий кўрсаткичларга бош омилларни таъсирини аниқлаш, яъни омиллар таъсирини бирлиги даражасини, деталлаштирмай таркибий қисмларга ажратмай тадқиқ қилиш тушунилади. Масалан, сотишдан олинган яъни фойда сотишдан тушган тушум ва сотилган маҳсулот таннархи ўрганиш бир босқичли таҳлилга мисол бўлиши мумкин.

Кўп босқичли омилли таҳлил деганда натижавий кўрсаткичларга таъсир этувчи бош омилларни деталлаштириб ўрганиш йўли билан тадқиқот тушунилади. Масалан, биринчи босқичда яъни фойда (Ф)га сотишдан тушган тушум (Т) ва сотилган маҳсулотлар таннархи (S) ўрганилган бўлса, кейинги босқичларда сотишдан тушган тушумга сотилган маҳсулот миқдори (q) ва баҳоси (p)ни ўзгариши таъсири, ундан кейин эса, маҳсулот миқдорини ўзгартиришга ишчилар сони ва уларни меҳнат унумдорлиги таъсири ўрганилади ва хоказо (1-чизма).



8-чизма. Бир ва кўп босқичли таҳлил чизмаси

Статик омилли таҳлил деганда, маълум санада (даврда) натижавий кўрсаткичларда омиллар таъсирини ўрганиш вақт ўзгармас, тургун ҳолатда қаралади.

Динамик омилли таҳлил деганда, сабаб-окибат боғланишларини вақт бўйича ўзгаришда ўрганиладиган таҳлил тушунилади. Ретростив омилли

таҳлил деганда натижавий кўрсаткич омиллар таъсирини ўтган даврлар бўйича ўрганиш тушунилади.

Перспектив омилли таҳлил деганда омиллар ва натижавий кўрсаткичларни келгусида ўзгариши ўрганилади.

Иқтисодий омилли таҳлилнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- Тадқиқ қилинаётган натижавий кўрсаткич аниқлаб берадиган омилларни танлаш.
- Тизмий ёндашиш ни таъминлаш мақсадида омилларни туркумлаш ва тизмийлаштириш.
- Омилли ва натижавий кўрсаткичлар орасида ўзаро боғланишларни шаклини аниқлаш.
- Омилли ва натижавий кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни моделлаштириш.
- Омиллар таъсирини ҳисоблаш ва уларни ҳар бирини натижавий кўрсаткични ўзгаришига таъсиридаги ролини баҳолаш.
- Омилли модель билан ишлаш (Иқтисодий жараёнларни бошқариш учун ардан амалий фойдаланиш).

2. Иқтисодий таҳлилда омилларни туркумланиши.

Омилларни туркумлаш деганда уларни умумий белгилари бўйича гуруҳларга таксимлаш тушунилади. У ўрганилаётган ходисаларни ўзгариш сабабларини чуқурроқ тушуниш, натижавий кўрсаткични шаклланишда ҳар бир омилни ўрни ва ролини баҳолаш имконини беради.

Иқтисодий таҳлилда тадқиқ қилинадиган омиллар турли белгилар бўйича туркумланиши мумкин. Хўжалик натижаларига таъсир кўрсатиш нуқтаи назардан омиллар қўйидаги турларга бўлинади: асосий ва иккинчи даражали, ички ва ташки, объектив ва субъектив, умумий ва хусусий, доимий ва ўзгарувчи, экстенсив ва интенсив.

Асосий омиллар деганда натижавий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллар тушунилади.

Иккинчи даражали омиллар деганда хўжалик фаолияти натижаларига ҳозирги шароитда ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайдиган омиллар тушунилади.

Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, битта омил вазиятга, ҳолатга қараб асосий ёки иккинчи даражали бўлиши мумкин.

Ташки омиллар деганда, корхона фаолияти маълум даражада боғлиқ бўлган, лекин уни ўзгаришига корхона таъсир олмайдиган омилларга айтилади.

Ички омил деганда, корхона фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган омиллар, яъни корхона ўзи таъсир кўрсата оладиган омиллар тушунилади. Корхона фаолияти таҳлили жараёнида айнан анашу ички омилларга алоҳида эътибор берилди.

Корхона фаолиятини тугри баҳолаш учун омилларни яна объектив ва субъектив омилларга бўлиб ўрганилади. Объектив омиллар кишиларни

хохиширодасига боғлиқ булмаган омиллардир. Субъектив омиллар эса, объектив омиллардан фарқли уларок алоҳида одамлар, корхона ва хўжаликлар фаолиятига боғлиқ.

Омиллар яна умумий ва хусусий турларга булинади. Умумий омиллар иқтисодиётнинг барча соҳаларида таъсир кўрсатувчи омиллардир. Хусусий омиллар деганда иқтисодиётнинг алоҳида тармоғида ёки корхонасида таъсир кўрсатувчи омиллар тушинилади. Омилларни бундай таксимланиши алоҳида корхоналарни, тармоқларни хусусиятларини ҳисобга олиш ва улар фаолиятларини аниқ баҳолаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш натижаларига таъсир кўрсатиш муддати бўйича омиллар доимий ва ўзгарувчи бўлиши мумкин.

Доимий омиллар ўрганилаётган ходисаларга тухтовсиз, барча вақт мобайнида таъсир кўрсатади. Ўзгарувчи омиллар таъсири эса даврий юзага чиқиши мумкин, масалан, янги техникани, технологияни ёки маҳсулот турини ўзлаштириш ва ш.у.

Корхона фаолиятини баҳолаш учун омилларни интенсив ва экстенсив турларга бўлиш муҳим аҳамияти касб этади. Экстенсив омилларга натижавий кўрсаткичларни миқдорий ўзгариши билан боғлиқ омиллар киради. масалан, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўп айтириш. Интенсив омиллар эса, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни тула кувват билан фойдаланиш даражасини, ресурслардан самарали фойдаланишни тавсифлайди, масалан, меҳнат унумдорлиги даражасини, экинлар ҳосилдорлигини, хайвонлар маҳсулдорлигини ошириш кабилар.

Агар таҳлилда ҳар бир омилни хўжалик фаолияти натижаларига таъсирини улчаш мақсад кили қўйилган бўлса, у ҳолда омиллар миқдори ва сифат, мураккаб ва оддий, тугри ва эгри, улчагадиган ва улчанмайдиган турларга булинади.

Миқдорий омиллар ходисаларни миқдорий намоён бўлишини ифодалайди (ишчилар, станоклар, хом-аше сони - ҳажми). Сифат омиллари эса, ўрганилаётган объектни ички сифатини, белгиларини ва хусусиятларини аниқлаб беради (меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, тупрок унумдорлиги ва ш.у.).

Таҳлилда ўрганиладиган кўп гина омиллар бин нечта элементлардан ташкил топади. Бироқ шунакалари ҳам борки улар таркибий элементларга булинмайди. Шу муносабат билан омиллар мураккаб (комплекс) ва оддий (элементар) турларга булинади. Мураккаб омилларга меҳнат унумдорлиги, оддийларига эса, ҳисобот йлидаги иш кунлари мисол була олади.


Юкорида айтиб ўтганимиздек, бир хил омиллар натижавий кўрсаткичга тугридан-тугри таъсир этса, бошқалари эгри йўл билан таъсир этади. Ушбуга боғлиқ ҳолда омилларни биринчи, иккинчи, учунчи ва х.к. кейинги тартибли омилларга булинади. Биринч тартибли омилларга натижавий кўрсаткичга тугридан тугри таъсир кўрсатувчи омиллар киради. Натижавий кўрсаткичларни шакилланишига эгри, яъни биринчи тартибли омиллар орқали таъсир кўрсатувчи омиллар иккинчи тартибли омиллар деб аталади (8-чизмага қаранг).

Айрим омилларни натижавий кўрсаткични ўзгаришига таъсирини микдорий жихатдан аниқлаш имкони бўлса бошқаларини микдорий жихатдан бевосита улчашни имкони бўлмайди.

3. Иқтисодий таҳлилда омилларни тизмийлаштириш.

Хўжалик фаолиятини таҳлилида тизмий ёндошиш уларни тизмийлаштириш ёрдамида эришиладиган омилларни ташки ва ички алоқаларини, ўзоро таъсирини ва ўзоро бўйсунганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзоро боғлиқликда ўрганишни тақозо қилади. Умуман тизмийлаштириш - бу ўрганилаётган ходиса ва объектларни ўзоро алоқаларини ва ўзоро бўйсунушларини аниқлаш билан уларни маълум тартибда жойлаштиришдир.

Омилларни тизмийлаштириш усулларида бири бўлиб детерминистик омиллар тизими бўлиб ҳисобланади. Омиллар тизимини яратиш ўрганилаётган ходисаларни унинг кийматига таъсир этувчи ва у билан функционал боғланнишда бўлган бир нечта омилни алгебраик йигиндиси, нисбати ёки кўп айтмаси кўринишида тасавур қилиш дир. (9-чизма).



9-чизма. Ялпи маҳсулотнинг детерминистик омиллар тизими чизмаси

Детерминистик омиллар тизимини ривожлантириш комплекс омиллар тизимини деталлаштириш орқали амалга оширилади. Элементлар эса кейинчалик кўп айувчиларга ажрамайдилар, улар ўз мохиятига кўра бир турдадир. Тизимни ривожлантириб бориш билан микдорий омиллар сёкин аста унчалик умумий булмаганларга, ўз навбатида улар ҳам янада умумий булмаганларга деталлашиб боради, ўз аналитик мохиятига кўра сёкин-аста (оддий) элементга яқинлашиб боради.

Омилли таҳлил ўтказиш усулларини такомиллаштириш нафақат детерминистик боғланишдаги, балки натижавий кўрсаткич билан стохастик боғланишда булан омилларни тизмийлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Стохастик ўзоро боғланишларни ўрганишда ўрганилаётган кўрсаткичлар орасидаги алоқалар тузилмасини сифат (мантикий) таҳлили катта аҳамиятга эга. У ўрганилаётган кўрсаткичлар орасида сабаб-окибат алоқаларни мавжудлиги ёки йўқлигини, боғланиш йуналишини, боғланиш шаклини ва ш.у. белгилаш имконини берадики, бу албатта уларни натижавий кўрсаткичларга таъсирини аниқлашда ва таҳлил натижаларини умумлаштиришда жуда муҳимдир.

Иқтисодий таҳлилда ўрганилаётган кўрсаткичлар боғланишлари тузилмасини таҳлили нафақат ўрганилаётган омиллар ва натижавий кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни, балки омилларни ўзини орасидаги боғланишларни мавжудлиги ва йуналишини белгилаб олиш имконини берувчи блок-схемаларни тўзиш орқали амалга оширилади.

4. Детерминистик моделлаштириш ва омиллар тизимини ўзгартириш.

Омилли таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири омилли ва натижавий кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни моделлаштиришдир. Моделлаштириш- илмий билишнинг муҳим методи бўлиб унинг ёрдамида тадқиқ қилинаётган объектни моделини (шартли кўринишини, ифодаси, тарзини) яратишдир. Унинг мохияти шундаки, бунда ўрганилаётган кўрсаткичларни омиллар билан ўзоро боғланишлари аниқ математик тенгламалар шаклида берилади.

Омилли таҳлилда моделлар иккига бўлиб ўрганилади: детерминистик (функционал) ва стохастик (корреляцион) моделларга. Детерминистик омилли моделлаштиришда натижавий кўрсаткич (функция) ва омилли кўрсаткич (аргумент) лар орасидаги функционал боғланишлар тадқиқ қилинади.

Детерминистик омиллар тизимини моделлаштиришда бир қатор талабларга, шарт шароитларгаша риоя қилиш лозим бўлиб, уларнинг энг асосийлари қўйидагиларди:

- Омилларнинг аниқлиги (абстракт булмаслиги);
- Омилнинг ўрганилаётган кўрсаткич билан сабаб-окибат боғланишда бўлиши;
- Омилли моделни барча кўрсаткичлар микдори улчовга эга бўлиши;

- Омиллар таъсири йигиндиси натижавий кўрсаткич ўзгаришига тенг бўлиши.

Детерминистик моделлаштиришда омил моделларнинг кўп учрайдиган қўйидаги турлари мавжуд:

1. Аддитив моделлар:

$$Y = X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n = \sum X_i$$

2. Мультипликатив моделлар:

$$Y = X_1 * X_2 * X_3 * \dots * X_n = \prod X_i$$

3. Касрли моделлар:

$$Y = \frac{X_1}{X_2}; \quad Y = \frac{X_i}{\sum X_i}; \quad Y = \frac{\sum X_i}{X_i}; \quad Y = \frac{\sum X_i}{\sum X_j}$$

4. Аралаш (комбинацияли) моделлар:

$$Y = \frac{a + b}{c}; \quad Y = \frac{A}{b + c}; \quad Y = (a + b) * c \quad \text{ва х.к.}$$

Ушбу моделлар кўринишидаги боғланишларни Иқтисодий ходиса ва жараёнлар орасида, ҳар бир ҳўжалик юрутувчи субъект фолйотида жуда кўп лаб учратиш мумкин, қатор қатор мисоллар келтириш мумкин. Ушбу кўринишдаги моделлар билан ишланар экан, улар орасида ишланиши нисбаиан мураккаброк булган аралаш турдаги моделларни ўзгартириш ва уни ишланиши қўлайрок булган кўринишга келпириб олиш зарурати туғилади. Анашу аралаш(каррали) моделларни ўзгартиришнинг бир нечта турлари мавжуд:

- 1) Омиллар тизимини ўзайтириш;
- 2) Омиллар тизимини расмий ажратиш;
- 3) Омиллар тизимини кенгайтириш;
- 4) Омиллар тизимини кискартириш.

Биринчи усул - омиллар тизимини ўзайтириш усули бошлангич моделнинг махражи даги омилни бир турдаги омилчалар билан алмаштириб уни ўзайтиришни кўзда тутати. Масалан, маҳсулот бирлиги таннари (С) ни иккита омил - харажатлар суммаси ва маҳсулотлар хажми (N) ни функцияси сифатида караш мумкин, яъни

$$C = \frac{3}{N};$$

Агар умумий харажатларни уни айрим элементлари билан алмаштирсак, яъни иш хаки (И), хом-аше ва материаллар (М), асосий воситалар амортизацияси (А), бошқа харажатлар (Б) ва х.к., у ҳолда

детерминистик омилли тахли бошқа янги моделлар термаси билан аддитив кўринишни олади:

$$C = \frac{З}{N} + \frac{И}{N} + \frac{М}{N} + \frac{А}{N} + \frac{Б}{N} = X_1 + X_2 + X_3 + X_4.$$

Иккинчи усул - омиллар тизимини расмий ажратиш усулида бошлангич омиллар тизими бўйича берилган каррали боғланишнинг суратини бир нечта бир турдаги кўрсаткичлар билан алмаштириб, уни ўзгартирилади, яъни

$$Y = \frac{a}{b} = \frac{a}{l + m + n + p}$$

кўринишдаги якуний модел кўринишига келтирдик. Амалиётда бундай ҳолатлар жуда кўп учрайди. Масалан, ишлаб чиқариш рентабеллигини (Р) таҳлил қилаётганда:

$$P = \frac{\Pi}{З},$$

бу ерда, Π -махсулот сотишдан тушган фойда, $З$ -махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари суммаси. Агар харажатлар суммасини алоҳида элементларга ажратсак (шартли белгилар юкорида келтирилгандек), у ҳолда охириги модел қўйдаги кўринишга эга бўлади:

$$P = \frac{\Pi}{И + М + А + Б}.$$

Ёки бошқа бир мисол. Бир тонна километр юкни ташиш таннархи автомобилни сақлаш ва ишлатиш харажатлари (СИ) ва унинг ўртача йиллик ишлаб чиқариши хажми (ИЧ) га боғлиқ. Бу тизимнинг бошлангич модели қўйдаги кўринишда бўлади:

$$S = \frac{СИ}{ИЧ},$$

Машиналарда ўртача ишлаб чиқариши ўз навбатида битта автомобилни йил давомида ўртача ишланган кунлари (Д), сменаларни давомийлиги (П) ва ўртача соатлик ишлаб чиқариши (Е) га боғлиқлигини ҳисобга олсак, у ҳолда юкоридаги бошланич моделни анча ўзайтиришимиз ва транспорт иши таннарининг ўзгаришини кўп рок омилларга ажратишимиз мумкин.

$$S = \frac{СИ}{ИЧ} = \frac{СИ}{Д * П * Е}.$$

Учунчи усул - омиллар тизимини кенгайтириш усули бошлангич омилли моделни суръати ва махражини бир ёки бир неча янги кўрсаткичларга кўп айтириш ҳисобига уни кенгайтиришни кўзда тутди. Масалан, бошлангич омилли модел формуласига

$$Y = \frac{a}{B}$$

янги кўрсаткич C ни киритсак, у ҳолда моделни умумий кўриниши бошқача тус олиши мумкин, яъни

$$Y = \frac{a}{B} = \frac{a * c}{B * c} = \frac{a}{c} * \frac{c}{B} = X_1 * X_2$$

натижада янги омиллардан кўп айтмасидан таркиб топган якуний мультипликатив модель юзага келади.

Бу моделлаштириш усули хўжалик фаолияти таҳлилида кенг қўлланилади. Масалан бир ишчининг ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришини (меҳнат унумдорлигини) қўйидагича ёзишимиз мумкин:

$$W = \frac{N}{R},$$

Агарда барча ишчиларнинг ишлаган кунлари кўрсаткичи (Д)ни киритсак, у ҳолда қўйидаги йиллик ишлаб чиқариш модели олишимиз мумкин:

$$W = \frac{N * Д}{R * Д} = \frac{N}{Д} * \frac{Д}{R} = V * d,$$

бу ерда, V - ўртача кунлик ишлаб чиқариш,
d - бир ишчининг ишлаган кунлари.

Барча ишчиларнинг ишлаган иш соатлари кўрсаткичи (Т)ни киритганимиздан кейин, янги омиллар таркиби билан қўйидаги омилларни оламиз: ўртача соатлик ишлаб чиқариш (Е), бир ишчининг ишлаган кунлари (d) ва иш кунининг давомийлиги (П)

$$W = \frac{N * Д * Т}{R * Д * Т} = \frac{N}{Т} * \frac{Д}{R} * \frac{Т}{Д} = E * d * П.$$

Туртинчи усул - омиллар тизимини кискартириш усулида касрнинг махражи ва суъратини бир хил кўрсаткичга бўлиш натижасида янги омилли модел пайдо булади, яъни

$$y = \frac{a}{b} = \frac{a:c}{b:c} = \frac{X_1}{X_2}.$$

Бу ҳолатда якуний модель ҳам бошлангич модел типда булади, бирик бу ердаги моделда янги таркибдаги моделлардан иборатдир. Масалан, корхонанинг активларининг Иқтисодий самарадорлиги фойда суммасини (П) корхонанинг барча активларига (ўзок муддатли асосий ва айланма капиталларнинг ўртача йиллик кийматига (К) бўлиш йўли билан топилади.

$$P = \frac{\Pi}{K},$$

Агар касрнинг махражи ва суъратини сотилган маҳсулот хажмига бўлсак кискарган модел

$$P = \frac{\Pi}{K} = \frac{\Pi : \text{РП}}{K : \text{РП}} = \frac{\text{сотиш рентабеллиги}}{\text{маҳсулотнинг капитал сизими}}$$

Шундай қилиб, натижавий кўрсаткичлар турли усуллар билан таркибий элементлар (омилларга)га ажратилиши мумкин ва детерминистик моделларнинг турли типлари кўринишида берилиши мумкин. Моделлаштириш усулини танлаш тадқиқ қилинаётган объектга, қўйилга мақсадга, шунингдек тадқиқотчининг касбий маҳорати ва билимига боғлиқдир.

Омиллар тизимини моделлаштириш - ХФТнинг энг масъулятли ва мураккаб фурсатидир. Таҳлилнинг якуний натижаси, яратилан модель тадқиқ қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни қанчалик реал ва аниқ акс эттирилишига боғлиқ.

5-мавзу: ДЕТЕРМИНИСТИК БОГЛАНИШЛАРДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Занжирли богланиш усули.
2. Абсолют микдорлардаги тафовутлар усули.
3. Нисбий микдорлардаги тафовутлар усули.
4. Индекс методи.
5. Пропорционал таксимлаш ва иштрок этиш хиссаси усули.
6. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан фойдаланиш.

1. Занжирли богланиш усули.

Иқтисодий омилли таҳлил ўтказиш усулларида бири бу занжирли богланиш методидир. У ўрганилаётган натижавий (умумлаштирувчи) кўрсаткичга айрим омилларнинг таъсири аниқлашда - корхона ва бирлашмаларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Иқтисодий таҳлилнинг бу методи ўрганилаётган ходисалар уртасида тугри ёки тескари пропорционал кўринишдаги, катъий функционал характердаги богланиш булган вақтдагина қўлланилади. Бундай ҳолда, таҳлил қилинаётган умумлаштирувчи кўрсаткич бир нечта ўзгарувчиларнинг функцияси сифатида - алгебраик йигинди, кўп айтма ёки бир кўрсаткични иккинчи кўрсаткичга бўлиш натижасида олинган булинма кўринишида ифодаланиши керак.

Занжирли богланиш методининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳисоб формуласига кирувчи хусусий кўрсаткичларнинг базис (режа) кийматлари ҳисобот (ҳақиқий) кийматлари билан кетма-кеталмаштирилади ва ҳар сафарги алмаштиришнинг натижавий (умумлаштирувчи) кўрсаткични ўзгаришига таъсири аниқланади.

Базис кийматининг ҳисобот киймат билан ҳар бир алмаштиришдан кейин ҳисоб формуласида кўзда тутилган барча математик амаллар қайтадан бажарилади. Демак, ҳар бир алмаштириш алоҳида ҳисоб билан боғлиқ: ҳисоб формуласида кўрсаткичлар қанчалик кўп бўлса, ҳисоб ҳам шунчалик кўп булади. Ҳар сафарги ҳисоб натижаларидан олдинги ҳисоб натижаларини айириши йўли билан алмаштириладиган хусусий кўрсаткичнинг умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсири аниқланади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ҳисоб формуласига кирган хусусий кўрсаткичлар сонидан амалга ошириладиган ҳисоблар сони биттага кўп бўлиши керак, чунки хусусий кўрсаткичнинг таъсири кейинги ҳисобдан олдингисини айириш йўли билан аниқланади. Демак, иккита омилнинг (кўрсаткичнинг) таъсири аниқлаш учун учта ҳисоб, омиллар сони учта бўлса - тўртта ҳисоб, омиллар сони тўртта булганда эса бешта ҳисоб амалга оширилади ва ҳоказо.

Бироқ, дастлабки ҳисобга хусусий кўрсаткичларнинг фақат базис кийматлари, охириги ҳисобга эса фақат ҳисобот кийматлари кирганлиги учун

хам, кўрсаткичларнинг бу кийматларини тайёр, ҳисобланган ҳолда корхона ёки бирлашманинг ишлаб чиқариш режаларидан ва ҳисоботларидан олиш мумкин. Демак амалда ҳисоб формуласидаги ҳисоблар сони хусусий кўрсаткичлар сонидан битта кўп эмас, балки битта кам булади. Занжирли бошгланиш методини қўллаганда ҳисоблаш тартибини схематик кўринишда қўйидагича амалга ошириш мумкин (5.1-жадвал).

5.1- Жадвал

Занжирли богланиш методи ёрдамида айрим омиллар таъсирини аниқлаш тартиби

Тартиби		Ўзаро богланишда таъсир этувчи хусусий кўрсаткичларнинг микдорий кийматлари				Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг киймати	Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг ўзгариши	
хисоб	Алмаштириш	a	b	c	d		хусусий кўрсаткич таъсири	ўзгариш хисоби
1	-	режа	режа	режа	режа	R	-	-
2	1	ҳақиқ	"	"	"	V	a	V - R
3	2	"	ҳақиқ	"	"	G	b	G - V
4	3	"	"	ҳақиқ	"	T	c	T - G
5	4	"	"	"	ҳақиқ	F	d	F - T

Жадвалда келтирилган хусусий кўрсаткичлар билан умумлаштирувчи кўрсаткич уртасидаги богланиш мультипликатив характерда бўлиб, хусусий кўрсаткичлар кийматларининг кўпайтмаси умумлаштирувчи кўрсаткич кийматига тенгдир, яъни

$$N = a * b * c * d \quad (1)$$

Ушбу кўринишдаги богланишларни занжирли богланиш усулидаги олмаштириш тартибини кургазмалили қилиб ифодалашимиз мумкин: - умумлаштирувчи кўрсаткичнинг режа даражаси:

$$a_p * b_p * c_p * d_p = R_p \quad (2)$$

- шартли ҳисобланган 1- кўрсаткич даражаси;

$$a_x * b_p * c_p * d_p = V \quad (3)$$

- шартли ҳисобланган 2- кўрсаткич даражаси;

$$a_x * b_x * c_p * d_p = G \quad (4)$$

- шартли ҳисобланган 3 кўрсаткич даражаси;

$$a_x * b_x * c_x * d_p = T \quad (5)$$

- ҳақиқий киймат:

$$a_x * b_x * c_x * d_x = F \quad (6)$$

Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг умумий мутлок тафовути қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta N = F - R = (a_x * b_x * c_x * d_x) - (a_p * b_p * c_p * d_p) \quad (7)$$

Айрим омиллар ҳисобига умулаштирувчи кўрсаткичнинг ўзгариши эса қўйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

биринчи (а) омилнинг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta N_a = V - R = (a_x * b_p * c_p * d_p) - (a_p * b_p * c_p * d_p) \quad (8)$$

иккинчи (в) омилнинг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta N_b = G - V = (a_x * b_x * c_p * d_p) - (a_x * b_p * c_p * d_p) \quad (9)$$

учунчи (с) омилнинг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta N_c = T - G = (a_x * b_x * c_x * d_p) - (a_x * b_x * c_p * d_p) \quad (10)$$

d - омилнинг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta N_d = (F - T) = (a_x * b_x * c_x * d_x) - (a_x * b_x * c_x * d_p) \quad (11)$$

Амалга оширилган ҳисобларни текшириш тафовутлар баланси тўзиш йўли билан амалга оширилади: айрим хусусий кўрсаткичлар таъсири остидаги тафовутларнинг алгебраик йигиндиси умулаштирувчи кўрсаткичнинг ҳақиқий ва режа кўрсаткичлари орасидаги тафовутга тенг бўлиши керак, яъни

$$\Delta N = N - N = N_a + N_b + N_c + N_d \quad (12)$$

Занжирли боғланиш метоини қўллашда асосий эътибор берилиши керак булган нарса, бу алмаштиришнинг катъий кетма-кетлигини таъминлашдир, чунки уни ихтиерий алмаштириш нотугри натижага олиб келиши мумкин. Хусусий кўрсаткичларни режа (ёки базис) кийматларини ҳақиқий кийматлари билан алмаштиришнинг кетма-кетлиги ҳақидаги масаланинг тугри хал қилиниши барча кўрсаткичларни миқдор ва сифат кўрсаткичларига ажратиб олиш билан боғлиқ.

Иқтисодий таҳлил ўтказиш амалиётида биринчи навбатда миқдорий кўрсаткичларининг таъсири, кейин эса сифат кўрсаткичларининг таъсири аниқланади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг таъсири даражасини аниқлаш керак бўлса, у ҳолда дастлаб миқдор кўрсаткичи - ишчилар сони ўзгариши, сунгра эса сифат кўрсаткичи - меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсири аниқланади.

Айрим ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир нечта микдорий ва сифат кўрсаткичларининг таъсирини аниқлашга тугри келиб қолади. Бундай ҳолларда алмаштириш кетма-кетлигини аниқлаш учун кўрсаткичларнинг ичида қайси бири бошқаларига боғлиқ булмаган а с о с и й, қайси бири х о с и л а в и й кўрсаткич эканлигини олдиндан аниқлаб олинади. Алмаштириш асосий кўрсаткичдан бошланиб, сунгра хосилавий кўрсаткични, яъни олдинги кўрсаткичга боғлиқ булган кўрсаткичларни алмаштиришга ўтилади.

Масалан, корхона ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ўтган йилдагига нисбатан ўсишига меҳнат омилларининг - ишчилар сонининг, уларнинг ўртача ишланган кунлар микдори, иш кунининг ўртача давомийлиги ва ўртача соатлик ишлабчиқариш хажми каби кўрсаткичларнинг ўзгариши таъсирини аниқлаш талаб килинсин. Уларни ҳисоблаш учун бошлангич маълумотлар корхона ҳисоботларидан олинган ва қўйидаги жадвалда келтирилган (5.2-жадвал).

Жадвал маълумотларига асосланиб бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблашга тугри келади. Булар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш имконини берувчи - ишчилар сони, ўртача битта ишчининг давр мобайнида ишлаган кунлари, иш кунининг ўртачадавомийлиги ва ўртача соатлик ишлаб чиқариш хажми каби кўрсаткичлардир. Бу ерда ишчилар сони асосий микдори кўрсаткич ҳисобланади, колган кўрсаткичлар эса, хосилавий кўрсаткичлар бўлиб, бевосита асосий кўрсаткич билан боғлиқ.

5.2- Жадвал

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	Хисобот йили	Фарқи	
				абсолют (-,+)	нисбий (%)
1	Маҳсулот хажми, минг сум	4563	4805	-242	105,30
2	Ишчиларнинг руйхатдаги ўртача сони, киши	1040	1000	- 40	96,15
3	Барча ишчиларнинг ишла- ган кунлари, минг киши куни	260	248	- 12	95,38
4	Барча ишчиларнинг ишлаган соатлари, минг киши соат	2028	1922	- 106	94,77

Масалан, "битта ишчининг ўртача ишланган кунлари" - ишчилар сони ва ишчиларнинг давр мобайнида барча ишлаган кунлари микдорига, "иш кунининг ўртача давомийлиги" эас - ишчилар сони, уларнинг давр мобайнида барча ишлаган кунлари, ва барча ишлаган соатлари микдорига боғлиқ. Демак, кўриниб турибдики, иккинчи кўрсаткич биринчи кўрсаткичга, учинчи кўрсаткич эса биринчи ва иккинчи кўрсаткичларга боғлиқ. Ҳисоб формуласида бу кўрсаткичларни алмаштириш кетма-кетлиги ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Юкоридан келтирилган микдорий кўрсаткичларнинг (омилларнинг) ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига таъсирини бевосита аниқлаш ҳозирча мумкин эмас ,чунки натижавий кўрсаткич ва омилли кўрсаткичларни бири-бири билан ўзвий богловчи сифат кўрсаткичи номаълум.Бундай сифат кўрсаткичи сифатида ҳисоб формуласига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмини барча ишчиларнинг ишлаган соатларига бўлиш натижасида олинадиган "бир ишчининг ўртача соатлик ишлаб чиқариши (соатлик меҳнат унумдорлиги)"ни олиш мумкин.

Агар биз ўртача ишчилар сони (Т)ни, хар бир ишчини давр мобайнида ўртача ишланган кунлари (D)ни, иш кунининг ўртача давомийлиги (t)ни, бир ишчининг ўртача соатлик ишлаб чиқариши (w)ни ва ишлаб чикраилган маҳсулот хажми (N) шартли белги (харфлар) билан белгилаб олсак, у ҳолда анашу кўрсаткичлар орасидаги богланишни кўйидаги формула орқали ифодалашимиз мумкин:

$$N = T * D * t * w \quad (13)$$

Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми юкорида санаб ўтилган туртта омилнинг кўп айтмасига тенг бўлиб,уларнинг хар бирини таъсирини аниқлаш учун,юкорида айтиб ўтганимиздек бешта ҳисобни амалга оширишимиз керак. Ана шу ҳисобларни амалга ошириш учун 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб керак булган хусусий кўрсаткичлар - омиллар кийматини ҳисоблаб оламиз:

Бир ишчининг бир йилда ишлаган ўртача кунлари (D)	=	Барча арча ишчиларнинг ишлаган кунлари,киши куни (Kk) Ишчиларнинг руйхатдаги ўртача сони,киши (T)	(14)
---	---	--	------

Иш кунининг ўртача давомийлиги, соат (t)	=	Барча арча ишчиларнинг ишлаган кунлари,киши куни (Kk) Ишчиларнинг руйхатдаги ўртача сони,киши (T)	(15)
--	---	--	------

Бир ишчининг ўртача соатлик ишлаб чиқариши(w)	=	Ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми,сум (N) Барча ишчиларнинг ишлаган соатлари,киши соати (4с)	(16)
---	---	---	------

Юкорида кўрсатилган ҳисоблаш тартиби бўйича аниқланган кўрсаткичлар 5.3-жадвалда келтирилган.

5.3-жадвал

Меҳнат омилларининг маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш учун
зарур булган кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	базис йили	ҳисобот йили	ўзгариши	
				абсолют (+,-)	нисбий (%)
1	Маҳсулот ҳажми, минг сум	4563	4805	+ 242	105,30
2	Ишчиларнинг руйхатдаги ўртача сони, киши	1040	1000	- 40	96,15
3	Бир ишчининг бир йилда ишлаган ўртача кунлар сони, киши кун	250	248	- 2	99,20
4	Иш кунининг ўртача давомийлиги, соат	7,80	7,75	- 0,05	99,36
5	Бир ишчининг ўртача соатлик ишлаб чиқариши, сум	2,25	2,50	+ 0,25	111,11

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилдагидан 242 минг сумга, ёки 5,3% га кўп булган. Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ҳар бир турдаги меҳнат омилларининг қандай таъсир кўрсатганлигини аниқлаш учун қўйидаги ҳисобларни ўтказамиз (5.4-жадвал).

5.4- жадвал

Маҳсулот ҳажмига меҳнат омиллари таъсири ҳисоби

Тартиб номери		Меҳнат омиллари*				Маҳсулот ҳажми, минг сум	Олдинги ҳисобдан фарқ, минг сум
ҳисоб	алмаштириш	R	D	t	w		
1.	-	1040	250	7,80	2,25	4563	-
2.	1	1000	250	7,80	2,25	4387,5	- 175,5
3.	2	1000	248	7,80	2,25	4352,4	- 35,1
4.	3	1000	248	7,75	2,25	4324,5	- 27,9
5.	4	1000	248	7,75	2,50	4805,0	+ 480,5

* **R** – ишчилар сони; **D** – ўртача ишланган кунлар; **t** – ш кунининг ўртача давомийлиги; **w** – Ўртача соатлик ишлаб чиқариш

Жадвалдаги ҳисоблар қўйидаги тартибда амалга оширилган (базис) кийматлари ҳақиқий кийматлар билан алмаштирилатганларнинг тагига чизиб қўйилган:

- 1) $1040 \times 250 \times 7,80 \times 2,25 = 4563,0$ минг сум
- 2) $1000 \times 250 \times 7,80 \times 2,25 = 4387,5$ минг сум
- 3) $1000 \times 248 \times 7,80 \times 2,25 = 4354,4$ минг сум
- 4) $1000 \times 248 \times 7,75 \times 2,25 = 4324,5$ минг сум
- 5) $1000 \times 248 \times 7,75 \times 2,50 = 4805,0$ минг сум

Ҳисобот йилида базис йилига нисбатан айрим омиллар таъсири остида умумлаштирувчи кўрсаткичнинг - ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмининг ўзгаришини эса қўйидагича аниқлаймиз:

Ишчилар сонининг камайиши $4387,5 - 4563,0 = -175,5$ минг сум

Бир ишчининг ўртача ишлаган кунларининг камайиши $4352,4 - 4387,5 = -35,1$ минг сум

Иш кунининг ўртача давомийлигининг камайиши $4324,5 - 4352,4 = -27,9$ минг сум

Ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг кўпайиши $4805,0 - 4324,5 = +480,5$ минг сум

Умумий тафовут $4805,0 - 4563,0 = +242,0$ минг сум

Қилинган ҳисоб-китобларни янада яхшироқ тасаввур қилиш учун амалга олинган натижаларни жадвал кўринишида қўйидагича ифодалаш мумкин:

Жадвалда келтирилган ҳисоблаш натижаларини изохлаб қўйидагича хулоса ясаш мумкин. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулот хажмига биз ўрганган омилларнинг учтаси салбий, биттаси эса ижобий таъсир кўрсатган. Жадвалда келтирилган ҳисоблардан кўриниб турибдики, корхона ишчилар билан тула комплектлаштирилмаганлиги (ўтган йилга нисбаан 40 киши кам булганлиги) сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми 175,5 минг сумга камайиб кетган, бутун кун давомида (ишга чикмаганлиги) ва смена ичида бекор туриш ҳисобига ҳам ўтган йилга нисбатан тааллуқли равишда 35,1 минг сумлик ва 27,9 минг сумлик кам маҳсулот ишлаб чиқарган.

Корхона фақат битта омил меҳнат унумдорлиги ҳисобигагина маҳсулот ишлаб чиқаришни кўп айтиришга эришган ҳолос. Агар корхона ишчилар билан тулик комплектлаштирилганда, бутун кун давомида ва смена ичида бекор туриб қолишларнинг камайтирганда (яъни ўтган йил даражасида сақлаб қолганда) эди, у ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми 230,5 минг сумга кўпайиб, 5043,5 минг сумни ташкил қилган буларди (омилларнинг ижобий ёки салбий таъсири саабларини аниқлаш уларни деталлаштириш йўли билан амалга оширилади).

Биз занжирли бугланиш методини қўллаганда алмаштиришнинг катъий кетма-кетлигини таъминлаш керак, акс ҳолда **нотугри натижаларга олиб келади**, деб айтган эдик. Фикримизни асослаш учун юқоридаги мисолимизни давом эттириб, алмаштириш кетма-кетлигини ўзгартириш (алмаштиришни микдорий кўрсаткичлардан эмас, балки сифат кўрсаткичларидан бошлаш) йўли билан айрим омиллар таъсирини аниқлаймиз:

1) $1040 \times 250 \times 7,80 \times 2,25 = 4563,0$ минг сум

2) $1040 \times 250 \times 7,80 \times 2,50 = 5070,0$ минг сум

- 3) $1040 \times 250 \times 7,75 \times 2,50 = 5037,5$ минг сум
 4) $1040 \times 248 \times 7,75 \times 2,50 = 4997,2$ минг сум
 5) $1000 \times 248 \times 7,75 \times 2,50 = 4805,0$ минг сум

Демак, айрим омиллар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми (алмаштириш тартибини ўзгартириш натижасида) қўйидагича ўзгарган:

Ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг кўпайиши	$5070,0 - 4563,0 = +507,0$ минг сум
Иш кунининг ўртача давомийлигининг камайиши	$5037,5 - 5070,0 = - 32,5$ минг сум
Ўртача бир ишчининг ишлаган кунларининг камайиши	$4997,2 - 5037,5 = - 40,3$ минг сум
Ишчилар сонининг камайиши	$4805,0 - 4997,2 = - 192,2$ минг сум

Умумий тафовут	$4805,0 - 4563,0 = + 242,0$ минг сум

Алмаштириш кетма-кетлигининг бўзилиши қандай натижаларга олиб келишини юкоридаги ҳисоблар яккол кўрсатиб турибди: сифат кўрсаткичининг - ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг - натижавий кўрсаткичга таъсири алмаштиришнинг тугри кетма-кетлигидан натижадагига караганда 26,5 минг сумга кўп айиб, микдорий кўрсаткичларнинг таъсири эса шунча сумга камайяпти.

Демак, алмаштиришнинг катъий кетма-кетлигининг бўзилиши умумий тафовутнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмасида, лекин микдор ва сифат кўрсаткичларининг таъсир кучларини жиддий ўзгаришларга олиб келади. Алмаштиришнинг катъий кетма-кетлигининг бўзилиши оқибатида микдорий ва сифат омилларининг салмоги бўзилишини тафовутлар усулида ҳам яккол курса булади.

2. Абсолют микдорлардаги тафовутлар усули.

Тафовутлар усули занжирли боғланиш методининг техник жихатдан соддалаштирилган усули бўлиб, уни икки хил йўл билан - абсолют ва нисбий микдорлардаги тафовутлар усули билан ҳисоблаш мумкин.

Абсолют микдорлардаги тафовутлар усулини қўллаш ҳақиқий ва режа (базис) курсаткичлар микдорлари орасидаги тафовутларни аниқлаб, бу тафовутлар натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатганлигини ҳисоблашдан иборат. Бу ерда ҳам ҳисоб микдорий кўрсаткичлардан бошланиб сифат кўрсаткичлари билан кунланади. Тафовутлар усули билан умумлаш-тирувчи кўрсаткичга айрим омиллар таъсирини юкорида келтирилган мисол ёрдамида куриб чиқамиз.

Юкоридаги 3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ишчиларнинг ўртача руйхатдаги сони ҳақиқатда режадагидан 40 кишига кам булган. Демак, бошқа кўрсаткичлар режа даражасида булган деб ҳисобласак, у ҳолда маҳсулот хажми ишчилар сонининг камайиши ҳисобига қўйидагича ўзгарган:

$$\Delta N_R = \Delta_R * D_0 * t_0 * w_0 = -40 * 250 * 7,80 * 2,25 = -175,5 \text{ минг сум}$$

Кейинги омилларнинг ўзгариши ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш тартиби ҳам шу йўл билан амалга оширилади. Фақат бу ҳисобларда олдинги ҳисобда иштирок этган кўрсаткичлар режа даражасида эмас, балки ҳисобот даври даражасида бўлади:

бир ишчининг ўртача ишлаган кунларининг камайиши ҳисобига

$$\Delta N_D = R_1 * \Delta_D * t_0 * w_0 = 1000 * (-2) * 7,8 * 2,25 = -31,5 \text{ минг сум}$$

иш кунининг ўртача давомийлигининг камайиши ҳисобига

$$\Delta N_t = R_1 * D_1 * \Delta_t * w_0 = 1000 * 248 * (-0,05) * 2,25 = -27,9 \text{ минг сум}$$

ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг кўп айиши ҳисобига

$$\Delta N_w = R_1 * D_1 * t_1 * \Delta_w = 1000 * 248 * 7,75 * (+0,25) = +480,5 \text{ минг сум}$$

Умумий тафовут	+ 242,0 минг сум
----------------	------------------

Юкорида амалга оширилган ҳисоблардан яққол кўриниб турибдики, тафовутлар усули айрим омилларнинг умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсирини кўшимча ҳисобларсиз, анча соддалаштирилган йўл билан амалга ошириш имконини беради. Бу ерда ҳам асосий эътибор берилиши керак бўлган нарса - бу алмаштириш кетма-кетлигини тугри танлаб олишдир.

3. Нисбий микдорлардаги тафовутлар усули.

Кейинги вақтларда айрим омилларнинг ролини баҳолашда абсолют тафовутлар усули билан бир қаторда нисбий тафовутлар усулидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Нисбий тафовутлар усулининг моҳияти шундаки, бунда хусусий кўрсаткичлар (айрим омиллар) бўйича режанинг бажарилиши даражасидаги ўзаро тафовутлар умумлаштирувчи кўрсаткичнинг ўзгаришига пропорционал таъсир кўрсатган деб ҳисобланади. Мухими, бу ерда алмаштириш кетма-кетлигини тугри танлашдан иборат, яъни алмаштириш микдор кўрсаткичларидан бошланиб кўрсаткичлари билан якунланиши керак.

Нисбий тафовутлар усулининг алгоритми қўйидагича:

- 1) барча кўрсаткичлар - умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиш даражаси ҳисобланади:
- 2) биринчи микдорий кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиши 100 процент бўлиб, уни биринчи кўрсаткич бўйича режа бажарилиш даражасидан айирилади):
- 3) хусусий кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги сақланган ҳолда кейинги ҳар бир кўрсаткичнинг режанинг бажарилиш даражасидан ўзидан олдинги кўрсаткичнинг режанинг бажарилиш даражаси орасидаги тафовутлар аниқланади:

4) аниқланган тафовутларга умумлаштирувчи кўрсаткичнинг режа даражаси кўп айтирилиб 100 га булинади.

Нисбий микдорлар тафовути усули бўйича айрим омиллар таъсирини аниқлашни формула кўринишида қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta Y_i = \frac{[(X_i \cdot 100) : P_i] \cdot B_{i-1}}{100} \cdot \Delta Y_n \quad (17)$$

бу ерда, Y_i – i турдаги омил эвазига умулаштирувчи кўрсаткичнинг ўзгариши;

B_{i-1} – $i-1$ турдаги омил бўйича режанинг бажарилиш даражаси (агар $i=1$ бўлса, у ҳолда $B_{i-1} = 100$ деб олинади);

X_i – i турдаги кўрсаткичнинг ҳақиқий даражаси;

P_i – i турдаги кўрсаткичнинг режа даражаси;

Y_n – умулаштирувчи кўрсаткичнинг режа даражаси.

Юкорида келтирилган 5.2 - ва 5.3 жадваллар маълумотларидан фойдаланиб нисбий микдорлар тафовути усули ёрдамида умулаштирувчи кўрсаткичга айрим омиллар таъсирини аниқлаймиз.

5.5.-Жадвал

Нисбий микдорлар тафовут усули ёрдамида айрим омилларнинг умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсирини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Режанинг бажарилиши %	Режанинг бажарилиши даги тафовут %	Маҳсулот хажмининг ўзгариши, минг сум (гр.2х4563:100)
А	1	2	3
Ишчиларнинг руйхатдаги ўртача сони	96,15	- 3,85	-175,7
Барча ишчиларнинг ишлаган кунлари	95,38	- 0,77	- 35,1
Барча ишчиларнинг ишлаган соатлари	94,77	- 0,61	- 27,8
Маҳсулот хажми	105,80	+10,53	+ 480,5
Умумий тафовут		х	+241,9

Нисбий микдорлар усули ёрдамида олинган натижалар олдинги усуллар ёрдамида олинган натижалар билан бир хил эканлиги юкоридаги яққол кўриниб турибди.Натижалардаги унча катта булмаган тафовутлар режанинг бажарилиши даражасини яхлитлаш туфайли вужудга келган.

Агар 5-жадвал маълумотларига диққат билан каралса,у ҳолда нисбий микдорлар усулини қўллашга қўйидагича мантикий мулохаза юритиш асос булганлиги куриш мумкин:Агар ишчилар сони бўйича режа 3,85 % га

бажарилмаган бўлса, у ҳолда, бошқа шароитлар бир хил булган тақдирда, маҳсулот ҳажми ҳам 3,85 % га ёки 175,7 минг сумга кам бўлиши керак. Иш вақти фондидан фойдаланиш про центи ишчилар сонининг камайишидан ҳам паст булган, ана шу орадаги фарқ (-0,77 пункт), ҳар бир киши учун режада белгиланган иш кунлари тула фойдаланилмаганлигини акс эттиради. Шу сабабга кўра маҳсулот ҳажми ҳам пропорционал равишда 0,77 % га ёки 35,1 минг сумга камайиши керак.

Юқоридагига ухшаш мулоҳаза юритиладиган бўлса, у ҳолда кўйидаги хулоса қилиш мумкин. Барча шароитлар бир хил булган тақдирда, маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш даражаси барча ишчиларнинг ишлаган соатлари бўйича режанинг бажарилиш даражасига, яъни 94,77 % га тенг бўлиши керак. Бироқ, маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш даражаси анча юқори - 105,3 %. Ана шу процентлар орасидаги тафовут - 10,53 % , ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг режадагидан юқори эканлигини характерлайди. Бу ерда ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, хусусий кўрсаткич бўйича режанинг бажарилишидаги тафовутни умумлаштирувчи кўрсаткичнинг режа даражасига кўп айтириш йўли билан шу хусусий кўрсаткичнинг умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсирининг абсолют микдорини аниқланади. Демак, ўртача соатлик ишлаб чиқаришнинг ортиши ҳисобига маҳсулот ҳажми $480,5 (4563 \times 10,53 : 100)$ минг сумга кўп айган.

Шундай қилиб биз юқорида Иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган методларидан бири занжирли боғланиш (алмаштириш) методини ҳамда унинг техник жихатдан анча соддалаштирилган абсолют ва нисбий тафовутлар усуллари қуриб чиқдик. Бу усул умумлаштирувчи кўрсаткичларга айрим омилларнинг таъсирини аниқлашнинг қўлай ва содда усули бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У ҳам бўлса структурадаги ўзгаришларни умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсирини фақат сифат курсактичларига кўшилиб ҳисобланишидир. Бу камчиликни интеграл методини қўллаш йўли билан бартараф қилиш мумкин.

4. Индекс методи

Хўжалик фаолияти таҳлил қилишда Иқтисодий таҳлилнинг анаанавий усуллари билан бири булган индекс методидан ҳам кенг фойдаланилади. Маълумки, лотинча "индекс" сўзи кўрсаткич маъносини билдиради. Иқтисодий индекслар нисбий микдорлар бўлиб, Иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг, вақт бўйича, жой бўйича еки бошқа бирон асосга (режага, нормативга, хўжаликлар кўрсаткичларига) нисбатан ўзгаришини характерлайди.

Маълумки, Иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг нисбий ўзгаришини аниқлашда Иқтисодий таҳлилнинг "нисбий микдорлар" усули ҳам жуда кенг қўлланилади. Бироқ, бу икки метод орасида умумийликдан катта тафовут ҳам мавжуд. Нисбий микдорлар, биринчидан, айрим бирликлар (элементлар) орасидаги ўзаро нисбатларни характерлайди, ва иккинчидан, уларнинг айримларини (структура, координация ва интенсив нисбий микдорларни) ҳисоблашда бир турда булмаган кўрсаткичлар таққосланади.

Иқтисодий индекслар ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни айрим бирликлари орсасидаги нисбатларнигина эмас, балки турли, бевосита кўшиб, улчаб бўлмайдиган элементлардан ташкил топувчи мураккаб ходиса ва жараларнинг нисбий ўзгаришига ҳам характеристика беради. Анашу нуктаи назардан, яъни ходиса ва жараёнлар элементларини ўз ичига камраб олишига караб индексларни икки турга - хусусий ва умумий индексларга булинади.

Хусусий индекслар тўпламнинг у ёки бу бирлиги даражаларини ўзаро нисбатини характерлайди ва ҳисоблаш принципига кўранисбий микдорларни ҳисоблашдан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам уларни куриб чиқишга батафсил тухталиб утмаймиз ва бу ерда асосан умумий индекслар ҳақида сўз юритамиз.

Умумий индекслар - турли бевосита улчаб, солиштириб бўлмайдиган бирликлардан ташкил топувчи мураккаб ходисаларни нисбий ўзгаришини характерлайди. Уларни ҳисоблаш учун истёмоқ ёки физик хусусиятлари турлича булган ходиса ва жараёнларни умумий улчовга келтириб олиш ва шундан кейин уларни солиштириш, таққослаш керак.

Иқтисодий таҳлил олдига қўйилган вазифа ва бошланғич маълумот етарлилигига караб Иқтисодий индексларни турли шаклларида фойдаланиш мумкин. Иқтисодий ходиса ва жараёнларни таҳлил қилишда индексларнинг агрегат, арифметик, гармоник ва геометрик шаклларида фойдаланиш мумкин. Ўрганилаётган Иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг моҳияти ва мазмунига, уларнинг характерловчи маълумотларни етарлигига караб Иқтисодий таҳлил қилиш жараёнида у ёки бу шаклдаги индексларни тўзиш ва қўллаш лозим.

Биз ҳўжаликлар фаолиятини таҳлил қилишда кенг қўлланидиган Иқтисодий индексларнинг агрегат, арифметик ва гармоник форма ларини тўзиш ва қўллаш принципларини кенгрок ёритишга хараркат қилдик. Чунки, ҳўжаликлар фаолиятини омилли таҳлил ўтказишда кенг қўлланадиган усуллардан бири булган индекс методи "Хўжалик фаолиятини таҳлили назарияси" ва турли тармоқларда ҳўжалик фаолияти таҳлили даврликларида ва укув қўлланмаларида жуда киска тушинча берилган.

Иқтисодий индексларнинг агрегат шакли. Умумий индексларнинг агрегат шакли ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилишда энг кўп қўлланадиган ва тўзиш принципига кўра Иқтисодий индексларнинг бошқа шаклларига караганда анча қўлай шаклидир. Лотинча агрегат (*aggregatus*) сўзи бирлаштириш, кўшиш маъносини билдиради. Демак, агрегат индекслар деганда, касрнинг сурати ва махражида ўрганилаётган кўрсаткич даражаларининг йигиндиси, кўп айтмаси ёки кўп айтмалар йигиндисини бирлаштирувчи индекслар тушинилади.

Агрегат индекслар ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг вақт бўйича ёки режага нисбатан қандай ўзгараётганлигини аниқлаш мумкин. Агар динамик ўзгаришлар аниқланаётган бўлса, у ҳолда, касрнинг суратида ўрганилаётган умумлаштирувчи кўрсаткич нинг ҳисобот (ёки жорий) даврдаги микдори, махражида эса, унинг базис даврдаги микдори келтирилади. Бордию, режанинг бажарилишига баҳо берилаётган бўлса, у

холда касрнинг маҳражидаги базис микдорлари ўрнига режада белгиланган микдорлар келтирилади. Умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг турли даврлардаги микдорларини аашундай таққослаш йўли билан олинган натижалар коэффицентларда ифодаланади (ёки уларни 100 га кўп айтириш йўли билан процентларда ҳам ифодалаш мумкин).

Маълумки, умумий индексларни, шу жумладан унинг агрегат шаклини тўзишда ҳам кўп бирликлардан ташкил топувчи мураккаб Иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг даражалари ўзаро таққосланади. Шунинг учун ҳам, қандай қилиб бевосита солиштириб, улчаб бўлмайдиган, кўп бирликлардан ташкил тоаувчи мураккаб Иқтисодий ходиса ва жараёнларни умумий кўринишга келтириб ягона кўрсаткич ёрдамида уларни динамикасига (ёки режанинг бажарилиш даражаси га) характеристика бериш мумкин, деган уринли совол тўзилади.

Бунинг учун тўпламнинг бевосита улчаб бўлмайдиган бирликларини йигинди шаклига келтириш имконини берадиган қилиб, ягона улчовга келтириш лозим. Ягона улчовга келтириш турли йўллар билан амалга ёки физик хусусиятлари турлича булган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Кўп чилик ҳолларда, уларни натурал-буюм шаклида бевосита бир-бирига кўшиб ва шу асосда корхона ишлаб чиқаратган маҳсулотни умумий хажмини аниқлаб булмаслиги мумкин. Айтайлик, қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам пахта, дон, сабзавот-полиз, богдорчилик ва ўзумчилик маҳсулотлари, ҳам гушт, сут, тухум, пилла ва бошқа шунга ухшаш маҳсулотлар етиштирилади. Бироқ, анашу маҳсулотларни натурал холда бир-бирига кўшиб ҳисоблаш мумкин эмас.

Мураккаб Иқтисодий ходиса ва жараёнларни ягона улчовга келтириб ҳисоблаш учун турли "воситалардан" фойдаланилади. Масалан, айрим турдаги маҳсулотларни истеъмол кийматлари турлича бўлишига қарамай, уларнинг барчаси меҳнатнинг маҳсулидир ва шунинг учун ҳам уларни умумий улчов - ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат харажатлари билан ифодалаш мумкин. Худди шунингдек, маҳсулотлар хажмини умумлаштириб ифодалашда маҳсулот бирлигини баҳосидан, таннархидан ва бошқа шунга ухшаш кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Анашу кўрсаткичлар ёрдамида аниқланган умулашти-рувчи кўрсаткичларни ҳисобот ва базис (режа) даражаларини таққослаш йўли билан умумий агрегат индекслар ҳисобланади.

Агрегат индексларни умумий кўринишда қўйидаги формула ёрдамида характерлаш мумкин:

$$J_s = \frac{\sum X_1 S_0}{\sum X_0 S_0} \quad (18)$$

бу ерда, X_1 ва X_0 - индекслаштирилатган кўрсаткичнинг базис ва ҳисобот даврларидаги микдорлари.

S_0 - вазн сифатида иштирок этаётган кўрсаткичнинг базис даражаси.

Маълумки, ҳар бир Иқтисодий индекс бирон-бир Иқтисодий ходиса ёки категорияни ўзида акс эттиради. Индексларнинг анашу Иқтисодий мазмуни уларнинг ҳисоблаш усуллари олдидан аниқлаб беради, уларнинг у ёки бу формулаларидан фойдаланиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Реал воқеликда юз бераётган ходиса ва жараёнларнинг акс эттириш шакли ҳисобланган ва индексларини ҳисоблаш учун танлаб олинган ҳар бир Иқтисодий кўрсаткич ўзаро боғланган икки томонга - микдорий ва сифат томонларга эга. Кўрсаткичларнинг микдорий томонлари сонларда - ракамларда ўз аксини топса, сифат томонлари эса унинг мазмунини, хусусиятларини акс эттиради ва одатда сўзлар ёрдамида қайд қилинади.

Шундай қилиб, кўрсаткичларнинг Иқтисодий мазмуни - бу даст-аввал уларнинг сифат томонидир. Бироқ, Иқтисодий кўрсаткичларнинг мазмуни бевосита бошқа кўрсаткичлар билан ўзаро боғланиш характериға боғлиқ бўлиб, бунда сабаб ва оқибат боғланиши муҳим роль уйнайди. Анашу назардан, индекс усулида қўлланадиган кўрсаткичлар ҳам омилли ва натижавий кўрсаткичларга бўлинади.

Омилли кўрсаткичлар - бу ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир килувчи кўрсаткич бўлиб, улар микдорининг ўзгариши сабаб бўлиб ҳисобланади.

Натижавий кўрсаткичлар эса - бу ўрганиш объект сифатида қабул қилинган кўрсаткич бўлиб, омилли кўрсаткичлар таъсири остида ўз қийматларини ўзгартириб боради ва уларнинг ўзгариши омилли кўрсаткичга оқибат ҳисобланади. Масалан:

$$N = R * W \quad (19)$$

бу ерда, R - ишчилар сони, киши;

W - 1 та ишчининг ўртача ишлаб чиқариши, сум;

N - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, сум.

Ушбу ўзаро боғланишда ишчилар сони (R) ва уларнинг ўртача ишлаб чиқариши (W) — омилли кўрсаткичлардир, чунки уларнинг ўзгариши натижавий кўрсаткични - маҳсулот ҳажми (N) ни ўзгаришига олиб келади.

Маълумки, омилли ва натижавий кўрсаткичлар ўзаро функционал (катъий, тула) ёки корреляцион (тула булмаган) боғланишда бўлиши мумкин. Индекс усулида фақат тула - функционал боғланишдаги кўрсаткичларнинг ўзгариши ўрганилади. Юқорида келтирилган омилли ва натижавий боғланишларнинг вақт бўйича (динамик) ўзгаришини ўрганиш учун индекс усулидан фойдаланадиган бўлсак, уни қўйидаги формула кўринишида ёзиш мумкин:

$$J_N = \frac{\sum R_1 W_1}{\sum R_0 W_0}, \quad (20)$$

бу ерда J_N - маҳсулот ҳажми умумий индекси (агрегат шакли);

R_0, R_1 - базис ва ҳисобот даврларидаги ишчилар сони, киши;

W_0, W_1 - базис ва ҳисобот даврларидаги ишчиларнинг ўртача ишлаб чиқариши, сум.

Юкорда келтирилган агрегат индекси формуласидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ҳисобот даврида базис даврига нисбатан икки омил - ишчилар сони (экстенсив омил) ва уларнинг ўртача ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши натижасида ўзгариши мумкин эмас. Иқтисодий таҳлил қилиш жараёнида, анашу умумий ўзгаришда айрим омиллар таъсир кучини аниқлаш муҳим роль уйнайди. Омиллар таъсир кучини аниқлаш учун, улардан бирини ўзгаришда деб, иккинчисини ўзгармас қилиб олинади ва шу тарика умумлашти рувчи кўрсаткичнинг ҳажмини ўзгаришига битта омилни таъсир кучи аниқланади.

Индекслар назариясида ўзгармас (шартли) деб қабул килинган кўрсаткич-ни ёки индекслаштирилаётган кўрсаткичнинг вазни сифатида қабул килинган кўрсаткични қайси (базис ёки ҳисобот) давр бўйича олиш мувоимоли характерга эга. Одатда умумлаштирувчи кўрсаткич (бизнинг мисолимизда маҳсулот ҳажми)га биринчи омилни-микдорий кўрсаткич (ишчилар сони)нинг таъсири аниқлана-ётганда 2-омил - сифат кўрсаткичи (ўртача битта ишчининг ишлаб чиқариши) базис даври (ўзгармас) деб қабул килинади, яъни

$$J_{Nr} = \frac{\sum R_1 W_0}{\sum R_0 W_0} \quad (21)$$

Умумлаштирувчи кўрсаткичга иккинчи омилнинг таъсир кучи аниқланаётганда эса, биринчи омилни ўзгармас деб, қабул килинади. Бироқ, бу ерда биринчи омил даражаси ҳисобот даврида деб каралади, яъни

$$J_{Nw} = \frac{\sum W_1 R_1}{\sum W_0 R_1}, \quad (22)$$

Маълумки, иқтисодий кўрсаткичлар орасида қандай боғланиш бўлса, уларнинг индекслари орасида ҳам шундай боғланиш мавжуд.

Индексларнинг анашу ўзаро боғлиқлигидан фойдаланиб, ҳисобланган кўрсаткичларни текшириб куриш ҳам мумкин. Бизнинг мисолимизда

$$J_N = J_{Nr} * J_{Nw} \quad (23)$$

булганлиги учун, улар индексини ҳам қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\sum R_1 W_1}{\sum R_0 W_0} = \frac{\sum R_1 W_0}{\sum R_0 W_0} * \frac{\sum W_0 R_1}{\sum W_0 R_0}, \quad (24)$$

Юкорида куриб чиқилган агрегат индексни иқтисодий таҳлил жараёнида қўллашни қўйидаги мисол ёрдамида куриб чиқамиз. Соф маҳсулот хажмига икки омил (ишчилар сони ва уларнинг ўртача ишлаб чиқариш хажми)ни таъсирини аниқлаш учун қўйидаги бошлангич маълумотлардан фойдаланамиз. (5.6-жадвал)

5.6-жадвал

Корхонанинг цехлари бўйича ишчилар сони ва уларнинг ўртача ишлаб чиқариш хажми

Цехлар	Ишчилар сони, киши		Битта ишчининг ўртача ишлаб чиқариши, сум	
	базис даври	хисобот даври	базис даври	хисобот даври
1	361	371	241	247
2	421	413	230	226
3	318	326	359	370

Соф маҳсулот хажмига юкоридаги омиллар таъсирини аниқлаш учун қўшимча ишчи жадвал тупиб олиб, индекс формуласига кирувчи бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқамиз (7-жадвал).

5.7-жадвал

Соф маҳсулот хажмини ўзгаришига ишчилар сони ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ўзгариши таъсирини аниқлаш учун ишчи жадвал

Цех	Ишчилар сони, киши		1 ишчини ўртача меҳнат унумдорлиги, сум		Соф маҳсулот хажми, минг сум		
	Базис даври	хисобот даври	Базис даври	хисобот даври	Базис даврида	хисобот даврида	хисобот даврида
	R_0	R_1	W_0	W_1	$R_0 W_0$	$R_1 W_0$	$R_1 W_1$
1	361	371	241	247	84,0	89,4	91,6
2	421	413	230	226	96,8	95,0	93,3
3	318	326	359	370	114,2	117,0	120,6
Жами:	1100	1110	X	X	298,0	301,4	305,5

5.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми базис даврига нисбатан 1,0252 марта ёки 102,52 % га кўп айган, яъни

$$J_N = \frac{305,5}{298,0} = 1,0252$$

Соф маҳсулот хажмини ўзгаришига корхона цехларида ишлатган ишчилар сонини ўзгариши таъсирини аниқлаш учун, хисобот давридаги унумдорликни кўп айтириш йўли билан аниқланган соф маҳсулот хажми,

анашу кўрсаткичларнинг базис давридаги даражасини кўп айтириш йўли билан аниқланган кўрсаткичларига бўлиш орқали ҳисоб-китоб килинади, яъни

$$J_{Nr} = \frac{301,4}{298,0} = 1,0114$$

Демак, корхонада етиштирилган соф маҳсулотнинг 1,14% и $[(1,0114 \cdot 100) - 100]$ ишчилар сонини базис даврига нисбатан 10 кишига кўп айтириш натижасида юз берган.

Соф маҳсулот ҳажмини ўзгаришига ишчиларнинг ўртача ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши таъсирини аниқлаш учун ҳисобот даври даги ишчилар сони билан уларнинг ўртача ишлаб чиқариши ҳажмини кўп йтмалари йигиндисини ҳисобот давридаги ишчилар сони билан уларнинг базис давридаги унумдорликлари кўп айтмалари йигиндисига булинади, яъни

$$J_{Nw} = \frac{305,5}{301,4} = 1,0136$$

Демак, корхона соф маҳсулотининг 1,36 % га $[(1,0136 \cdot 100 - 100)]$ кшимча ўсиши ҳисобот давда базис даврига нисбатан ишчиларнинг ўртача ишлаб чиқариши ҳажмини ортиши натижасида юз берган.

Шундай қилиб, килинган ҳисоб китоблар шуни кўрсатяптики, биз ўрганаётган корхонада ҳисобот даврида базис даврига нисбатан соф маҳсулот ҳажми 102,52%га кўп айган бўлса шундан 101,14% ти у ерда ишлаётган ишчилар сонини (экстенсив омилни) ортиши эвазига, 101,36%ти ишчиларни ўртача ишлаб чиқариш ҳажмининг (интенсив омилнинг) ортиши эвазига юз берган.

Индекс методнинг яна бир афзаллиги шундаки, бу метод ёрдамида умумлаштирувчи кўрсаткичга хусусий кўрсаткичлар таъсири фақат нисбий микдорлардагина эмас, балки абсолют микдорларда ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун ҳисобланган индексларнинг суратидан маҳражини айтириш кифоя.

5. Пропорционал таксимлаш ва иштрок этиш хиссаси усули.

Маълумки, айрим ҳолларда натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига (кўшимча ўсишига) омиллар таъсирини аниқлаш учун пропорционал таксимлаш (бўлиш) усулидан ҳам фойдаланилади. Бу ерда гап асосан оддий аддитив ва аралаш модель кўринишида берилган боғланишларда омиллар таъсирини ҳисоблаш устида бормокда.

Оддий кўринишдаги аддитив моделлар учун омиллар таъсирини ҳисоблаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Моделни умумий кўриниши $Y = a + b + c$ бўлса, у ҳолда

1) **a** омилни таъсирини аниқлаш учун

$$\Delta Y_a = \frac{\Delta Y}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta a, \quad (25)$$

2) **b** омилни таъсирини аниқлаш учун


$$\Delta Y_b = \frac{\Delta Y}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta b, \quad (26)$$

3) **c** омилни таъсирини аниқлаш учун

$$\Delta Y_c = \frac{\Delta Y}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta c. \quad (27)$$

ҳисобларни амалга оширамиз.

Аралаш моделлар кўринишидаги боғланишларда омиллар таъсирини аниқлаш татиби бироз мураккаброк. Аралаш моделларда омилларни ўзоро боғлиқлиги қўйидаги чизмада келтирилган (10-чизма).



10-чизма. Аралаш турдаги моделларда омилларни ўзоро боғлиқлиги

Агар, юкорида келтирилга 1-даражали омил (B)нинг ΔB_d , ΔB_n , ΔB_m омиллар ҳисобига ўзгариши ва натижавий кўрсаткични ΔY_b ўзгариши маълум бўлса, у ҳолда ΔY_d , ΔY_n , ΔY_m ларни аниқдаш учун пропорционал тақсимлаш усулини қўллаш йўли билан, натижавий курсаткичнинг B омили эвазига ўзгаришини иккинчи даражали D, N ва M омилларнинг кийматларига мос ҳолада аниқлаш мумкин. Бу тақсимлашдаги пропорционаллик барча омиллар учун доимий булган коэффицентни, яъни B омил эвазига натижавий кўрсаткични ўзгариши ни кўрсатувчи коэффицентни аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Коэффициент (К)ни киймати қўйидагича аниқланади:

$$K = \frac{\Delta Y_b}{\Delta B_{um}} = \frac{\Delta Y_b}{\Delta B_d + \Delta B_n + \Delta B_m} \quad (28)$$

Ушбу коэффициентни В омилни абсолют ўзгаришига (тафовутига) кўпайтириш йўли билан ҳар бир омил эвазига натижавий кўрсаткични ўзгаришини (фарқини) топишимиз мумкин:

$$\Delta Y_d = K * \Delta B_d, \quad (29)$$

$$\Delta Y_n = K * \Delta B_n, \quad (30)$$

$$\Delta Y_m = K * \Delta B_m, \quad (31)$$

Юқорида куриб чиқилганга ухшаш тартибда омиллар таъсирини **иштрок этиш улуши (хиисаси) усули** ёрдамида ҳам ҳисоблаш мумкин бўлиб амалга ошириладиган ҳисоб тартиби унчалик катта фарқ қилмайди:

1) **а** омилни таъсирини аниқлаш учун

$$\Delta Y_a = \frac{\Delta a}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta Y_{um} \quad (32)$$

2) **б** омилни таъсирини аниқлаш учун

$$\Delta Y_b = \frac{\Delta b}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta Y_{um} \quad (33)$$

2) **с** омилни таъсирини аниқлаш учун

$$\Delta Y_c = \frac{\Delta c}{\Delta a + \Delta b + \Delta c} * \Delta Y_{um} \quad (34)$$

Юқорида келтирилган усуллардан кўриниб турибдики, Иқтисодий омилли таҳлил жараёнида унинг усуллари тури танлаш билан ҳар бир омилни таъсир кучини тез ва аниқ баҳолаш имконияти булади. Лекин, детерминистик Иқтисодий омилли таҳлил усуллари юқорида келтирилганлар билангина чегараланиб қолмайди. Уладан ташқари яна бир қатор усуллари бўлиб, улардан бири бу интеграл усулидир.

6. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан фойдаланиш.

Биз юқорида куриб чиққан детерминистик омилли таҳлил усуллари асосан элиминация усулига асосланган эди, яъни натижавий кўрсаткичга битта омилдан ташқари барча омиллар таъсирини четлаштириш, йўқатиш,

чиқариб юборишларга асосланган эди. Элиминация методи омиллар бири-бирига боғлиқ булмаган ҳолда ўзгаради деб қарайди: даставвал биттаси ўзгаради колган бошқалари ўзгармайди, кейин иккитаси колганлари ўзгармайди, кейин учинчиси, туртинчиси ва х.к. бошқалари ўзгармаган ҳолда ўзгариб бораверади.

Ваҳоланки, бошқа омиллар ҳам ўзоро боғлиқ ҳолда, биргаликда ўзгаради ва бу ўзоро ҳаракатдан натижавий кўрсаткич ҳам кўшимча ўзгариб боради, қайсики элиминация методда бу кўшимча ўзгариш омилларни бирига, одатда охиригисига кўшиб юборилар эди.

Шу муносабат билан омилларни таъсири, уларни ҳисоблаш жараёнида қайда жойлашганлигига қараб натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига уларнинг таъсири ҳам ўзгариб боради.

Детерминистик омилли таҳлилнинг анашу камчилигини йўқотиш учун мултипликатив, қаррали (нисбатли) ва аралаш моделларни омилли таҳлил ўтказишда интеграл методдан фойдаланилади. Ушбу методдан фойдаланиш занжирли боғланиш, абсолют ва нисбий микдорлардаги тафовутлари усулига нисбатан аниқроқ натижа олишни имконини беради ва натижа омилларни моделда жойлашган ўрнига боғлиқ бўлиб қолмайди, омилларни биргаликдаги таъсири оқибатида натижавий кўрсаткичнинг кўшимча ўсиши эса омиллар орасида алоҳида, ажралган ҳолдаги таъсирига пропорционал ҳолда тақсимланади.

Бир қараганда кўшимча ўсишни иккига қисимга ёки қисимларга ажратиб таълуқли омилларга бўлиб қўйилса басдек кўринади.

Аслида эса буни қилиш анча мураккаб, чунки омиллар турли йуналишларда таъсир кўрсатишлари мумкин. Шунинг учун интеграл усули маълум ҳисоблаш формулаларидан фойдаланади. Уларни асосийларини турли моделлар учун келтириб утаем:

I. Мултипликатив моделлар учун:

1. Боғланиш шакли қўйидаги кўринишдаги моделлар учун:

$$F = X * Y, \quad (35)$$

а) биринчи омилни таъсирини аниқлаш:

$$\Delta F_x = \Delta x Y_0 + 1/2 \Delta x \Delta y, \quad (36)$$

б) иккинчи омилни таъсирини аниқлаш:

$$\Delta F_y = \Delta y X_0 + 1/2 \Delta x \Delta y. \quad (37)$$

2. Боғланиш шакли қўйидаги кўринишдаги моделлар учун:

$$F = X * Y * Z, \quad (38)$$

а) биринчи омилни таъсирини аниқлаш:

$$\Delta F_x = 1/2 \Delta x (Y_0 Z_1 + Y_1 Z_0) + 1/3 \Delta x \Delta y \Delta z, \quad (39)$$

б) иккинчи омилни таъсирини аниқлаш:

$$\Delta F_y = 1/2 \Delta y (X_0 Z_1 + X_1 Z_0) + 1/3 \Delta x \Delta y \Delta z, \quad (40)$$

б) учунчи омилни таъсирини аниқлаш:

$$\Delta F_z = 1/2 \Delta z (X_0 Y_1 + X_1 Y_0) + 1/3 \Delta x \Delta y \Delta z, \quad (41)$$

II. Касрли (нисбатли) ва аралаш моделлар учун:

1. Богланиш шакли кўйидаги кўринишдаги моделлар учун:

$$F = X \backslash Y, \quad (42)$$

а) Биринчи омилни таъсирини аниқлаш

$$\Delta F_x = \frac{\Delta x}{\Delta y} \ln \left| \frac{Y_1}{Y_0} \right|, \quad (43)$$

б) Иккинчи омилни таъсирини аниқлаш

$$\Delta F_y = \Delta F_{\text{ум.}} - \Delta F_x. \quad (44)$$

Шундай қилиб, биз омилли таҳлил ўтказишда интеграллаш усулидан фойдаланиш тартибини куриб чикдик. Бу ерда кўриниб турибдики, интеграл методни қўллаш учун интеграллаш жараёнини тула билиш шарт эмаслиги ва фақат анашу айримлари куриб чиқилган формулалардан фойдаланишни таказо қилади.

6-мавзу: СТОХАСТИК БОГЛАНИШЛАРДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Стохастик омилли таҳлил ҳақида тушунча.
2. Стохастик омилли таҳлилда жуфт боғланишлар (корреляция) усулидан фойдаланиш.
3. Кўп омилли корреляцион таҳлил услуги.
4. Корреляцион таҳлил натижаларини баҳолаш усуллари ва амалиётда қўллаш.

1. Стохастик омилли таҳлил ҳақида тушунча.

Ўтган маъруза дарси детерминистик омилли таҳлил масалаларини ўрганишга қаратилган эди. Бироқ, амалиётда ҳамма иктисо дий жараёнлар ҳам анашу метод ёрдамида ўрганилавермайди, чунки уларни кўп чилик ҳолларда омилли кўрсаткич кийматиға натижавий кўрсаткичнинг ягона кўрсаткичи мос келувчи функционал боғлиқликларға келтириш мумкин эмас.

Иқтисодий тадқиқотларда кўп инча ўзининг тахминийлиги, ноаниқлиги билан ажралиб турувчи стохастик боғланишлар учрайди. Улар каттарок микдордаги объектларни (кўзатишларни) ўртачаларида юзаға чиқади. Бу ерда омилли кўрсаткич (аргумент)нинг ҳар бир кийматиға натижавий кўрсаткич (функция)нинг бир нечта киймати мос келиши мумкин.

Масалан, ишчиларнинг фонд билан курулланганлик даражасини ортиши турли корхоналарда меҳнат унумдорлигини турлича ортишиға олиб келади,хатто бошқа шароитларни бир хиллиги таъминланганда ҳам. Буни меҳнат унумдорлиги боғлиқ булган барча омилларни комплекс, ўзоро боғланишда таъсир қилиши билан тушинтириш мумкин. Турли омилларни қанчалик оптимал уйғунлашишиға боғлиқ ҳолда уларни натижавий кўрсаткичға таъсири шунчалик ҳар хил булади.

Тадқиқ қилинаётган омилли ва натижавий кўрсаткич орасидаги ўзоро боғланишлар тадқиқ қилиш учун кўп сондаги кўзатишларни (объектларни) олганда ва уларни кийматларини солиштирганда намоён булади. Анашундагина катта сонлар қонуниға мувофиқ натижавий кўрсатуишға бошқа омилларнинг таъсири тёкисланади, нейтраллашади. Бу эса ўрганилаётган ходисалар орасидаги муносабатларни, алоқаларни аниқлаш имконини беради.

Демак, стохастик (корреляцион) боғланишлар - бу кўп сон даги кўзатишлар натижасида юзаға чикувчи, кўрсаткичлар орасидаги тула булмаган,эхтимоллиги булган (тасодифий) боғланишлардир.

Корреляцион боғланишлар жуфт ва кўп лик боғланишлар шаклида бўлиши мумкин.

Жуфт боғланишлар - бу бири омил,иккинчиси натижа булган икки кўрсаткич орасидаги ўзоро боғланишдир.

Кўплик боғланишлар - бу натижавий кўрсаткич билан бир нечта омиллар орасидаги ўзоро боғланишлардир.

Стохастик муносабатларни ўрганишда биз олдинги дарсларимизда куриб чиккан бир қатор усуллардан - параллел ва динамик қаторларни таққослаш, аналитик гуруҳлаш, графиклар ва бока усуллардан ҳам фойдаланилади. Бироқ улар боғланишларнинг умумий таснифи ва йуналишини аниқлаш имконини беради ҳолос. Омилли таҳлилнинг асосий вазифаси эса - натижавий кўрсаткични ўзгаришига ҳар бир омилни таъсирини аниқлашдан иборат. Бу мақсадлар учун корреляцион, дисперсион, компонентли, замонавий кўп улчовли омилли таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилади.

Иқтисодий тадқиқотларда кўрсаткичлар орасидаги ўзоро боғланишларни микдорий жиҳатдан ифодалаш имконини берувчи коореляцион таҳлил усули жуда кенг қўлланилади.

Корреляцион таҳлилининг қўллашнинг зарурий шартлари:

1. Тадқиқ қилинаётган омилли ва натижавий кўрсаткичларнинг қийматлари ҳақида кўп микдордаги кўзатишларни бўлиши (динамикада ёки жорий йил учун бир турдаги тўплам объектлар тўплами бўйича).
2. Тадқиқ қилинаётган кўрсаткичлар микдорий улчовга эга бўлиши ва Иқтисодий ахборотларнинг у ёки бу манбаларида акс эттирилган бўлиши керак.

Корреляцион таҳлил қўйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

- ◆ битта ёки бир нечта омиллар таъсири остида натижавий кўрсаткични ўзгаришини (абсолют микдорларда) аниқлаш, яъни омилли кўрсаткични бир бирликка ўзгариши натижавий кўрсаткични неча бирликка ўзгаришига олиб келишини аниқлаш;
- ◆ ҳар бир омил эвазига натижавий кўрсаткичнинг боғлиқлигини нисбий даражасини белгилаш.

2. Стохастик омилли таҳлилда жуфт боғланишлар усулидан фойдаланиш.

Корреляцион таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири бу омилли кўрсаткичларни натижавий кўрсаткичга таъсир кучини аниқлашдир. Унинг амалга оширишнинг алгоритминини қўйидагича акс эттириш мумкин:

1) Тадқиқ қилинаётган омилли (x) ва натижавий (y) кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар тупланади.

2) X ва Y лар орасидаги боғланишларни аналитик ифодалаш учун математик (тугри чизикли ёки эгри чизикли) тенглама танлаб олинади. Тенгламани тугри танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, масалани кейинги ечилиши ва ҳисоблар натижаси айнан анашу тенгламани тугри танланишига боғлиқ. Боғланиш тенгламасини асослаш параллел қаторларни таққослаш, маълумотларни гуруҳлаш ва чизикли графиклар ёрдамида амалга оширилади. Жуфт боғланишларни ифодалашда кўп мнча қўйидаги тенгламалар қўлланади:

а) тугри чизикли богланишларни ифодалашда:
тугрии чизик тенгламаси

$$y = a + bx \quad (1)$$

б) эгри чизикли богланишларни ифодалашда:
парабола тенгламаси

$$y = a + bx + cx^2 \quad (2)$$

гипербола тенгламаси

$$y = a + b/x. \quad (3)$$

3) Танлаб олинган тенгламаларнинг параметрлари аниқланади. Бунинг учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб қўйидаги тенгламалар ечилади:

а) тугри чизикли богланишларда

$$\begin{cases} na + b\sum x = \sum y \\ a\sum x + b\sum x^2 = \sum xy \end{cases} \quad (4)$$

б) эгри чизикли богланишларда:

- парабола тенгламаси

$$\begin{cases} na + b\sum x + c\sum x^2 = \sum y \\ a\sum x + b\sum x^2 + c\sum x^3 = \sum xy \\ a\sum x^2 + b\sum x^3 + c\sum x^4 = \sum x^2y \end{cases} \quad (5)$$

- гипербола тенгламасида

$$\begin{cases} na + b\sum 1/x = \sum y \\ a\sum 1/x + b\sum (1/x)^2 = \sum (1/x)y \end{cases} \quad (6)$$

4) Энг кичик квадратлар усули билан ечиш учун зарур булган кийматларни ҳисоблаш учун ишчи жадвал тўзилади. Ишчи жадвалнинг кўриниши қўйидагича булади:

а) тугри чизикли тенгламага

n	x	y	xy	x ²
...	...	...	...	...
$\sum n$	$\sum x$	$\sum y$	$\sum xy$	$\sum x^2$

б) параболага

n	x	y	xy	x ²	x ² y	x ³	x ⁴	Ух
...	...	...	...	...	...			...
$\sum n$	$\sum x$	$\sum y$	$\sum xy$	$\sum x^2$	$\sum x^2y$	$\sum x^3$	$\sum x^4$	$\sum Ух$

в) гиперболага

n	x	y	1/x	(1/x) ²	(1/x)y	xy
...	...	...	...	...	...	...
$\sum n$	$\sum x$	$\sum y$	$\sum 1/x$	$\sum (1/x)^2$	$\sum (1/x)y$	$\sum xy$

5) Натижавий ва омилли кўрсаткичлар орасидаги боғланиш кучини улчаш учун корреляция коэффиценти ҳисобланади.

а) тугри чизикли тенглама учун **корреляция коэффиценти**:

$$r = \frac{\sum xy - n\bar{x}\bar{y}}{\sqrt{(\sum x^2 - n\bar{x}^2)(\sum y^2 - n\bar{y}^2)}} \quad (7)$$

б) эгри чизикли тенглама учун корреляциянинг чизикли коэффиценти:

$$\eta = \sqrt{\frac{\sigma_y^2 - \sigma_{yx}^2}{\sigma_y^2}} \quad (8)$$

б) Аниқ шароит учун боғланишни аналитик ифодаловчи аниқланган регрессия тенламасидан фойдаланиб натижавий кўрсаткичнинг тўқисланган (назарий) кийматлари ҳисобланади ва олинган натижаларни таҳлил қилинади. Биз юкорида жуфт корреляцияни таҳлил қилиш усулини алгоритими билан танишиб чикди. Ушбу усулни амалда қўллашни амалий машулотларда таништирилади.

3. Кўп омилли корреляцион таҳлил услуби.

Иқтисодий ходисалар ва ҳўжалик фаолияти жараёнлари жуда кўп омилларга боғлиқ. Одатда, алоҳида олинга омил ўрганилаётган ходисаларни тулалигича очиб бераолмайди. Фақат омиллар комплекси ўзоро боғланишдагина ўрганилаётган ходиса ва жараёнлар ҳақида тула тасаввур бериш мумкин.

Кўп омилли корреляцион таҳлил бир нечта босқичда амалга оширилади. Уни амалга ошириш алгоритми қўйидагича:

Биринчи босқич. Ўрганилаётган кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар аниқланади ва уларнинг энг муҳимлари корреляцион таҳлил учун танлаб олинади.

Иккинчи босқич. Корреляцион таҳлил учун зарур булган бошлангич ахборотлар тупланади ва баҳоланади.

Учунчи босқич. Омилли ва натижавий кўрсаткичлар орасидаги ўзоро боғланишларнинг характери ўрганилади ва моделлаштирилади, яъни ўрганилаётган боғланишни мохиятини аниқ ифодалаб берувчи математик тенглама танлаб олинади ва асосланади.

Туртинчи босқич. Корреляцион таҳлилнинг боғланишларининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблари амалга оширилади.

Бешинчи босқич. Корреляцион таҳлил натижаларини статистик баҳолаш ва уларни амалда қўллаш.

Омилларни танлаш Иқтисодий таҳлилда энг мухим, масъулятли босқич ҳисобланади. Таҳлил натижасида қилинадиган хулосалар омилларни қанчалик тугри танланишига боғлиқ. Омилларни танлашда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

- ◆ Омилларни танлашда биринчи навбатда кўрсаткичлар орасида сабаб-окибат боғланишлари мавжудлигига эътибор бериш.
- ◆ Фақат мухим булган омилларни танлаш. Стъудент бўйича умидлилиқ мезони жадвал кийматидан кам булганлари ҳисобга киритишга тавсия қилинмайди.
- ◆ Барча омиллар миқдорий жиҳатдан улчовга эга бўлиши лозим ва у ҳақдаги маълумот ҳисоб ва ҳисоботда келтирилган бўлиши керак.
- ◆ Чизикли боғланиш типидagi моделларга натижавий ва омилли кўрсаткичлар орасида эгри чизикли боғланиш булган омилларни қўшмаслик.
- ◆ Корреляцион моделларга ўзоро боғлиқ омилларни ($r > 0,85$) киритмаслик тавсия қилинади, чунки улар таҳлил натижасини бўзилишига олиб келади.
- ◆ Натижавий кўрсаткич билан функционал боғланишда булган кўрсаткичларни корреляцион моделга киритмаслик керак.

Корреляцион моделларга омилларни танлашда аналитик гуруҳлаш, параллел ва динамик қаторларни таққослаш, чизикли графиклар усуллари қатта ёрдам беради.

Ахборотларни туплаш ва уларни баҳолашда асосий эътибор уларни, ишончлиги, аниқлиги, бир турга ҳослиги ва меерида тақсимланиш қонунига мослигини текширишга қаратилади.

Ахборотларни бир турга ҳослигини текширишда ўртача квадратик тафовут (G) ва вариация коэффицентлари (G) дан фойдаланилади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2}{n}} \quad (9)$$

$$\nu = \frac{\sigma}{x} 100 \quad (10)$$

Бошланғич ахборотларни меерида тақсимланиш қонунига мослигини текширишда тадқиқ қилинаётган ҳар бир кўрсаткичлар бўйича маълумотларнинг асосий қисми унинг ўртачаси атрофида гуруҳланган бўлишига, жуда кичик ёки жуда катта кийматга эга булган кўрсаткичларни иложи борица камроқ учрашига эътибор қаратилади.

Омилларни танлаб олиб ва бошланғич маълумотларни баҳолагандан кейин корреляцион таҳлилнинг мухим вазифаларидан бири бу омилли ва натижавий кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни моделлаштиришдир, яъни ўрганилаётган муносабатларни энг яхши ифодаловчи таълуқли тенгламани танлашдир.

Омилларни танлашда юкорида санаб ўтган усуллардан фойдаланиш мумкин. Кўрсаткичлар ормасидаги ўзоро боғланишларни ифодалаш учун қўйидаги қўйидаги функциялардан фойдаланиш мумкин:

а) чизикли боғланиш

$$Y_x = a + b_1x_1 + b_2x_2 + b_3x_3 + \dots + b_nx_n \quad (11)$$

б) эгри чизикли боғланишда:

- кўрсаткичли (даражали) функция

$$Y_x = b_0 * x_1^{b_1} * x_2^{b_2} * x_3^{b_3} * \dots * x_n^{b_n} \quad (12)$$

- логорифмик функция

$$\lg Y_x = b_0 + b_1 \lg X_1 + b_2 \lg X_2 + \dots + b_n \lg X_n \quad (13)$$

Келтирилган моделланинг қўлайлиги шундаки, бунда унинг параметрлари (b_i)га Иқтисодий изох (тушинтириш-интерпретация) бериш мумкин. Чизикли боғланишларда b_i коэффиценти омилли кўрсаткични бир бирликка ўзгариши натижавий кўрсаткични абсолют микдорларда неча бирликка ўзгаришини кўрсатса кўрсаткичли ва логорифмик функцияларда неча процентга ўзгаришини кўрсатади.

Кўп омилли корреляцион таҳлил масалаларини ШК ёрдамида намунавий дастурларда ечилади. Бунинг учун бошлангич маълумотлар матрицаси тўзилади. Унинг биринчи устунига тартиб сони, иккинчисига - натижавий кўрсаткич (Y) микдорлари, кейинги устунларга омилли кўрсаткич (X) ларнинг кийматлари ёзилади (1-жадвал).

1-жадвал

№	Y	X ₁	X ₂	X ₃	...	X _n
...	...	...	...	...	...	...
...	...		...	...	...	...
...	...	...	...	...	...	...

Ушбу маълумотлар ШКларга киритилади ва жуфт ва хусусий корреляция коэффицентлари, кўплик регрессия тенгламаси, шунингдек корреляция коэффицентлари ва боғланишлар тенгламаларининг муҳумлиги мустахкамлиги) баҳоланадиган бир қатор кўрсаткичлар:

Стьюдент мезони, Фишер мезони, апроксимациянинг ўртача хатоси, боғланишларнинг кўплик корреляция ва детерминация коэффицентлари ҳисобланади.

Жуфт корреляция коэффиценти иккита кўрсаткичнинг умумий ҳолатдаги, яъни натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг ўзоро таъсири ҳисобга олган ҳолдаги боғланиш кучини (зичлигини) тавсифлайди.

Агар бошқа омилларни ўзоро таъсирини йўқотган ҳолда омилли ва натижавий кўрсаткичларни боғланиш кучи аниқланса у корреляциянинг хусусий коэффиценти дейилади.

Корреляция коэффицентининг аҳамиятлилигини баҳолаш учун Стъюдент мезони билан текширилади:

$$t = \frac{r}{G_r} \quad (14)$$

Агар ҳисобланган t кўрсаткичнинг киймати унинг жадвал кийматидан катта бўлса, у ҳолда, корреляция коэффицентининг киймати аҳамиятли булади.

Корреляцион таҳлилнинг навбатдаги босқичида боғланиш (регрессия) тенгламаси ҳисобланади. Одатда уни ечиш кадам бакадам амалга оширилади. Даставвал ҳисобга натижавий кўрсаткичга энг кучли таъсир кўрсатувчи биринчи омил, кейин иккинчи омил ва ҳаказо қўйилиб натижалар ҳисобланиб борилади. Хар кадамда боғ-ланиш тенгламаси, корреляция ва детеминациянинг кўплик коэффиценти, фишер мезони, стандарт хато ва бошқалар ҳисобланиб баҳоланиб борилади.

Агар кейинги кўшилган омил натижавий кўрсаткични ўзгаришига - яхшиланишига олиб келмаси у ҳолда колган омилларни ҳисобга олинмайди ва ташлаб юборилади ҳамда тенгламани анашу келган жойида кодирилади ва натижа энг яхши булган жойда колдирилади.

4. Корреляцион таҳлил натижаларини баҳолаш усуллари ва амалиётда қўллаш.

Ҳисоблаб топилган боғланиш тенгламасини аниқлиги (ишонч-лиги)га ва уни амалиётда ишлатиш учун яроклилигига ишонч хосил қилиш мақсадида унга статистик баҳо берилади. Бунинг учун Фишер критерияси (F-нисбат), апрксимациянинг ўртача хатоси (E), кўплик корреляция K ва детерминация (D) коэффицентлари ҳисобланади.

Фишер мезони қўйидагича ҳисобланади:

$$F = \frac{G^2_{\text{восп}}}{G^2_{\text{ост}}} \quad (15)$$

Апрксимациянинг ўртача хатоси (E) қўйидагича ҳисобланади:

$$E = \frac{1}{n} \sum \left(\frac{y_{x_i} - \bar{y}}{y_i} \right)^2 \quad (16)$$

Корреляция коэффицентини ҳисоблашни юкорида турли кўринишдаги боғланишлар учун куриб чикди. Детерминация коэффиценти эса корреляция коэффицентини квадрати билан ҳисобланади.

Юкорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида асосланган кўрсаткичлар кўйидаги амалий мақсадларда фойдаланиши мумкин:

- а) хўжалик фаолияти натижаларини баҳолашда;
- б) натижавий кўрсаткичларни кўшимча ўсишига омиллар таъсирини ҳисоблаш;
- в) ўрганилаётган кўрсаткич даражасини ошириш резервларини ҳисоблаш;
- г) кўрсаткичлар даражасини режалаштириш ва истикболини белгилаш.

7-Мавзу: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ ВА ҚИДИРИБ ТОПИШ УСУЛЛАРИ

Режа

1. Хўжалик резервлари ҳақида тушунча, унинг итисодий моҳияти ва туркумланиши.
2. Резервларни қидириш ва ҳисоблашни ташкил қилиш тамойиллари.
3. Резервлар ҳажмини ҳисоблаш ва асослаш услуби.

1. Хўжалик резервлари ҳақида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва туркумланиши.

Хўжалик резервлари ҳақида тушунча. "Резерв" атамаси ё францўзча "reserve" сўзидан олинган бўлиб - "захира" маъносини беради, ёки латинча "reservare" сўзидан олинган бўлиб - "эҳтиёт қилиш", "сақлаш" маъносини билдиради. Шу муносабат билан бўлса керак, махсус адабиётларда ва иқтисодий таҳлилда "резервлар" икки хил маънода қўлланади.


Биринчидан резервлар деганда, корхонани тухтавсиз ишлашини таъминлаш учун зарур булган ресурслар (хом-ашъе, материаллар, асбоб-ускуналар, ёкилиги ва ш.у.) захираси тушинилади. Бу захиралар ҳар эҳтимолга қарши, ана шу нарсаларга эҳтиёж тугилиб қоладиган ҳолатлар учун яратилади.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари резерв ҳисобланади. Демак, резервлар захира сифатида ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари сифатида ҳам - бу бутунлай турлича тушунчалардир ва улар орасига кескин чегаралаб қўйилмас экан бу атамадаги англашилмовчиликка олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун биз бундан кейин "резерв фондлари" атамасини моддий ресурслар захираси сифатида ва "хўжалик резервлари" атамасини ФТТ ютуқларидан фойдаланиш асосида эришилган даражага нисбатан ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари сифатида қўллаемиз.

Резервларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг объектив характери вақтни тежашнинг умумий қонуни асосида тугри очиқ берилиши мумкин. Вақтни тежаш ижтимоий нуқтаи назардан жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашда, яъний моддий ва меҳнат ресурсларини янада рационал (оқилона) фойдаланишда акс эттирилади...

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги резервларнинг иқтисодий моҳияти шундаки, бунда маҳсулот бирлигига камроқ жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари қилиб юкори сифатли кўпроқ маҳсулотлар олиш мақсадида ушиб бораётган потенциалдан тула ва оқилона фойдаланишдир.

Хўжалик резервларини яхшироқ тушуниш, туларок аниқлаш ва фойдаланиш учун уларни бир қатор белгилар бўйича туркумларга ажратилади (11-чизмада келтирилган).



11-чизма. Ишлаб чиқариш резервларини туркумланиши

Макон (жой) белгиси бўйича ички хўжалик, тармок ва умумдавлат резервларига ажратилади.

Ички хўжалик резервларига фақат тадқиқ қилинаётган хўжаликда аниқланадиган ва ишлатиладиган резервлар қиради. Булар энг аввало ресурсларни исроф-гарчиликларни тугатиш ва унумсиз харажатларни бартараф қилиш билан боғ-лиқдир. Булар жумласига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технология даража-ларини пастлиги, хужасизлик ва ш.у.ни киритиш мумкин.

Тармок резервлари - бу тармок даражасида аниқланиши мумкин булган резервлардир, яъни экинларнинг янги навлари, хайвонларнинг янги зотлари, машиналарнинг янги тизими, янги технология, буюмларнинг конструкциясини яхшилаш ва ш.у. Бу резервларни қидириб топиш тармок бирлашмалари, министрликлар, ассоциацияларни иши ҳисобланади.

Худудий резервлар жугрофий район доирасида аниқланиши ва фойдаланиши мумкин (махаллий хом-ашъе ва ёкилиги, энергетик ресурслардан фойдаланиш, муассасавий буйсунишидан катъий назар ёрдамчи ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ш.у.).

Умумдавлат резервларига турли тармокларини ривожланишидаги диспропор-цияларни бартараф қилиш, мулкчилик шакиллариини ўзгартириш, миллий иқтисодиётни бошқариш тизимини ўзгартириш ва х.к. Бундай резервлардан фойдаланиш умумдавлатни бошқариш даражасидаги тадбирларни амалга ошириш йўли билан боғлиқдир.

Замон (вақт) белгиси бўйича резервлар фойдаланилмаган, жорий ва перспектив резервларга булинади. Фойдаланилмаган резервлар - бу режага нисбатан ёки ўтган давроралигида фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида бой берилган имкониятлардир.

Жорий резервлар деганда якин вақтлар (ой, квартал, йил) ичида фойдаланиши мумкин булган хўжалик фаолияти натижаларини яхшилаш имкониятлари тушини-лади.

Перспектив резервлар одатда, ўзок вақтларга мулжалланган. Улардан фойдаланиш катта микдордаги капитал қўйилмалар, ФТТнинг янги ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни қайта куриш, ишлаб чиқариш технологиясини алмаштириш, ихтисослаштириш ва ш.у.

Буюмнинг ҳаётий цикли босқичлари бўйича резервлар буюмни ишлаб чиқаришолди, ишлаб чиқариш, ишлатиш ва тугатиш (чиқиндига чиқариш) турларига булинади.

Ишлаб чиқаришолди босқичида буюмга булган талаб, унга хос булган хоссалари, буюмнинг конструкцияси, уни ишлаб чиқиш технологияси ишлаб чиқилади ва уни ишлаб чиқишга тайёргарлик курилади. Бу ерда буюмнинг конструкция-сини яхшилаш, унинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, арзонрок хом-ашъедан фойдаланиш ва ш.у.лар эвазига ишлаб чиқариш самарадорли-гини ошириш резервлари аниқланиши мумкин. Айнан шу босқичда маҳсулотлар таннарини камайтиришнинг катта резервлари мавжуддир. Шу босқичда резервлар қанчалик тула аниқланган бўлса, бу буюмнинг самарадорлиги умуман шунча-лик юкори булади.

Ишлаб чиқариш босқичида янги буюмлар, янги технологиялар ўзлаштирилади ва кейинчалик уларни оммавий ишлаб чиқариш бошланади. Бу босқичда резервлар микдори ишлаб чиқариш кувватларини яратиш, зарурий асбоб-ускуналар ва инструментлар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига камайтириш мумкин. Бу жараёнларни тубдан ўзгартириш эса катта йўқотишларсиз мумкин эмас. Шунинг учун ҳам буюмнинг ҳаётий циклининг бу босқичида, ишлаб чиқариш жараёнига тегишли булмаган ресурсларни ортикча йўқотишларгагина резервлар сифатида аниқланади ва фойдаланади.

Ишлатиш босқичидаги резервларни кафолат ва кафолатдан кейинги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Айнан шу даврларда - буюмни истемолчилар томонидан ишлатиш даврида бир қатор камчиликлар аниқланиши мумкинки, уларни ишлаб чиқариш даврида аниқлаш имконияти бўлмайди. Бу камчиликлар электр энергиясини, ёкилиги ва мойлаш материалларини, эҳтиёт қисимларни ва шунга ухшашларни иқтисод қилиш имониятларини қидириб топиш учун қўлай шароит яратади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнинг босқичлари бўйича резервлар иккитурга булинади: ишлаб чиқариш соҳасидаги ва муомала соҳасида резервлар. Биз юкорида куриб чикканимиздак резервларнинг аксарият қисмиунинг ишлаб чиқариш соҳасида булади. Бироқ шу билан бирга муомала соҳасида ҳам уларнинг сезилар-ли микдорда топиш мумкин.

Муомала соҳасида резервлар қўйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин: транспортда ташишвақтидаги, сақлаш ва кургазмали реклама қилиш жараёнида йўқотишларникамайтириш, сифатини бўзилиши олд-ини олиш ва харажатларни камайтиришва шунга ухшашлар.

Резервларни катта қисми шунингдек меҳнат жараёнинг асосий моментларида ҳам мавжуд. Бу соҳадаги резервларга меҳнат ресурсларидан, материал ресурс-ларидан ва меҳнат воситаларидан фойдаланиш борасидаги резервларни киритиш мумкин. Бу соҳадаги резервларни ҳар бир ресурс эвазига қанчаданлигини аниқлаш маълум кийинчиликларни тугдириши табиий, чунки бу ресурслар ўзоро боғланган бўлиб, бири иккинчиси учун чекловчи бўлиб хизмат қилиш мумкин. Бу соҳадаги резервларни ўрганишга кейинги мавзуларимизи бирида алоҳида тухталиб утамиз.

Резервларни экстенсив ва интенсив таснифдаги турларга ажратиш уларни ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этиш характери ва иқтисодий табиатига кўра амалга оширилди. Экстенсив турдаги резервларга биз ишлаб чиқариш жара-енига кўшимча ресурсларни жалб қилиш ва ишлаб чиқариш хажмини кенгайти-риш билан боғлиқ резервларни киритдик. Интенсив резервларга эса, мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари тула ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ резервларни киритдик.

Юқоридаги чизмада биз резервларни яна бир белгиси бўйича таснифланишини алоҳида ажратиб кўрсатган эдик - бу аниқлаш усулидир. Бу белгиси бўйича резервлар аниқ ва яширин бўлиши мумкин. Аниқ резервлар деганда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида осон аниқланиши мумкин булган резервларни тушинилади. Аниқ резервлар шартсиз (хужасизлик оқибатида хом-аше ва иш вақтини йўқотилиши, носоз маҳсулотларни кўп айиб кетиши, қарзлардан кечиб юбориш, жарималар тулаш ва шунга ухшашлар юз бераётган) ва шартли (меъерларни ва стандартларни нотугри белгиланганлиги, агар улар оптимал даражада бўлса, у ҳолда асбобускуналарни ҳолатини қоникарсизлиги, ишчилар малакасини етарли эмаслиги, меҳнатни ташкил қилиш даражасини пастлиги, технологик жараёнлар даб ўзилишларни мавжудлиги, ташкилий-техникавий даражани пастлиги оқибатида йўқотишлар юз бераётган) бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган туркумлашлардан ташқари, айрим адабиётларда резервларни яна бошқа бир қатор белгилари бўйича ҳам туркумлашадилар. Булар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ◆ ўзининг табиатида кўра (табiiй-мухит, ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-иқтисодий);
- ◆ натижага таъсир даражаси бўйича (асосий ва иккинчи даражали);
- ◆ инсонга боғлиқлиги бўйича (объектив ва субъектив);
- ◆ вужудга келиш жойи бўйича – жавобгарлик марказлари бўйича (ички ва ташки);
- ◆ тарқалганлик даражаси бўйича (умумий ва специфик);
- ◆ таъсир этиш вақти бўйича (доимий ва ўзгарувчи);

- ◆ ёритиладиган ходисаларни хусусиятлари бўйича (микдорий ва сифат);
- ◆ ўзининг таркиби бўйича (оддий ва мураккаб);
- ◆ улчаш имкониятлари бўйича (улчанадиган ва улчанмайдиган);
- ◆ иерархия (бугинлар) бўйича (биринчи, иккинчи ва х.к. тартибли).

Хуллас, юкорида келтирилгандай биз резервларни қанчалик чуқур ва атрофлича туркумлаб ўргансак улар мохиятини шу кадар яхши тушинишимиз ва таҳлил жараёнида уларни қидириб топишни шунчалик мақсадга мувофик йуналтиришимиз мумкин.

2. Резервларни қидириш ва ҳисоблашни ташкил қилиш тамойиллари.

Резервларни қидириб топишда маълум тамойилларга риоя қилиш зарур. Анашу тамойилларнинг энг муҳимлари қўйидагилардир:

1. Илмийлик тамойили. Бунга мувофик, аналитик диалектик билиш назариясига таянган бўлиш, Иқтисодий қонунлар, фан ва илғор амалиёт ютуқларини яхши бил-иши лозим. Шу билан бирга хўжалик резервлари мохияти ва табиатини, қидириш манбалари ва асосий йуналишларини, ҳисоблаш ҳамда умумлаштириш услуби ва техникасини ҳамда яхши билиши керак.

2. Комплекслилик тамойили. Бу тамойилга мувофик хўжалик фаолиятини барча тамонларини камраб олган ҳолда резервларни қидириб топиш нитақазо қилади.

3. Тизмийлик тамойили. Бу тамойилга мувофик ўрганилаётган тўплам бирликларини ўзоро боғлиқликларини ва қарамликларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керакки, бу албатта резервларни тула аниқлаш ва қайта ҳисобларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

4. Қайта ҳисобларни йўқотиш тамойили. Хўжалик фаолияти натижалари бог-лик булган резервларни умумлаштириш жараёнида уларни қайта ҳисоблашнинг олдини олиш зарур. Масалан, ишлаб чимқариш харажатларини ҳисобга олишда, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишдаги резервлар ва х.к.

5. Чекловчи омилларни ҳисобга олиш тамойили. Маълумки, маълум бир ре-сурс эвазига аниқланган резерв иккинчи бир резервсиз амалга оширилиб бўлмайди. Масалан, машинасозликда, йигиш цехини қувватини оширган билан буяш цехини қуввати етарли бўлмаса, у ҳолда ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни иложи булмаслиги маълум.

6. Иқтисодий асосланганлик тамойили. Бу тамойилга мувофик, резервларни ҳисобга олишда қорхонани реал имкониятларидан келиб чикан ва ҳисобланган резервлар эса аниқ тадбирлар билан мустаҳкамланган бўлиши лозим.

7. Тезкорлик тамойили. Резервларни қидириш қанчалик тезкорлик билан ўтказилса, бу жараён шунчалик шунчалик самарали булади. Бу тамойилни

яна бир томони қидириб топилган резервларни ўзлаштиришда ҳам тезкорликни талаб қилади.

8. **Резервларни қидиришнинг ўзуликсизлиги тамойили.** Демак, резервларни қидириш режали, мунтазам ва ҳар куни амалга оширилиши лозим.

9. **Оммавий ёндошиш тамойили.** Бу тамойилга мувофик резервларни киди-ришга корхонанинг кенг жамоатчилигини, яъни турли касб ва мутахас сисликдаги ходимларини иштирок этишини таъминлаш керак.

10. **Бош йуналишни белгилаб олиш.** Бу таъмойилга мувофик резервларни киди-ришнинг бош йуналишини олдиндан белгилаб олиш, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги "етакчи звено" ва "нозик жой"ларни (мунтазам режа бажарилмайдиган, катта микдордаги хом-аше исрофгарчилигига ва кўп лаб носоз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига ва техника воситаларини бекор туриб қолишига йўл қуяётган участкаларни) аниқлаб олиш.

Шундай қилиб, юқоридаги резервларни қидиришнинг бир қатор тамойилларига тухталиб утдикки, улар мохиятини яхши тушиниб олиш резервларни қидириб топиш тартибини тугри белгиш ва уларни қидирб топиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

3. Резервлар ҳажмини ҳисоблаш ва асослаш услуби.

Аниқланган резервларнинг микдори реал бўлиши учун, уни ҳисоблаш имкони борица аниқ ва асосланган бўлиши керак. Резервлар микдорини аниқлаш учун қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: тугри ҳисоблаш усули; таққослаш усули; деатамаистик омилли таҳлил усули; стохастик омилли таҳлил усули; функционал киймат таҳлили усули; маржинал таҳлил усули; математик дастурлаш усули ва бошқалар. Ушбу усулларни айримларини мохиятини ва қўллаш тартибини кискача куриб чиқамиз.

1. **Тугри ҳисоблаш усули.** Бу усулни мохиятига кўра, иқтисод килинган ресурслар ҳажми ёки бартараф килинган йўқотиш ҳажми маҳсулот бирлиги ҳисобига тугри келадиган ресурс сигимига бўлиш ёки уни ресурс кайтимига кўп айтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўшимча кўп айиши резервни ҳисоблаш мумкин, яъни

$$\Delta N = \frac{R}{C} \quad \text{ёки} \quad \Delta N = R * K$$

бу ерда, ΔN – маҳсулот ҳажмини кўпайиши;

R - иқтисод килинган ресурс ёки бартараф килинган йўқотиш;

C - ресурс сигими;

K - ресурс кайтими.

Масалан, таҳлил натижасида ишлаб чиқаришда истеъмол килинадиган материал ресурсларидан 5000 кг иқтисод килинди. Агар маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун ушбу материалдан 2 кг сарифланадиган бўлса, у

ҳолдаиктисод килинган материаллар эвазига кўшимча 2500 бирлик (5000/2) маҳсулот олиш мумкин. Худди шу натижани материал кайтими кўрсаткичидан фойдаланиб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бизни мисолимизда ҳар 1 кг материал ҳисобига 0,5 дона маҳсулот тугри келади. Демак, иктисод килинган 5000кг материалдан кўшимча 2500 бирлик (5000 * 0,5) маҳсулот олинади. Бошқа турдаги ресурсларни иктисоди эвазига олинadиган кўшимча маҳсулотхажмини ҳам анан шу усулда ҳисоблаб топиш мумкин.

2. Таққослаш усули. Бу усулни мохиятига кўра, ресурслар иктисоди ёки уларни йўқотилиши режалаштирилган (меерий) кўрсаткичларга ёки етакчи корхоналарни маҳсулот бирлигига килинган сарфига нисбатан таққослаб баҳоланади. Резервлар хажми бу усулда кўйидагича ҳисобланади: маҳсулотлар бирлигига сарифланган ресурсларни ҳақиқий (ХС) ва режалаштирилган (РС) микдори орасидаги фарқни маҳсулот хажми (Q)га кўп айтириб, натижани режалаштирилган харажат меери (РС)га бўлиш ёки ресурс кайтими (РК)га (материал кайтими, фонд кайтими, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларга) кўп айтириш йўли билан аниқланади, яъни

$$\Delta N = [(XC - PC) * Q] : PC \text{ ёки}$$

$$\Delta N = [(XC - PC) * Q] * PK$$

бу ерда, ΔN - резервлар эвазига маҳсулот хажмини ортиши.

3. Детерминистик омилли таҳлил усуллари. Детеминистик омилли таҳлида бир қатор усуллардан фойдаланишни биз олдинги марўза (омилли таҳлил ўтказиш усуллари) да куриб чиккандик - булар занжирли боғланиш усули, абсолют микдорлардаги тафовутлар усули, нисбий микдорлардаги тафовутлар усули, интеграл усул ва бошқалар. Шунинг учун ҳам уларга тухталиб утмаймиз.

4. Стохастик омилли таҳлил усуллари. Кўпчилик ҳолларда корреляцион-регрессион таҳлилга асосланган стохастик омилли таҳлил резервларни кидириб топишда тез-тез қўлланиб турилади. Бу усулнинг мохиятига кўра, таълуқли омилли кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб топилган регрессия коэффицентини омилли кўрсаткичнинг кўшимча ўсиш хажмига кўп айтириш орқали натижавий курсаткични кўп айтириш имконияти аниқланади, яъни

$$\Delta Y = a + \Delta f * x$$

бу ерда, ΔY - натижавий кўрсаткичнинг кўп айтириш резерви;

a - боғланиш тенгламасини регрессия коэффиценти;

$\Delta f * x$ - омилли кўрсаткич кўшимча ўсишининг резерви.

Ушбу усулни қўллаш тартиби олдинги мавзу (стохастик боғланишларда омиллар таъсирини аниқлаш усуллари)да атрофлича куриб чиқилганлиги учун ҳам тухталмаймиз.

5. Функционал-киймат таҳлили. Бу усул резервларни аниқлашнинг юкори самарали усули ҳисобланади. Чунки, бу усулни қўллаш буюмни яратишни хаётий йўлининг дастлабки босқичларидаек унинг конструкциясини, ишлаб

чиқариш технологиясини такомиллаштириш, арзонрок хом-аше ва материаллардан фойда-ланиш ва бошқаларни қўллаш орқали ортиқча харажатларни топиш ва бартараф қилиш имконини беради.

6. Математик дастурлаш усуллари. Резервларни қидириб топишда ушбуусулнинг ҳам роли жуда катта. Усулни мохиятига кўра,хўжалик юритиш шароитларини ва ресурсларни чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда, ресурслардан фойдаланишнинг режа ёки ҳақиқий даражаларига нисбатан белгиланган мезон бўйича улардан фойдаланишнинг оптималлаштириш имконини беради. Ушбу мақсадларда, қўйилган Иқтисодий масалаларни мохиятига куара ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида математик дастурлашнинг у ёки бу усули (симплекс методдан, М-метод, таксимлаш методи, потенциаллар усули ва бошқалар)ни қўллаш мумкин.

Шундай кили биз юкорида корхоналарнинг ички резервларини қидирибтопишда қўлланадиган бир қатор усулларни мохияти ва қўллаш тартиби билан кискача танишиб чикдик. Таҳлил жараёнида у ёки бу усулни қўллаш албатта таҳлил олдига қўйилган масад ва вазифалардан келиб чиккан ҳолда, тадқиқ килинадиган масаланинг мохиятидан келиб чикиб белгиланади.

8-мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДАГИ ТУТГАН ЎРНИ.

Режа

1. Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш асослари
2. Бошқариш тизими бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари
3. Ўзоро боғланган объектлар бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари
4. Бошқариш масштаби ва даражаси бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари.

1. Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш асослари

Таҳлил турларини туркумлаш – уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтиришга, энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фаннинг истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлилнинг барча турлари ўз белгиларига қараб маълум гуруҳларга умумлаштирилади. Бундай гуруҳлашган белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилувчи субъект, ўрганиладиган ҳодисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлаш усуллари кабилар. Барча турдаги таҳлилнинг турлари уларнинг бажарган вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиълизлиги ва асосланганлигини баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган натижаларни башорати қилиш яъни олдиндан айтиб бериш, эришилган натижаларга объектив баҳо бериш ва шу мақсадда корхона фаолиятига боълик ва боълик бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий вариантларни тайёрлаш.

Ишлаб чиқаришни иқтисодий таҳлил қилишни умумий тарзда қуйидаги чизмада келтирилгандай ифодалаш мумкин (12- чизма).

Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш асосида бошқариш функцияларини туркумлаш ётади, чунки иқтисодий таҳлил иқтисодиётни бошқаришни ҳар бир функциясини амалга оширишнинг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади. Умуман олганда бошқаришни функцияларини иккита катта гуруҳга бўлишимиз мумкин: умумий ва махсус (специфик) функция. Бу боълиқлик шундан иборатки умумий функциялар ўз ҳолича амал қила олмайди; ҳар қандай махсус функция эса фақат гина умумий функциялар ёрдамидаги амалга оширилади.



12-чизма. Халқ хужалиги нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлилнинг туркумланиши.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ўзининг тамойиллари ва функцияларига таянади. Бошқариш фаолиятини амалга ошириш кўйидаги функцияларига таянган ҳолда амалга оширилади:

- ◆ бошқаришни ахборот билан таъминлаш (тўплаш, қайта ишлаш, иқтисодий воқеа ва ҳодисалар туғрисидаги ахборотларни тартибга солиш);
- ◆ иқтисодий таҳлил қилиш;
- ◆ режалаштириш ва прогнозлаш (иқтисодий ҳодисаларни жорий ва истиқболли режалаштириш);
- ◆ мувофиқлаштириш;
- ◆ ташкил қилиш;
- ◆ Хисобга олиш;
- ◆ назорат қилиш (режаларни ва бошқаришга оид қарорларни амалга оширилишини назорат қилиш).

1 ва 2 функциялар бошқаришни технологик босқичларини акс эттиради, яъни қарорлар қабул қилиш жараёнини ахборот ва иқтисодий таҳлил билан таъминлайди. Шу билан бирга, бошқаришнинг бошқа функцияларини амалга оширишда ҳам иқтисодий таҳлилнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, режалаштириш функциясини олайлик. Келгуси даврга режа

тўзиш учун корхона фаолиятининг ўтган йилларини атрофлича таҳлил қилиш ва шу асосда унинг ривожланиш тенденциясини аниқлаб олиш зарур. Ривожланиш тенденцияси ва келгусида иқтисодий кўрсаткичларда юз берадиган сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга олган ҳолда унинг фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларини келгуси кийматлари шакиллантирилади. Худди шунингдек, бошқаришнинг мувофиқлаштириш, ташкил қилиш ва назорат функциялари ҳам иқтисодий таҳлил билан бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни бошқариш нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлил турларини қўйидаги чизмада келтирилгандай тасвирлаш мумкин (2-чизма).



13-чизма. Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлининг туркумланиши

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда иқтисодий таҳлилнинг турлари қўйидагиларга қараб, ҳам туркумланади;

1) Ҳалқ хужалигини тармоқ структураси (саноат ва уни тармоклари, қишлоқ хўжалик, қурилиш, транспорт, савдо, моддий-техника таъминоти ва бошқалар);

2) Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш босқичлари таҳлили (ишлаб чиқариш, истеъмол, таксимот ва айрибошлаш жараёнларини таҳлили);

3) Таҳлилни ўтказувчи субъекти бўйича, яъни таҳлилни ким томонидан ўтказилаётганлигига қараб (иқтисодий хизмат ходимлари, корхона ижтимоий ташкилотлари, молия, кредит органлари, аудиторлик ташкилотлари, қасаба кумита ва ижтимоий ташкилотлар);

4) Таҳлил ўтказиш муддати бўйича (йиллик, кварталлик, ойлик, декадалик, кунлик, сменалик ва бир марталик таҳлил);

5) ўрганиладиган масалаларнинг мазмуни ва мукаммаллиги бўйича (ҳажалик фаолиятини комплекс таҳлили ва тематик таҳлили);

6) объектни ўрганиш усулига қараб (комплекс, тизимли таҳлил, таққослама, танланма, корреляцион таҳлил ва бошқалар).

Корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш уларни фақатгина иқтисодий фаолиятини таҳлил қилмасдан, уларни техник, ижтимоий, табиий шароитлари ва уларни ўзаро алоқасини ҳам таҳлил қилиб бериши лозим.

2. Бошқариш тизими бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари

Хўжалик фаолиятининг жорий (ретроспектив) таҳлили. Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлил ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган. Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, кварталлик, йиллик ва қатор йиллар таҳлил қилинади.

Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ишда йўл қўйилган камчилик ва уларни айбдорларини топиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил этишдан ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг қўламда қўлланишининг асосий сабаблари, деб қўйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

1. таҳлилнинг барча вазифалари бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар жорий таҳлил зиммасига тушади;

2. жорий таҳлилнинг кенг қўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларига асосан юқори

ташкilot, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги;

3. жорий таҳлилнинг бажариладиган таҳлилий ишларда тўтган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва тезкор таҳлилни ўтказиш усули ҳали тўла ишлаб чиқилмаган;

4. жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ўтказилади, чунки таҳлилий ходимнинг ихтириёрида барча ахборотлар манбаи муҳайё;

5. хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган;

6. иқтисодий олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

Жорий таҳлил учун асосий ахборотлар манбаи бўлиб - ойлик, кварталлик, йиллик режа ва ҳисоботлар ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг субъекти - корхонанинг иқтисодий бўлимлари, юқори ташкilot, молия, солиқ ва статистика органлари, давлат банки ҳисобланади. Жорий таҳлилнинг объекти-корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқармалар ва вазирликлардир.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими системали ва комплекс характерга эга бўлиб, расмий жиҳатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади.

Бу таълилни асосий камчилиги шундан иборатки, аниқланган хато, камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар корхона учун бутунлай йўқотилган ҳисобланади, чунки улар хўжалик фаолиятини ўтган даврига боғлиқдир. Биз бу имкониятларни фақат гина келгусидаги ишларинимизни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олишимиз мумкин ҳолос. Шунинг учун ҳам таҳлилни имкониятларини ошириш ва уларни вақтида ишга солиш учун ҳисоботларни тақдим қилиш ва уларни таҳлил қилиш вақтини кискартириш вазифаси қўйилади.

Жорий таълилни корхонани барча ходимлари томонидан, шунингдек цехлар ва бошқа бўлинмалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Натижада корхонани йиллик фаолиятига якун ясалади, камчиликлар аниқланади ва корхона фаолиятини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу таҳлил корхона хўжалик фаолиятини тула таҳлили бўлиб ҳисобланади, чунки у ўзида тезкор таҳлил натижаларини мужассамлаштиради ва истикболли таҳлил учун база ҳисобланади.

Тезкор таҳлил. Бу таҳлил иқтисодий таҳлилни турларидан бири бўлиб, хўжалик тизимини тезкор бошқариш учун лозим буладиган мосалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. У корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тезкор тарзда бошқаришда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкорлик билан аниқлаб, уни бартараф қилиш чора - тадбирларини кўради.

Тезкор таҳлилнинг *асосий вазифаси* топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунда аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади. Тезкор таҳлил бошқарув тизимида бошқарув ходимларининг тахминан 50 фоиз иш вақтини эгаллайди. Амалда эса унинг умумий бажариладиган таҳлилий ишларда тўтган салмоғи 10 фоизни ташкил этади. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ у асосан бошлангич маълумотларга асосланади.

Тезкор таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда унинг бўлинмалари сменада, суткада, беш кунликда ва декадалардан четга чиқишини аниқлаш;
- меҳёрдан чиқишга таҳсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;
- салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;
- кўрсатилган вақтда эришилган натижаларни яқунлаш ва «Тор» жой ва ил^лор бўлинларни аниқлаш.

Тезкор таҳлил одатда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича олиб борилади: маҳсулотни ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотиш, ишчи кучидан фойдаланиш, асбоб-ускуна ва моддий ресурслардан фойдаланиш, таннарх, фойда ва рентабеллик, тўлов қобиляти. Демак, жорий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар сони тезкор таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлардан анча кўпдир. Тезкор таҳлилнинг натижаси жорий таҳлилга нисбатан унчалик аниқ бўлмайди. Чунки ойнинг хоҳлаган кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва маҳсулот таннархининг пасайиши натижасида олинган фойда миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас, чунки олдиндан маҳсулотнинг қанча қисми шу ойда сотилади, қанча қисми эса келгуси ойда сотилишини аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Лекин тезкор таҳлилнинг бу камчилиги унинг аҳамиятини камайтирмайди, зеро, тезкор таҳлил орқали олинган натижаларнинг мутлақ аниқлигидан кўра уни ўз вақтида олиш аҳамиятлироқдир.

Бундай таълилни ўтказиш учун маълумот манбалари бўлиб, бошлангич ҳужжатлар, бухгалтерия ва тезкор техник ҳисоб маълумотлари, унинг шахсий кўзатиш натижалари ҳисобланади. Бу ҳужжатларда иқтисодий кўрсаткичлар купрок натурал ҳолда берилади. Таҳлилни натура кўрсаткичида амалга оширилиши тезкор таҳлилнинг характерли хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Истикбол таҳлили. Истикбол таҳлили, деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тўзиш учун ўз фаолиятини нима билан яқунлаши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истикбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, ҳам деб атамоқдалар.

Истикбол таҳлилини асосий вазифалари бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

- 1) хўжалик фаолиятини башорат қилиш;
- 2) истикбол режаларини илмий асослаш;
- 3) уларни бажарилиши устидан назорат қилиш ва баҳолаш.

Корхонани асосий вазифаси халқ хўжалик учун ҳозирги кундаги энг зарур маъсулотларни керакли микдорда ва сифатли қилиб ишлаб чиқишдир. Халқ хужалиги учун лозим бўлган ҳажмдаги ва турдаги маҳсулотни аниқлаш учун: шу маҳсулотга бўлган эҳтиёж; корхонани шу маъсулотни ишлаб чиқариш имконияти; шу турдаги маъсулот ишлаб чиқаришдаги бошқа корхоналар имконияти; мол етказиб берувчиларни имкониятлари ва бошқаларни ўрганиш керак.

3. Ўзоро боғланган объектлар бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари

Техник-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган. Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади:

- ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Корхонанинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражасини, ил\ор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнاتини тўла механизациялаш, замонавийлаштириш каби масалалар киради.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш жараёнида қўлланилаётган бошқарув шакллариининг прогрессивлиги (ил\орлиги), бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув шакллариининг ил\орлиги, бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув аппаратини қисқартириш каби ечимлар ҳал этилади.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истеҳсолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари республикада ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши (юқори) намуналари билан таққослаш. Маҳсулотнинг техник даражаси уларни аттестация қилиш орқали аниқланади. Техника-иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, муҳандислар, мутахассислардан тўзилган комплекс бригада орқали амалга оширилади.

Молия-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Умумлашган қиймат кўрсаткичларига қуйдагилар киради: сотиш бўйича режанинг шартнома мажбуриятини адо этган ҳолда бажарилиши, товар маҳсулоти, бир

ишловчига тўри келадиган йиллик иш унуми, маҳсулот таннархи, фойда ва шу кабилар. Таҳлил қилиш жараёнида ана шу қиймат кўрсаткичлар батафсиллаштирилади. Масалан, маҳсулот ҳажми-таққосланадиган ва таққосланмайдиган, уларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича, маҳсулотнинг сифати кабилар. Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг унсурлари ва калькўляция моддалари бўйича белгиланган бизнес-режанинг бажарилишига таҳсир қилувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (бир ишловчига тўри келадиган йиллик иш унуми) бир ишчига тўри келадиган йиллик, кунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Молия-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбалари. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларида қўлланилиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, молия-иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши ҳисобланади.

Молия-иқтисодий таҳлилнинг субъекти - бу корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодий бўлинмалари ҳисобланади.

Шу билан бирга корхона таҳлилнинг объекти ҳам ҳисобланиб, уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. Масалан, молия органлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эҳтиборни бизнес-режанинг бажарилиши, айланма маблағларининг ҳолати, фойда бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, давлат бюджетига тушадиган тўлов мажбуриятларининг бажарилишига қаратадилар. Кредит тизими эса корхоналар ўз айланма маблағлари ҳолатини, олинган кредитнинг товар-моддий бойликлар билан тахминланганлигини, тўлов интизомининг бажарилиши каби масалаларга қаратади.

Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молия-иқтисодий таҳлилнинг ўтказиш муддатлари кунлик, ҳафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, йиллик бўлади. Молия-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлилдан иборат.

Функционал - қиймат таҳлили. Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтириш маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ФҚТ асқотади. ФҚТ – объектни (маҳсулот) технологик ва меҳнат жараёнлари тизимли тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқади. Ушбу таҳлил усули ушбу маърузалар курсида алоҳида мавзу сифатида куриб чиқилади.

4. Бошқариш масштаби ва даражаси бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари.

Хўжаликлараро (заводлараро) киёсий таҳлил. Киёслаш (таққослаш) - бу иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Киёсий таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: ички завод таҳлили, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади; заводлараро, қачонки бир қатор корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, тармоқдаги ил\ор тажриба ўрганилади.

Таққослама заводлараро таҳлилнинг моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини уларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини ҳолис фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таҳсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда ил\ор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашдан иборатдир.

Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан айтганда комплекс характерга эга бўлади. Таққослама таҳлилнинг мазмуни қўйилган мақсад ва текшириладиган объектга қараб қуйидагича туркумланади:

- объект бўйича (корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи);
- мавзунинг (тема) мазмуни бўйича – меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо;
- таҳлилни ўтказиш доираси – комплекс таҳлил ва махсус (тематик) таҳлил.

Таққослама таҳлилнинг энг муҳим услубий масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир:


- таққосланадиган кўрсаткичларнинг сифат жиҳатдан бир хиллиги ва уларни ҳисоблаш усулининг бирлиги (масалан, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг бир хиллиги);
- маҳсулотни ягона ўлчаш, ўзгармас баҳо билан ўлчаш, жў\рофий шароитларнинг ўхшашлиги;
- таққосланадиган даврда иш кунларининг бир хиллиги ва ҳоказо.

Корхона фаолиятини таҳлили. Корхоналар юридик мустакил шахс бўлиб, ўзларининг мустакил балансларига эга, ўз иш фаолиятларини низом асосида олиб борадилар.

Корхоналар давлат, кооператив корхоналар бўлиши мумкин ва булар ўз иш фаолиятларини саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, алоқада, савдо, моддий-техника таъминоти ва бошқа хизмат кўрсатувчи соҳаларда амалга оширадилар.

Таълилни ўзига хос хусусияти корхонада аналитик ишни олиб бораётган органларнинг вазифаларидан келиб чикиб қўйидагиларга боғлиқ бўлади: корхона иқтисодиётини ўрганиш кетма-кетлигига, таҳлил қилиш тематикасига аналитик иш шакллари.

Ички хўжалик таҳлили. Корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан фарқли уларок ички хўжалик таҳлилини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бунда алоҳида булинмалар иш фаолиятини (умумий жамоа ютуқларига кўшган хиссасини баҳолашда) деталлаштирилади. Бу таҳлилга халқ хужалиги асосий бугинини бошқаришни барча босқичлари, яъни оддий иш жойигача булган босқичлари киради. (14-чизма)



14-чизма. Ички хўжалик (завод) таҳлили услуби

9-мавзу. ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Режа

1. Функционал-қиймат таҳлилининг моҳияти ва вазифалари.
2. Функционал-қиймат таҳлилининг ташкил қилиш тамойиллари.
3. Функционал-қиймат таҳлилининг ўтказиш тартиби.
4. Функционал-қиймат таҳлилида қўлланадиган усуллар.
5. Функционал-қиймат таҳлилининг самарадорлиги.
6. Функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари.

1. Функционал-қиймат таҳлилининг моҳияти ва вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари кўзда тўтилмаган ходиса ва жараёнларга кўплаб дуч келиши муқаррар. Бу шароитда - ҳар бир корхона, фирма ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилиб ноанъанавий қарорлар қабул қилишни, кўзда тўтилмаган чора-тадбирларни қўллашни талаб қилади. Бунга фақат функционал-қиймат таҳлилини (ФҚТ) қўллаш йўли билан эришиш мумкин. ФҚТ жаҳон амалиётида, айниқса тараққий этган мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Унинг самарадорлиги бекиёс эканлигини жаҳон амалиёти такрор ва такрор исботлаб келмоқда, чунки маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифатини унга сарф қилинадиган харажатларни камайтириш эвазига эришиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида корхонанинг ички ва ташқи бозордаги рақобатда ютиб чиқишини, унинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамлилиги таъминламоқда.

ФҚТ иқтисодиётнинг барча соҳаларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, хизмат, савдо қабилар) қўлланилиши мумкин. Унинг аҳамияти бекиёсдир, чунки жамиятда манфаатлар муштарақлигини таъминлайди. У энг аввало меҳнаткаш манфаатига мос, уларни ортиқча самарасиз ишлашдан, нокерак функцияларни амалга оширишдан ҳоли қилади ва шу йўл билан барча қилинадиган меҳнатнинг фойдалилигини таъминлайди. Шу орқали улар бир хил меҳнатга бир вақт бирлигида кўп меҳнат ҳақи олишга эришади.

ФҚТ мулк эгаси — инвесторлар- манфаати учун ҳам хизмат қилади. У энг аввало, маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига мулк эгасининг истеъмол бозоридаги нуфўзини оширади. Иккинчидан эса корхонада ортиқча сарф-харажатларни камайтириш эвазига унинг иқтисодий самарадорлиги ошишига, фойданинг кўпайишига замин яратади. Корхона фаолиятида молиявий барқарорлик таъминланиб, унинг рақобатга бардошлилиги ошади.

ФҚТ давлат манфаатини ҳам ўзида акс эттиради. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш, у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги нуфўзи ошганлиги биринчидан, давлатни ташқи мамлакатларга танитади ва иккинчидан, унинг бюджетига ҳар хил солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали тушумларни кўпайтиради. Демак, ФҚТ бутун манфаатлар

муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса бозорли иқтисодиёт шараитида иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойилларидан биридир.

ФҚТни қўллашдан мақсад корхонанинг харажатларини камайитириш эвазига унинг фаолиятида юқори самарадорлик ва сифат кўрсаткичига эришишдан иборатдир. Бунга иқтисодий ҳодиса, жараён ва фаолиятни содир бўлмасдан олдин системали равишда таҳлил қилиш орқали эришилади. Натижада маҳсулотнинг юқори сифати, ишнинг юксак самарадорлиги таъминланади. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг энг самарали ва илғор шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилнинг бу шакли асосан микроиқтисодиёт даражасида қўлланилади. Бунда ҳам аниқ бўғинларни, маҳсулотни, жараённи, фаолиятни объект қилиб олади. Масалан, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш, товар харакатини бошқариш, ёки бирор мутахассис фаолиятини такомиллаштириш кабилар. Демак, ФҚТнинг қўлланилиш доираси қисқа ва аниқ мақсадларни кўзда тутар экан.

Функционал киймат таҳлили деганда, алоҳида буюм, ёки маълум ишлаб-чиқариш хўжалик жараёни, ёхуд бошқариш тузилмаси функциясини юқори сифат, максимал фойдалилик ва ўзок муддатлиликини таъминлаш асосида уларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, сотиш, саноат ва маиший истемаол қилиш соҳаларидаги харажатларни минималлаштиришга йуналтирилган тизмий тадқиқ қилиш усули тушинилади.

ФҚТ ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Таҳлил қилинаётган объект ҳали ишга тушмаган, фаолият кўрсатмаётган, лойиҳалаштириш, режалаштириш босқичида бўлиши мумкин. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий жараён содир бўлмасдан олдин ўтказилади.

2. Ҳар бир таҳлил қилинаётган объектда бирорта ҳодиса ёки иқтисодий жараённинг тўлиқ содир бўлиши учун у қандай функциялардан иборатлиги аниқланади. Бундай таҳлилда абстракт тафаккур, эвристик таҳлиллардан фойдаланиш мумкин.

3. ФҚТ да барча функциялар учга бўлиб ўрганилади: асосий, қўшимча, нокерак. Таҳлил қилинадиган объект фаолиятини лойиҳалаштиришда нокерак функцияларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу эса харажатнинг ўз-ўзидан камайишини таъминлайди.

4. Ҳар бир асосий ва қўшимча функцияларнинг қандай амалга ошиши белгиланади. Имкони борида бу функциялар ҳам тежамли йўллар билан маҳсулот (иш, хизмат) сифатини оширадиган даражада бажарилишини таъминлайди.

5. ФҚТ самарадорлиги олдиндан аниқланади, чунки таъкидланганидек, олдиндан аниқланган нокерак функциялар содир бўлмасдан, уларга маблағ, вақт йўқотилмасдан бартараф қилинади. "Бу ҳам унинг ўта самарали иқтисодий дастак эканлигидан далолатдир.

6. Ушбу таҳлилда ахборот манбаи бўлиб ўтган, содир бўлган иқтисодий жараёни ифодаловчи ҳисоботлар эмас, балки балжарилиши лозим бўлган, кўпроқ илмий ва мантиқий йўл билап аниқлангаа, ҳали содир бўлмаган

функциялар тизими ҳисобланади.

7. Фаолият кўрсатаётган объектларда ФҚТ бизнес-режани тўзишда қўлланилади. Унинг ҳар бир кўрсаткичини асослаш учун функцияларни таркибланиш (асосий, қўшимча, ноқерак) тамойилига асосланади. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам яхшиланишини, иқтисодий ўсишни самарали йўллар билан таъминлаш имкониятини беради.

ФҚТ да таҳлилнинг ҳам, таҳлил қилинаётган объектнинг ҳам мақсадини, қўтилаётган натижасини, функциясини, моҳиятини, таъсирини ва алоқасини аниқлаб олишни тақозо қилади. Объектнинг мақсадида у орқали нимага эришилиши кўзда тутилса, натижада шу объект нимага эришилганлиги кўрсатилади. Унинг функциясида шу объектнинг нима қилиши кўзда тутилса, моҳиятида шу объект нима қила олишини кўрсатади. Объектнинг таъсири, деганда объектнинг нимани ўзгартира олиши тушунилса, унинг алоқасида ФҚТ бошқа кўрсаткичларга таъсир килнш нималар орқали амалга ошириши кўрсатилади. Шу туфайли ФҚТни амалга ошириш жараёнида ушбу иборалардан тўғри ва аниқ фойдаланиш лозимдир.

ФҚТ зркин бозор муносабатлари шаклланаётган ва шаклланган шароитда иқтисодиётнинг ҳамма соҳасида қўлланилиши мумкин. Ундан - лойиҳалаштиришда, бирор объектни такомиллаштиришда, техника ва технологик жараёнларни таҳлил қилишда, иқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида, бошқаришда, хизмат соҳаси кабиларда фойдаланиш мумкин. Ушбу иш бевосита иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишга бағишланганлиги туфайли биз ФҚТнинг фақат шу соҳада қўллаирилишига тўхталамиз, ҳолос.

ФҚТнинг аҳамияти Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда янада ошди, чунки бу иқтисодиёт ҳар бир хўжалик юритувчи субъектга ўз фаолиятини мукамал таҳлил қилиб боришини, иши, маҳсулоти ва хизмати сифатини ўзлуксиз ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу тадбирлар шу субъектнинг эркин рақобот шароитида унинг рақоботбардошлигини таъминлайдиган асосий омиллардир. Зеро, иқтисодий эркинлик ўз навсатида иқтисодий масъулликни ҳам келтириб чиқаради.

Ҳар қандай маҳсулот (товар), бажарилган иш, кўрсатилган хизмат истеъмолчига мўлжалланган бўлади. Истеъмолчи учун эса уларнинг энг аввало сифати, сўнгра нархининг арзонлиги керак. Айнан ана шу кўрсаткичларш ФҚТни қўллаш орқали эришилади. Демак, ушбу таҳлилнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти ва вазифаси янада ошади.

ФҚТнинг асосий вазифалари:

- ФҚТ қўлланилиши мумкин бўлган хўжалик субъектининг иқтисодий фаолиятини, товар, иш, хизматкаби жараёнларни аниқлаш;
- Таҳлил қилинадиган объектда бажариладиган функцияларни (асосий, ёрдамчи, ноқерак) ва уларнинг ҳар бирига кетадиган харажатлар миқдорини (пул, вақт бирлигида) аниқлаш;
- Ноқерак функцияларни бартараф қилиш йўли билан товар, иш, хизмат сифатини яхшилаган ҳолда, уларга кетадиган харажатларни камайтириш эвазига, корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг)

- умумий молиявий аҳволини яхшилашни таъминлаш;
- Шу йўл билан хўжалик юритувчи субъектнинг умумиктисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- Самарадорликни ошириш эвазига ушбу субъектнинг молиявий барқарорлигини, унинг рақобатга бардошлилигини таъминлаш, ишдаги ва бозордаги фаолитини кўтариш кабилардан иборатдир.

Ушбу вазифаларни бажариш корхоналарда бир ёки икки кишининг иши эмас. Иктисодий таҳлилни бир киши амалга ошириши мумкин. Аммо ФҚТни ундай қилиб бўлмайди. Буни бажариш учун ҳар бир хўжалик субъектида ФҚТ ўтказиладиган гуруҳ бўлишини тақозо қилади. Бу гуруҳга иктисодчи, менежер, маркетинг, бухгалтер, молиячилар, ички аудит ходимлари, илмий ходимлар (маслаҳатчилар) кириши лозим. Бунда «фикрлар ҳужуми», «етти марта ўлча», эвристик, мантикий, синектика каби кўплаб усуллардан фойдаланиш лозим.

2. Функционал-қиймат таҳлилининг ташкил қилиш тамойиллари.

Функционал – қиймат таҳлилини ўтказиш маълум бир, унинг ўзига хос булган тамойиллар асосида ташкил қилинади ва ўтказилади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ◆ Ижодий, янгича фикрлаш;
- ◆ Тизмийлик;
- ◆ Комплекслилик;
- ◆ Объектнинг функционаллиги;
- ◆ Харажатларни функционаллаиши;
- ◆ Фикрларнинг яқдиллиги (йигилганлиги).

Ижодий, янгича фикрлаш олдинги ечим ва қарорлардан, гарчи улар ҳозирги фурсатда яхши бўлса амалий жихатдан ўзини оқлаган бўлса ҳам, улардан рад қилиш аниқланади. Бу ерда, аҳоли – яхшини душмани тушунча муҳимдир.

Илмий-техникавий инкилоб, илмий-техникавий тараққиёт иктисодий жараёнларни тинимсиз такомиллашиб боришига томон ҳаракат қилишини, эскирган шу жумладан анъанавий ишлаб чиқариш қурол ва воситалардан, халқ истеъмоли товар ва хизматларидан воз кечиш ва уларни янгиларига ҳаракат қилиш ҳамда ташкилий-бошқариш қарорларини илмий асосланган вариантларини танлашни тақозо қилади.

Иктисодий таҳлилга хос булган **тизмийлик** Функционал-қиймат таҳлили жараёнида янада ёркинроқ намоён бўлади. Тизмий таҳлил, маълумки, объектни ягона бир бутун сифатида, юқори даражани эгаллаб турувчи тизимларга кирувчи, бошқа тизимчалар билан ўзaro ҳаракат қилувчи (таъсир кўрсатувчи) тизимча сифатида ўрганишни тақозо қилади. ФҚТнинг тизмийлиги ишлаб чиқариш – тижорат фаолиятини энг юқори рақобатбардошлигини ва фойдалилигини таъминловчи тизим ёки тизимча сифатида юқори техник- иктисодий самарадорликда ўз ифодасини топади.

ФҚТнинг **комплекслилиги** моҳияти шундаки, бунда принципиал янги маҳсулотни лойихалаштиришга булса уни сифати ва харажатларини аниқлаб беришга тегишли булган барча омилларни тадқиқ қилишдадир. Унинг таркибига: конструкциянинг барча турдаги объектларини, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилиш; барча турдаги ресурслар – меҳнат, материал, техник, энергетик, эстетик, молиявий-иқтисодий; буюм харакатининг барча босқичларини – лойихагача, лойиха, намуна нусхасини тайёрлаш, уни дастлабки (стендда) текшириш, урнатиш ва ишлаб чиқариш, сотишни ташкил қилиш, ишлатишдаги ишончлилиги ва ўзок муддатга яроқлилиги, ва нихоят уни тугатишдаги атроф муҳитга таъсири.

ФҚТнинг бошқа тамойиллари – объектни ва харажатларни функционаллиги ва фикрлар яқдиллигига кейинги совопларда ҳам тухталиш лозимлигини ҳисобга олиб бу ерда юкорида келтирилган тамойиллар изохи билангина чегараландик.

3. Функционал-қиймат таҳлилининг ўтказиш тартиби.

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бошқа шакллари сингари маълум кетмакетликда амалга оширилади. Аммо у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.. Бу қуйидаги босқичларда ўз аксини топади:

- ◆ тайёрланиш босқичи,
- ◆ ахборотларни тўплаш босқичи,
- ◆ таҳлил қилиш босқичи,
- ◆ ижодий босқич,
- ◆ тадқиқот босқичи,
- ◆ ҳулоса ва тақлифларни жорий қилиш босқичи.

ФҚТга тайёрланиш босқичида энг аввало, таҳлил қилгшадиган кўрсаткич, жараён, ходиса, фаолият каби таҳлил объекти аниқланади. Масалан, битта фирмада фақат бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, ёки унга жорий қилинадиган янги технология, шу фирмани бошқарувчи фаолият кабилар таҳлил учун объект сифатида танлаб олиниши мумкин. Баъзи ҳолларда фирманинг бутун фаолияти ҳам ФҚТнинг объекти бўлиши мумкин. Бу таҳлил олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқади.

ФҚТни ўтказиш учун бир қанча мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тўзилади. Ишчи гуруҳи қайси объектни қай тарзда, қанча вақтда таҳлил қилиш режасини, унинг кўтилаётган самарадорлигини аниқлаб олади ва шундан келиб чиққан ҳолда тегишли ахборотларни тўплашга киришади.

Ахборотларни тўплаш босқичида ишчи гуруҳи танланган объектни таҳлил қилиш учун тегишли маълумотларни (иқтисодий кўрсаткичларни, конструкторлик ечимларини, технологик жараён ҳужжатларини, патентларни, илмий-техник тавсиялар кабиларни) тўплайди, уларни бир тизимга келтиради ва ўрганади. Ўрганиш жараёнида объектда бажариладиган функцияларни аниқлаб чиқади ва шу функцияларнинг асосий, ёрдамчи ёки ноқерак эканлигини белгилаш билан бирга ҳар бир функциянинг бажарлиши

учун кетадиган харажатлар миқдорини ҳам (сарф қилинадиган вақтда, пулда) аниқлайди.

ФҚТнинг шу босқичида бажариладиган функцияларнинг таркибий тузилиши ва нокерак функцияларни бартараф қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Ахборотларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби; уни кимлар амалга ошириши ҳам айнан шу босқичда кўрсатиб берилади. Тегишли ахборотлар йиғилиб, улар бир тартибга келтирилгандан кейин ФҚТ ни бошлаш мумкин.

Таҳлил қилиш босқичида тўпланган ва бир тизимга келган ахборот манбаларига асосан бажариладиган ҳар бир функциянинг муҳимлиги—уни қолдириш ёки бартараф қилишлиги аниқланади. Шу босқичда бажариладиган функциялар бевосита корхонанинг ўзида (ичида) ва унинг ташқарисида қайсилари амалга оширилиши ҳам ўрганилади. Ўрганилаётган объектдан ташқарида бажариладиган нокерак функциялар аниқланиб қолинадиган бўлса, уларни бартараф қилиш йўллари кўриш лозим. Нокерак функциялар ҳоҳ ичкарида, ҳоҳ ташқарида бўлмасин, маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ҳеч қандай ижобий таъсир қилмасдан, сарфланадиган харажатларни кўпайтиради, таннархияи оширади, нархини қимматлаштиради.

ФҚТнинг ушғбу босқичида ҳар бир бажариладиган функция ҳам мукамал системали равишда таҳлил қилиб борилади. Бу асосий функция бўлсин. Аммо уни ҳам такомиллаштириб, шу функцияни кам харажат билан амалга ошириш йўллари ахтариб топиш лозим. Бунда таҳлилнинг барча усуллари (анъанавий ва иқтисодий математик) фойдаланилади.

ФҚТ орқали тежалган харажатлар энг аввало, маҳсулот сифатининг ёмонлашуви эвазига амалга ошмаслиги лозим. Сўнгра бу орқали тежалган харажат ФҚТни ўтказиш учун кетган харажатдан кам бўлмаслиги лозим. Бунда шуни кўзда тутиш керакки, ФҚТни жорий қилиш пайтида харажат кўпроқ бўлиши мумкин. Аммо ундан кейинги фойдаланиш давомида келадиган фойда бу харажатларни жуда қисқа муддатда қоплайдиган бўлиши керак. ФҚТнинг самарадорлиги фақат шу маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар миқдори билангина ўлчаниб қолмайди, энг муҳими унинг сифати ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилади. Шу туфайли ФҚТ нинг самарадорлигини ҳам бир канча кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда аниқлашни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси ФҚТнинг ижодий босқичида аниқлаш мумкин.

Ижодий босқич ФҚТнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ушбу босқичда ҳар бир зарур функцияларни бартараф қилиш бўйича ғоялар, тавсиялар тўпланади. Энг муҳими ушбу босқичда бирор маҳсулотни яратишдаги функцияларни такомиллаштириш билан бирга яратилаётган маҳсулотнинг ўзи ҳам такомиллаштирилади. Масалан, кичик электрон ҳисоблаш машинасини олайлик (КЭХМ). Буни яратиш учун, таъкидланганидек, функциялар уч гуруҳга бўлинади. Ижодий гуруҳ нокерак функцияларни бартараф қилиб унга кетадиган харажатларни камайтиради, асосий функцияларни такомиллаштириб сифатини оширади.

Энди иккинчи босқичда шу КЭХМнинг ўзни такомиллаштириш масаласи қўйилади. У биринчидан, ихчам, қўлай, енгил, энг муҳими барча зарур операцияларни бажара оладиган бўлиши керак. Бу учун унга қўшимча функцияларни бажаришни киритиш зарур бўлса шундай қилинади. Бу ижодай гуруҳ томонидан асосланади, бу учун ғоялар муҳокама қилиниб, баённома тузилади. Ушбу баённомада бир қанча ғоя ва тавсиялардан энг яхшиси танлаб олинади ёки қўп ғоядан битта такомиллашган тавсия ишлаб чиқилади.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир вариантда ифодаланган рояларни ҳам ижобий ва салбий гуруҳларга бўлиб чиқади. Сунгра ижобий ғояларни ҳам яна энг юқори самарали, самараси пастроқ гуруҳларга бўлинади. Охир оқибатда ғояларнинг энг самаралиси танлаб олинади ва ўртанилаётган объектга жорий қилишга айнни шу варианты тавсия қилинади.

Агарда ижодий гуруҳ биринчи сафар таҳлил қилинаётган объектни такомиллаштириш бўйича янги рояларни топмаса, бу ҳолда фаолиятни қайтадан бош-лайди. Агар бу сафар ҳам бирорта янги ғояни тавсия қилиш бўйича қарорга келинмаса, ҳозиргача ўша мавжуд ҳаракатдаги вариант сақланиб қолади ва ижодий гуруҳ бу объектни қайтадан функцияларни янада майдалаштириб чуқур ўргавишга киришади. Айнан худди шундай кетма-кетлик ва усуллар билан технологик жараёнлар ҳам ўрганилади ва такомиллаштирилади.

Таъкидланганидек, ФҚТ ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлланилади ва самарали фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистонда етиштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (айниқса мева-сабзавотларнинг) 35—30 фоизи нобуд бўлиб бормоқда. Бу жараёнга ФҚТни қўлласа, ўйлаймизки, ушбу маҳсулотларнинг нобудгарчилиги минимал даражагача қисқаради. Шу эвазига ФҚТ ни қўллашга кетган харажатлар юзлаб марта копланиб бўлади. Ҳозирги пайтда АҚШ, Япония, Англия каби йирик тараққий этган мамлакатларда таҳлилнинг ушбу шакли бежиз қўлланилаётган эмас. Буни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

ФҚТ да тадқиқот босқичи ҳам муҳим босқичлардан биридир. Унда танлаб олинган энг самарали вариантларни қўллаш, уларни амалиётга жорий қилиш йўл-йўриқлари ишланади. Айнан шу босқичда жорий қилинадиган тавсиянинг техник-иқтисодий самарадорлигига, унинг таҳлил қилинаётган объект сифати ва нархига қандай таъсир қилиши ўрганилади. Буларни амалга оширишда асосан эксперт усулидан фойдаланилади. Экспертлардан якка ва жамоа ҳолида фойдаланиш мумкин. Якка ҳолда бўлганда тегишли вазифани ҳар бир экспертга алоҳида топширади ва уларнинг ёзма фикри кейин умумлаштирилади. Экспертлардан жамоа шаклида фойдаланилса унда қўйилган масалалар шу ернинг ўзида муҳокама қилинади ва бир қўлай ечимга келинади.

Якка ҳолдаги экспертизанинг қўлайлиги шундаки, ҳар бир эксперт ўзича мустақил хулосага келади ва уни бирор ташқи фикр таъсирисиз қоғозга туширади. Аммо баҳо беришда ўзининг камчилигини илғамайди, жамоа усулида эса фикрлар ўртага ташланса ҳар бир киши ўз вариантнинг

камчиликларини англаб олиши мумкин. Бу яхши. Аммо кўп ҳолларда бирор бир яхши тавсия ўртага ташланса, ҳаммаси шунга қўшилиб қўя-қолиши мумкин. Бу эса ҳар бир экспертнинг ҳар бир вариант бўйича кенг фикрлаш имкониятини чегаралайди.

Экспертлар объектнинг вариантларини экспертиза қилганда кўп ҳолларда математик усуллардан кенг фойдаланишмоқда. Бу эса масалани ечиш учун жуда кўп қирралардан фойдаланиш ва ишни осонлаштириш имконини беради. Бу ишда энг аввало экспертларнинг тафаккуридан ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилади.

Хулоса ва тақлифларни жорий қилиш босқичи ФҚТнинг энг охирги ҳал қилувчи босқичидир. ФҚТ-нинг барча босқичлари орқали энг қўлай ва самарали вариант танланади. Эндиги энг муҳим вазифа шу танланган вариантни жорий қилишдир. Бу ишни амалга ошириш бир киши ёки бирорта бўлимнинг иши бўлмасдан бутун жамоа ишидир. Бунда ФҚТ гуруҳи билан бирга барча мутахассислар, ишчи ва хизматчилар иштирок этадилар. Энг муҳими, ФҚТ ни амалга ошириш учун яна қандай қўшимча моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар кераклиги аниқланади.

Агар таҳлил қилинаётган объект технологик жараён бўлса, яна қандай қўшимча жиҳозларни қайси йўналишда такомиллаштириш масаласи, бу учун қандай мутахассислар кераклиги (мавжудларини қайта ўқитиш ёки янги мутахассисни жалб қилиш), буларни амалга ошириш учун қанча пул маблағи зарурлиги каби масалалар кўрилади. Шу билан биргаликда ФҚТни жорий қилиш қанча самара бериши ҳам шу босқичда кўриб чиқилади. ФҚТни жорий қилишга кетган барча харажатлар улардан келадиган фойда эвазига бир неча марта қопланиши лозим. Шу туфайли ФҚТнинг самарадорлиги ҳам айнан ана шу босқичда асосланиши шарт. Бу учун ФҚТ ни амалга оширишга кетган харажатларнинг қолланиш даражаси, ундан келган фойда сўммасинияг (Ф) шу тадбирга кетган харажатга (Хар) нисбати билан аниқланади.

$$\frac{\Phi}{\text{Хар}} = \text{---}$$

Масалан, ФҚТни жорий қилиш 100 минг сўмлик моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни талаб қилади. Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича ФҚТни жорий қилиш бир йилда 300 минг сўмлик фойда келтиради. Бу ҳолда ФҚТга кетган харажатларнинг қопланиш муддати 4 ой бўлади, бир йилда харажатлар уч мартадан кўп фойда келтиради. (300,0:100). Бу фақат пулдаги ифодаси. Бундая ташқари ФҚТнинг маҳсулот, иш, хизмат, фаолият сифатини ошириш эвазига. Унинг рақобатга бардошлик даражасини ҳам кўчайтиради. Бу эса охир-оқибатда корхонанинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини таъминлайди.

ФҚТни қўллаш, жорий қилиш кетма-кетлигини аниқлаб олиш унинг муҳим жиҳатларидан биридир. Агар йирик концерн ёки фирма бўладиган бўлса, унга тегишли барча корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлил қилинади.

Агар таҳлил қилинаётган объектда унинг қайси бўлимида харажатлар кўп бўлса, яъни бир сўм товар маҳсулотига тўғри келадиган таннархнинг даражаси юқори бўлса ФҚТни айнан шу корхонага қўл-лашдан бошлайди. Бордини шу корхонада 6 та фаолият бўлса, улардан ҳам энг харажатдор фаолият танлаб олинади ва ФҚТ ни қўллаш шу фаолиятга тадбиқ қилишдан бошланади. Шундай қилиб, корхонанинг ёки таҳлил қилинаётган объектнинг такомиллашуви учун ФҚТнинг аҳамияти бекиёс эканлиги кўриниб турибди.

Келажакда ушбу таҳлилни барча босқичлари билан амалиётга жорий қилиш Ўзбекистонда нафақат макро, балки микроиқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши учун энг муҳим дастаклардан бири бўлади. Бунда албатта, бир гуруҳ олимлар тавсияси ёки бир-икки фирмага унинг усуллари жорий қилиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Бу давлат аҳамиятига молик масала. Буни чет мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

ФҚТ методологиясини жуда кўп йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, бошқарув, ишлаб чиқариш (ҳамма қирралари билан), хизмат каби йўналишлар кўзда тутилмокда. Бу келажакда маҳсулот, иш, хизмат сифатини ошириш, улар бўйича «Сифатнинг мутлақ даражасига» эришиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

4. ФҚТда қўлланиладиган усуллар

Эвристик усул. Эвристика грекча сўздан олинган бўлиб, топаман, маъносини билдиради. Бу тушунча фанга тадбиқ қилинадиган бўлса бирор жараён, ҳодиса, фаолият, объектнинг айнаи моҳиятини аниқлаш учун ҳазарий тадқиқотда қўлланиладиган мантикий усуллар мажмуасидан иборат бўлади.

Мантикий таҳлил ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, хусусан иқтисодиётни бошқаришда, уни таҳлил қилишда ҳам қўлланилади. Барча янгиликлар, улкан тадқиқотларнинг яратилиши энг аввало мантикий таҳлилга асосланади.

Мантикий таҳлилнинг қўлланилиш тарихи жуда узок. У инсоният тафаккур қилган вақтдан бошланган десак, хато бўлмайди. Аммо унинг фанга, олами ўрганишда бир мустақил усул сифатида кириб келиши ва шаклланиши XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу борада жаҳонда жуда кўп усуллар ишлаб чиқилган ва тўпланган. Уларнинг баъзиларини кўриб ўтаемиз.

Ўхшатиш усули. Мавжуд усулларни ўрганиб, шунга ўхшаш усулни ўз фаолиятига жорий қилишга айтилади. Ҳозирги пайтда корхона мутахассиси, менежерлари ўта зукко бўлишини талаб қилади, чунки бирор бир фирма жуда катта муваффақиятларга эришиши мумкин. Аммо унинг усули тижорат сири сифатида оммалаштирилмайди. Бу ҳолда шу фирма мутахассислари билан суҳбатлашиш, маслаҳатлашиш жараёнида асосий усулларни илғаб олиш мумкин. Бундан айниқса, чет эл сафарларида бўлганда, йирик фирмалар фаолияти билан танишганда муваффақиятга эришишнинг асосий, энг эътиборли томонларини ёдда сақлаб қолиш ва ўз фирмасида айнан шунга ўхшаш усулни қўллаш мумкин. Бу усулни жаҳон амалиётида ўхшатиш,

усули деб атайдилар ёки бир объектда (фирмада) юқори кўрсаткичга ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш усули билан эришилади. Айнан шу ёки шунга ўхшаш усулни сиз ҳам қўллашингиз мумкин.

Тасаввур усули. Бу усулда киши бирор нарсани яратаётган бўлса, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўради. Янгидан яратиладиган предмет бажарадиган барча функция ва жараёнларни бажариши мумкинлигини бутун тасаввуридан ўтказди. Агар бошқарув фаолиятига тавсия ишлаб чиқаётган бўлса, ўзини бошқарувчи ўрнида кўради, агар тавсия қилинаётган фаолият бажарувчига мўлжалланган бўлса, у ўзини бажарувчи сифатида тасаввур қилади. Барча бажариладиган жараёиларни, функцияларни айнан шу усул билан аниқлайдилар.

Тасаввур қилиш усулининг самарадорлиги кўп ҳолларда инсон тафаккури, унинг яратувчанлик савияси ва малакасига боғлиқ. Шу туфайли яратилаётган предметни канча аниқ тасаввур қилса, шунча унинг яратилиши осон кечади.

Идеаллаштириш усули. Бу усулда яратилаётган предмет, ходиса, фаолиятнинг, технология кабиларнинг барча мақсадларга жавоб бериши, арзонлиги, мустаҳкамлиги, сифатлилиги жиҳатидан тасаввуримиздаги энг қўлай варианти танланади. Идеал вариантни аниқлаб олиш учун ҳам шу ўрганилаётган объект устида ҳар бир мутахассис жуда кўп илмий тафаккур қилади. Идеаллигини исботлаш учун бу вариантдаги барча салбий жиҳатлар олиб ташланади.

Ҳар бир предметни яратишда ёки бирор жараёни бошқаришда унинг идеал варианти аниқланади. Шу вариант амалиётда қўлланилади. Қўлланилиш жараёнида ҳам у такомиллашиб боради. Оқибатда предметнинг (фаолиятнинг) идеал варианти вужудга келади. Демак, бу усул ҳам иқтисодий жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир.

«Йигирма тўрт»лик қоида. Бунда янги объектни (технология, маҳсулот, фаолиятни, бошқариш кабиларни) яратишга сафарбар қилинган мутахассислар ҳамма ташвишлардан озод қилинади. 24 соат давомида шу битта яратилаётган объект ҳақида ўйлайди, фикрлайди, тафаккур қилади. Янги туғилган ғояларни ёзиб боради. Шу йўл билан яратилаётган объектнинг мукаммаллашуви таъминланади.

«Йигирма беш»лик қоида. Бунда янги яратилаётган объектни яхшилаш учун камида 25 та ғоя ишлаб чиқилиши шарт. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу туфайли бу вазифани ўз зиммасига олган мутахассислар ўзлари таҳлил қилаётган объектини жуда яхши билиши, шу борадаги чоп этилган ва этилаётган илмий-услубий адабиётлардан хабардор бўлиши лозим. 25 та ғоя битта объектни такомиллаштириш учун ўз-ўзидан туғилмайди. Қелажакда бу усуллардан Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кенг фойдаланилади. Бу эса ҳозирги тайёрланаётган мутахассисларнинг ўта билимдон бўлишларини тақозо қилади.

Илғаб қолиш усули. Тадқиқотчига жуда кўп янги ғоялар ишлашга каттиқ киришган, ўйлаган пайтда эмас, балки, эркин тасодифий ҳолатларда,

айниқса дам олиб ўтирганда, йўлда кетаётганда, бирор киши билан суҳбатлашганда, бирорта ўйинни ўйнаётганда, ухлаётганда келиши мумкин. Айни шу пайтда янги ғояни илғаб қолиши лозим. Имкони бориचा шу пайт қоғозга ёки диктофонга ёзиб қўйилса жуда яхши. Буларнинг имкони бўлмаса ёнидаги шеригига эслатасан, деб айтиб қўйиши, ёки ўзи уни қаттиқ эслаб қолишга ҳаракат қилиши лозим, зеро жуда кўп янги ғоялар тасодифий туғилади, аммо у ўз яшаш тарихига эга бўлмасдан, амалиётда қўлланилмасдан йўқолиб кетади.

Ўзимизда одамлар илғаб қолиш учун бир қанча усуллардан фойдаланганлар. Масалан, рўмолчасини тугиб қўйган, бармоғига ип боғлаб олган, чўнтагига бирор предметни солиб қўйган ва ҳ. к. Бу ҳолатлар кишига келган тасодифий ғояларни яна қайта ёдга тушириш имконини берган.

Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули. Бу усул ҳозир Ўзбекистоннинг ўтиш шароитида жуда қўл келади, чунки у макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга қўмаклашиши мумкин. Масалан, бирор товарни, чет мамлакатларга чиқармоқчи бўлсак, энг аввало, унга шу товар қайси хусусиятга эга бўлиши, бунга товар олувчининг талаби нима ва қандай эканлиги инобатга олиниши лозим. Ҳамма қилинадиган иш, бажариладиган хизмат ва яратиладиган товарлар бевосита истеъмолчи талабидан келиб чиқади. Бу усул Ўзбекистонни жаҳонга танитиш учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан микроиқтисодиётда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи (тақлиф қилувчи) хўжалик субъекти истеъмолчи (харидор) талабларини тўлиқ ўрганади ва шундан келиб чиқади. Барча бажариладиган функция-ларни, зарур бўлса қўшимчаларни ҳам киритган ҳолда ўз товарининг истеъмолчига маъқул бўлиши учун ҳаракат қилинади. Бу эса товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчининг (тақлиф қилувчининг) бозордаги нуфузини оширади, хўжалик фаолиятини яхшилашни, молиявий жиҳатдан барқарорлаштишни таъминлайди.

Истеъмолчи талабига қанча мос товар, иш, хизмат) ишлаб чиқарилса шунча талаб кўпаяди, бозорда рейтинг ошиб боради. Бу-бозор иқтисодиёти шароитида бозорни эгаллаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

«Сифатнинг мутлақ даражаси»га эришиш усули. Бу – илмий-мантикий таҳлил натижасида эришиладиган кўрсаткич. Савдо хизмати сифатини аниқлаш учун асримизнинг 70-йиллари охирларида Самарқанд кооператив институти олимлари томонидан тавсия қилинган эди. Бунда товар, маҳсулот, иш хизмати кабилар сифатининг мутлақ даражаси қандай бўлишлиги ва унга эришиш учун нималар қилиш, қандай тадбирларни бажариш лозимлиги ишлаб чиқилади. Бундай андозани ишлаб чиқишга жаҳон талабидан келиб чиқмоқ лозим. Бунга эришиш макро- ва микроиқтисодиётда жудакатта самара беради. Сифат масаласи иқтисодиётнинг қайси шаклидан қатъи назар ҳамиша долзарб, ҳеч эскирмайдиган муаммо, мавзудир. Шу туфайли бу масалага иқтисодиётни бошқараётганлар ҳамиша катта эътибор беришлари шарт.

Ушбу кичик бўлимда эвристик таҳлилнинг жаҳон тажрибасида қўлланилаётган ва биз томондан ишлаб чиқилган айрим усулларга тўхталдик, ҳолос. Бу жуда кенг қамровли муаммо, мавзу. Ушбу усуллардан фойдаланиш Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг айниқса, ҳозирги босқичида жуда муҳимдир. Чунки биз ҳар куни, ҳар дақиқа сайин жаҳон иқтисодиётига, жаҳон бозорига жадаллик билан кириб бормоқдамиз. Биз бу майдонда ўз ўрнимизни топишимиз лозим. Аммо у ўз-ўзидан амалга ошмайди - бошқаришнинг илғор усулларида фойдаланишни тақозо қилади.

«Фикрлар ҳужуми» усули. «Фикрлар ҳужуми» бирор бир муҳим масалани, муаммони ҳал этиш учун ташкил қилинган бир қанча мутахассислар ва олимлардан иборат ижодий гуруҳнинг ғоялари мажмуасидир.

«Фикрлар ҳужуми» (ФХ)нинг яратилиш тарихи унча ўзоқ эмас. Бу функционал-қиймат таҳлили — (ФҚТ)нинг вужудга келиши билан бирга асримизнинг 40-йилларида пайдо бўлган. Унинг назарияси олдин собиқ нттифокда яратилган, аммо амалиётга қўлланилиши АҚШда амалга оширилган. Кейинчалик ФХ ва ФҚТдан кенг миқёсда фойдаланиш Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония каби саноати ривожланган мамлакатларга ёйилган. Ҳозир жаҳондаги саноати, умуман иқтисодиёти тараққий этган барча мамлакатларда ФХдан кенг фойдаланшмоқда.

ФХ ижодий гуруҳи йирик фирмалар, корпорация, концерн, тармоқ вазирликлари, ҳудудий маъмурият (ҳокимликлар) қошида ташкил қилинади. Уларнинг олдида аниқ вазифа қўйилади. Масалан, фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш. Бу борада гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўз ғояларини ишлаб чиқади. Бу ғоялар натижасида фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бир қанча варианты пайдо бўлади. Сўнгра ҳар бир вариант муҳокама қилиниб, улардан энг самарали жиҳатлари танлаб олинади ва битта вариант тўзилади.

ФХни амалга оширишда жуда катта ншонч ва эркинлик берилади. Ҳар бир киши ўз вариантини айтганда ҳеч ким эътироз бермаслиги керак, чунки унинг варианты яроксиз бўлса ҳам ичида маълум ижобий тарафлари бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳар бир киши ўз фикрини эркин ифода қилиши учун яхши муҳит яратилади. Бу билан биринчи учрашув якунланади.

Ҳаммаси ўртага қўйилган вариантларни муҳокама қилиш—ўйлаб кўриш учун маълум вақтга (2,3 кун, ҳафта) тарқалишади. Ижодий гуруҳнинг иккинчи учрашувида ҳақиқий фикрлар ҳужуми бошланади. Ҳар бир вариант ва уларнинг йўлйўриқлари муҳокама қилинади. Олдин ғоялар ичидан салбий таъсир қилувчи жиҳатлари чиқариб ташланиб, фақат ижобий таъсир қилувчи ғоялар қолдирилади. ФХ нинг навбатдаги босқичида ижобий ғояларни ҳам бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин: энг юқори самаралиси, самаралиси ва самараси камроғи, лекин барча ҳолларда ҳам объектнинг сифати яхши бўлиши шарт. Энди корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

ФХ гуруҳи томонидан ушбу тавсия қилинган вариантни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади. Бунда ушбу иш билан кимлар қайси

вақтда, қачон, қаерда шуғулланиши лозимлиги, буларнинг назоратини ким амалга ошириши ва натижаси бўйича кимларни рағбатлантириш ҳамда кимларга жазо чораларини қўллаш масалалари ҳам аниқ белгилаб қўйилади.

ФХ гуруҳига киритилган мутахассислар ва олимларнинг доимий равишда, имкони борича бир вақтда учрашиб туришларини ташкил қилиш лозим. Масалан, ҳафтанинг ёки ойнинг маълум куни ва соатида. Бу эса гуруҳ аъзоларининг самарали ишлаши учун асосий эргономик омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

ФХ нинг жаҳон тажрибасида синалган бир қанча усуллари мавжуд. Буларга якка ҳолдаги ФХ, оммавий ФХ, ёзма ФХ, ғояларни баҳолаш ФХ ва бошқалар киради.

ФХ нинг якка ҳолдаги усулида ҳам эвристик таҳлил усули сингари бир муаммони ҳал қилиш юзасидан фақат бир киши ёки бир хил мутахассислар гуруҳидан таркиб топган бир қанча кишилар иштирок этади. Масалан, фирма ишининг самарадорлигини ошириш учук фақа бухгалтерлардан иборат ижодий гуруҳ ташкил қилиниши мумкин. Ушбу гуруҳнинг бевосита вазифасидан келиб чиққан ҳолда улар олдига бир қанча муам-моларни ҳал қилиш вазифаси қўлланилади. «Бухгалте-рия ҳисобини такомиллаштириш ва, унинг кўрсаткичлари таҳлилин яхшилаш», «Иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш», «Бухгалтерия ҳисобидаги камчиликларни аниқлаш» ва ҳ. к. Менеджер ва маркетинглар бўлса «Қорхонанинг ишдаги ва бозордаги фаоллигини ошириш», «Қорхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш», каби муаммоларни қўйиш мумкин.

Булардан ташқари битта мутахассис олдига ҳам битта вазифани қўйиш мумкин. Ҳозирги пайтда кўп ҳолларда корхона (ташкилот) раҳбари бош қотиради. Аммо унинг малакаси кенг қамровли, фаолиятнинг барча соҳаси учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли муаммоларни ҳал қилишда жамоатчилик фикридан ҳам кенг фойдаланиш лозим.

Амалиётда шундай муаммолар борки, уларни бир хил мутахассислар ҳал қила олмайди. Масалан, «Вилоят иқтисодиётини барқарорлаштириш муаммоси». Бунга бир қанча соҳа мутахассислари, олимлар кабилардан таркиб топган нуфўзли катта гуруҳ ташкил қилиш мумкин. Бундай ҳолда ФХ нинг оммавий усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФХ нинг ёзма усули мутахассисларни бир жойга тўплаш имкони бўлмаган пайтда қўлланилиши мумкин. Бу усул жаҳон амалиётида кам қўлланилсада, унинг ижобий томонлари мавжуд. Хусусан, мутахассис ўз фикрини атрофлича эркин ҳолатда ифодалайди ҳамда икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчиси, мутахассис олдига аниқ савол қўйилади ва ёзма равишда жавоб ёзиб юбориш талаб қилинади. Иккинчи усул эса анкета усули бўлиб, бир қанча қисқа саволлар қўйилади ва унга қисқа жавоб бериш талаб қилинади. Аммо бу усулнинг камчилиги ҳам мавжуд, чунки мутахассис фақат ўз фикри билан чегараланиб қолади, муҳокамага иштирок этмайди, бошқа вариантни эшитиб ўз тавсиясини бойитиш имконига эга бўлмайди. Лекин кам ха-ражат талаб қилади.

ФХ нинг ғояларини баҳолаш усули жаҳон тажрибасида кенг қўлланилади. Бунда махсус ташкил қилинган, масалан ҳокимият қошидаги ФХ гуруҳи эксперт ролида иштирок этади. Бунда бир масала юзасидан анжуман (илмий-амалий конференция) ташкил қилинади. Бу уч қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмида бир соат ҳамма иштирокчилардан хоҳлаган киши ўз ғоясини 5 дақиқада қисқа баён қилади. Ғоялар, тақлифлар тугагач 45 дақиқа танаффус эълон қилинади. Бу анжуманнинг иккинчи қисмини ташкил қилади. Бунда мутахассислар бир-бири билан ўз ғояларини ва бошқаларнинг энг яхши ғояларини ўртоқлашиш учун имконият яратилади.

Ғояларни баҳолашнинг учинчи босқичи яна расмий ҳолатда залда ўтказилади. Бунда анжуман бир соат давом этади ва энг яхши ғоялар муҳокамасига, янги ғояларнинг ўртага ташланишига имконият яратилади. Буларнинг ҳаммасини махсус ФХ гуруҳи (экспертлар) ҳисобга олиб боради. Конференция натижаси бўйича экспертлар гуруҳи энг яхши ғояларни танлаб олади ва шу ғояни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ишлаб чиқади. Албатта, бу ерда яхши ғоя муаллифини рағбатлантиришни ёддан чиқармаслик керак. Яхши ғоя сотиб олиниб, шу фирма ёки компаниянинг интеллектуал мулкига айланиши мумкин.

ФХ нинг мунозара усулини ҳам қўллаш мумкин. Бунда бирорта муаммо юзасидан матбуотда ёки кичик рисола (варақа) тарзида ғоя баён этилади ва у кенг ўқувчилар, мутахассислар, олимлар ҳукмига ҳавола қилинадики, бунда ҳар бир киши, мутахассис шу муаммо юзасидан ўз фикрини билдирсин. Фикрлар, тавсиялар экспертлар (махсус ФХ гуруҳи) томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли хулосаларга келиш мумкин. Агар муаммо жуда мураккаб бўлса, экспертларда тегишли хулоса чиқариш имкони бўлмаса, барча ғоялар ва тавсиялар махсус тўпلامда чоп этилади ва яна ўша мутахассисларга, олимларга тарқатилади. Ҳаммаси маълум фикрга келгач, яна тўпланиб илмий-амалий конференция ўтказиш мумкин.

Хуллас, бу усулларнинг ҳаммасидан Ўзбекистон, хусусан вилоятимиз иқтисодиётини бошқаришда, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

5. ФҚТ самарадорлиги

ФҚТ самарадорлигини аниқлашда ҳам самарадор-ликнинг умумий методологиясидан келиб чиққан ҳолда натижанинг харажатларга нисбати билан ўлчаниши-ни нобатга олиш лозим. Бу ҳолда ФҚТ самарадорлигини аниқлаш концепциясига куйидаги матсма-тик моделда ифодалаш мумкин:

$$K_{исj} = \frac{\sum N_{ij}}{\sum X_{ij}} ==> \max$$

бу ерда, $K_{исj}$ - ФҚТнинг j-объектдаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

N_{ij} - i-натижанинг j-объектдаги номи;

X_{ij} - i -харажатнинг j -объектдаги номи;

Σ - жамлаш белгиси

i - натижа ёки харажатларнинг тартиб сони ($i = 1, n$);

j - ФҚТ ўтказилаётган j -объектнинг тартиб сони ($j = 1, m$);

n - натижа ёки харажатнинг умумий сони;

m - ФҚТ ўтказилаётган объектнинг умумий сони;

Одатда ФҚТдан фойдаланиш фақат унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан чекланади. У юксак ижтимоий самара (K_{cc}) ва юқори сифат даражасига (K_c) эришиш учун ҳам асосий иқтисодий дастаклардан биридир. Буларнинг боғлиқлигини назарий жиҳатдан қуйидаги математик модел билан ифодалаш мумкин:

$$K_{KC} = K_{ncj} * K_{ccj} * K_{cj} = \max$$


бунда K_{KC} - ФҚТ ни қўллашда эришиладиган самарадорликнинг комплекс кўрсаткичи.

Ушбу ишда ФҚТ нинг фақат иқтисодий самарадор-лиги ҳақида гап юритилади. ФҚТ ни жорий қилганда унинг самарадорлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Фараз қиламиз: ҳар бир сўм харажат бир сўм натижа беради. Буни бир қанча вариантларда кўриб чиқамиз.

1-вариант. Харажатлар (X) ва натижа (H) бир - бирига мос равишда ўсган. Харажатлар 10 дан 50 гача бир хил ўсиб бориши билан натижа ҳам шунга мос равишда ортади.

1-вариант. Харажатлар ва натижаларнинг ўсиш суръати бир хил бўлганда.

H	10	20	30	40	50	...
X	10	20	30	40	50	...




II-вариант. «H»нинг ўсиш суръати «X» ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлса, яъни $H_{yc} > X_{yc}$ ёки $X_{yc} > H_{yc}$ ҳолда кўзланган натижага харажатларни тежаш эвазига эришиш мумкин. Ушбу вариантда 1-вариантга

нисбати тежамкорлик (Т) 30 дан 50 гача масофага, яъни **bc** чизиқнинг **cd** га кўпайтмасига тўғри келадиган майдонга тенг: **$T = bc * cd$** .

II-вариант. Харажатлар ўсиш суръатига нисбатан натижа ўсиш суръати юкори булганда.


Натижа	10	20	30	40	50	...
Харажат	10	20	30	40	50	...



III-вариант. «X»нинг ўсиш суръати (X_{yc}) «H»нинг ўсиш суръатига нисбатан катта бўлганда $X_{yc} > H_{yc}$ ёки $H_{yc} > X_{yc}$ маълум белгиланган харажат тегишли натижани бермайди. Бу ҳолда I-вариантга нисбатан қилинган харажатнинг самарасизлиги (cc) рўй беради. Бунинг ҳажми ав нинг bc га кўпайтмасига тенг: **$CC = ab * bc$** .

III-вариант. Харажатлар ўсиш суръатига нисбатан натижа ўсиш суръати паст бўлганда

H	10	15	20	25	30	...
X	10	20	30	40	50	




1У-вариант. ФҚТ ни жорий қилиш натижасида бир хил натижани (Н) «X»нинг ўсиш суръатини ўзлуксиз камайтирган ҳолда ҳам эришиш мумкин:

$X_{yc} \rightarrow \min = H \rightarrow 40$. У ҳолда ушбу жараённинг фойдалилик майдони авс бурчакдан (ава) ўзлуксиз равишда ас чизик сари кенгайиб боради. Фойдалилик майдонини геометрик йўл билан тўғри бурчакли учбурчакнинг юзасини аниқлаш формуласини қўллаб ечиш мумкин.

IV-вариант. Харажатларни камайтирган ҳолда натижани бир хил даражада сақлаб тўрганда

H	40	40	40	40	40	...
X	50	40	30	20	10	



V-вариант. Бунда ФҚТ натижасида «X»нинг ўзлуксиз камайиб боришига ($X_{yc} \rightarrow \min$) ва «H»нинг ошиб боришига ($H \rightarrow \max$) эришиш мумкин: $X_{yc} \rightarrow \min = H_{yc} \rightarrow \max$. Бу ҳолда фаолиятнинг бошланиши анча зарарли бўлади, чунки 50 сўм харажат 50 сўм натижа бериши керак эди. Аммо бу ерда 50 сўм харажат фақат 30 сўм натижа берди, ҳолос. Бироқ ФҚТ ни жорий қилиш эвазига харажатларни энг кам миқдорга (10), натижани энг кўп миқдорига (50) олиб келинди. Бу вариантда харажат қанча камайиб бориши билан натжка ҳам шунча ошиб борди. Фойдалилик майдони бу ҳолда иккита тўғри бурчакли учбурчак йиғиндисига тенг бўлади ёки уни тўртбурчакнинг юзасини аниқлаш йўли билан ҳам топиш мумкин:


$$\Phi = ad * db$$

VI вариант. ФҚТ натижасида харажатларни ўзгартмасдан натижанинг вертикал кўпайишига эришил-ди, деб фараз қиламиз. У ҳолда фаолият зарар билан бошланади. Аммо маълум даврдан сўнг кескин фойда олишга эришилади. Бу ҳолда унинг фойдалилик майдони (Φ) «ав»нинг «вс» чизиғи кўпайтмасига тенг бўлади:

$$\Phi = av * вс$$

VI-вариант. Харажатларни ўзгартирмасдан туриб натижани вертикал равишда оширган тақдирда

H	10	20	30	40	50	...
X	30	30	30	30	30	...



Ушбу чизмаларда ФҚТни қўллаш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган айрим вариантларни кўрдик, ҳолос. Булар таҳлилнинг ушбу шаклини методологик жиҳатдан ўзлаштириш учун келтирилган мисоллардир. Амалиётда эса қанча иқтисодий жараён бўлса, ўшанча вариант бўлиши табиий. Шу туфайли ФҚТ ни амалцётга қўллашда чегара йўқ.

7. Функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш тажрибалари ва истикболлари

ФҚТнинг вужудга келиш тарихи XX-асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Бу таҳлилнинг пайдо бўлиши объектив заруратдан келиб чиққан. Иқтисодиётда шундай вазият вужудга келадик, энди мақсадсиз харажатларни бартараф қилиб корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш эвазига кўпроқ фойда олиш зарурати туғилди. ФҚТнинг методологияси биринчи марта собиқ иттифоқ даврида 40-йилларда рус конструктори пермлик Ю. М. Соболев (Перм телефон заводи) томонидан ишлаб чиқилган.

Шу даврларда АҚШда ҳам бир гуруҳ олимлар ФҚТ методологиясини яратиш бўйича муҳандис Л. Майлсон (General Electric фирмаси) раҳбарлигида иш олиб бордилар. Сўнгра таҳлилнинг бу тури Ғарбий Европа ва тараққий этган йирик мамлакатларга (Англия, Германия, Япония ва ҳ. к.) тарқалди. Шуни таъкидлаш лозимки, ФҚТ собиқ иттифоқда биринчи марта яратилишига қарамасдан, унинг амалиётда қўлланилиши орқада қолди. Шу туфайли АҚШда таҳлилнинг бу тури амалиётга биринчи марта жорий қилиниши билан характерланади. Бу эса ФҚТнинг Ватани АҚШ деган тушунчани вужудга келтирди.

Собиқ иттифоқда ФҚТдан амалиётда фойдаланиш 70-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. 1974 йилдан бошлаб у электротехника саноатида, 80-йиллардан эса машинасозлик саноатида қўлланилди.

ФҚТнинг такомиллашиши шу асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бу даврда шу соҳа бўйича жуда кўплаб адабиётлар яратилди. Бунда олимлардан Б. И. Майданчик, М. Г. Карпунин, Н. Қ. Моисеева, В. П. Салтикова, Р. Волчек, А. Д. Шеремет, А. П. Селезнев кабилар катта ҳисса қўшдилар. Бу

олимлар ФҚТ бўйича монография, дарслик, ўқув ва амалий қўлланмалар яратдилар. Хуллас, ФҚТнинг назарий ва амалий асоси яратилди.

1985 йилда Рига шаҳрида ФҚТдан фойдаланиш бўйича иккинчи Бутуниттифоқ симпозиуми, 1986 йилда Чехословакияда ФҚТни қўллашга бағишланган тўққизинчи Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Бу тадбирлар ФҚТни иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг-қўламда қўллашиш имконини берди. Шундай қилиб, 90-йилларга келиб ФҚТ ўзининг назарий асосига, амалий тажрибасига эга бўлди ва иқтисодий таҳлилнинг бир шакли сифатида мустаҳкамланди.

10-Мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АХБОРОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Режа

1. Иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тартиби.
2. Иқтисодий таҳлилни ташкилий шакиллари ва ижрочилари.
3. Аналитик ишларни режалаштириш.
4. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот таъминоти.
5. Иқтисодий таҳлилда бошланғич маълумотларни тайёрлаш ва аналитик ишлаш.
6. Таҳлил натижаларини хужжатли расмийлаштириш.
7. Иқтисодий ахборотларни компьютерда ишлашни ташкил қилиш.

1.Иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тартиби.

Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш куп жихатлдан бошқариш қарорларининг асосланганлиги, ўз вақтдалилиги ва мақсадга мувофиқлигига боғлиқ. Буларнинг ҳаммасига таҳлил жараёнида эришиш мумкин. Бироқ, фақат хўжалик юритиш натижаларини аналитик тадқиқотлари бўйича ишларни тугри ташкил қилиш орқалигина унинг самарадорлигини ва ҳаракатчанлигини таъминлаш, хўжалик юритиш жараёнларига асосли таъсир кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш бир қатор талабларга мос келиши керак.

Иқтисодий таҳлил олдида қўйиладиган талабларнинг дастлабкиси – бу унинг **илмий характеридир**. Амалий жихатдан бу таҳлил энг янги фан ютуқларига ва илғор тажрибаларга асосланишини, аниқ бир корхона доирасида ҳам иқтисодий қонунлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинишини ва илмий **асосланган услубиёт асосида ўтказишни** тақазо қилади.

Иқтисодий таҳлилни ўтказиш бошқариш қарорлари қабул қилишга у ёки бу даражада алоқадор булган ҳар бир раҳбар, ҳар бир булим бошлиги, ҳар бир мутахассиснинг хизмат вазифасининг таркибий қисмига айланиши керак. Шу нуқтаи назардан иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг яна бир талаби – таҳлилни ўтказишда уни айрим **ижрочилари уртасида вазифаларни асосли тақсимлаш** келиб чиқади.

Таҳлил олдида қўйиладиган яна бир талаб бу аналитик ишлар албатта **самарали бўлишлигидир**, яъни тарофлича ва чуқур таҳлил ўтказишни таъминловчи ҳаражат имкони борица минимал ҳажмда бўлиши керак.

Таҳлилий жараёни муваффақиятли ўтказишнинг гарови уни ҳар томонлама пухта ташкил қилишдир. Таҳлилий жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Таҳлил дастурини тўзиш;
2. Таҳлилни ахборот ва услубий таъминлаш;
3. Дастлабки таҳлил ўтказиш;
4. Омилли таҳлил ўтказиш;
5. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

Дастурсиз бажариладиган таҳлил, ёхуд ўрганиладиган масалалар кўламини аниқ белгиламаслик ўз навбатида таҳлил натижаларига путур етказди. Шунинг учун таҳлилий ишларни ташкил қилиш борасидаги энг масъулиятли вазифа - иқтисодий таҳлил дастурини тўзиш ҳисобланади.

2. Иқтисодий таҳлилни ташкилий шакллари ва ижрочилари

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти авваламбор, ушбу корхонанинг ходимлари томонидан таҳлил қилинади. Корхоналарнинг хўжалик ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш асосан режа иқтисод, бухгалтерия ва молия бўлимларининг вазифасидир. Амалиётда иқтисодий таҳлилнинг турли ташкилий шаклларида фойдаланилади. Булар жумласига иқтисодий таҳлил бюрolari, иқтисодий таҳлил лабораториялари ва иқтисодий таҳлилнинг жамоатчилик бюрolarини киритиш мумкин. Кейинги вақтларда катта ва йирик корхоналар таркибида Иқтисодий лабораториялар ташкил қилиниб улар Иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда шуғулланмоқдалар.

Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини Иқтисодий таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналар ҳисоботини тасдиқлайдилар, ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини объектив (ҳолисона) баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар. Иқтисодий таҳлил қилиш билан молия ва солиқ идоралари, банк ходимлари ҳам шуғулланадилар. Улар авваламбор, сўм билан назорат қилиш, корхона ва ташкилотларнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига тааллуқли масалалар билан қизиқадилар. Статистика идоралари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Улар қабул қилинган ҳисобот ва статистик маълумотларни статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар ва бошқармаларни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайдилар.

3. Аналитик ишларни режалаштириш.

Таҳлил дастурининг ҳажми ва мазмуни ундан кўзланган мақсадга боғлиқ. Масалан, таҳлил комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Бунда корхона ва ташкилотлар фаолиятини ҳамма томонлари чуқур ўрганилади. Ёки ишнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олган тематик (танланма) таҳлил бўлади. Комплекс таҳлил ўтказилганда ойлик, кварталлик ва йиллик ҳисобот материаллари асосида таҳлилий баёнот ёзишда қўлланиладиган жадваллар макети олдиндан тўзиб олиниши керак.

Комплекс таҳлил режасида қўйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- ◆ Таҳлилни мақсади ва вазифалари;
- ◆ Асосий муаммоларни ўрганиш даврийлиги;
- ◆ Куриладиган совоплар руйхати;
- ◆ Таҳлил ўтказиш субъекти;
- ◆ Маълумотлар манбаи;

- ◆ Аналитик ҳужжат айланиш схемаси;
- ◆ Хар бир ҳужжатни муддати ва манзили;
- ◆ Хар бир ҳужжатни мазмуни.

Тематик таҳлил эса, корхонани у ёки бу томонини чуқурлаштириб ўрганишни ўз олдига мақсад қили қояди. Тематик таҳлилда қўйидагилар кўрсатилади: таҳлил ўтказиш объекти, субъекти, босқичлари, муддатлари, ижрочилари ва бошқалар.

4.Иқтисодий таҳлилнинг ахборот таъминоти.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбаълари қуйидагилар:

I. Режага оид маълумотлар манбалари:

1. Истикболни белгиловчи режалар;
2. Жорий – бизнес-режа маълумотлари.
3. Оператив режалар;
4. Хўжалик ҳисоби топшириқлар;
5. Технологик карталар;
6. Норматив материаллар;
7. Сметалар ва бошқалар.

II. Учетга оид маълумотлар манбаи.

1. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи;
2. Статистик ҳисоб ва ҳисобот;
3. Оператив (тезкор) ҳисоб ва ҳисобот.

III. Учетга оид бўлмаган маълумотлар манбаи:

1. Расмий ҳужжат маълумотлари (қонунлар, президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий органлар қарорлари, юқори ташкилотлар буйруқлари, аудиторлик ҳисоботлари, корхона раҳбари қарор ва фармонлари);
2. Хўжалик-ҳуқуқий ҳужжат маълумотлари (шартномалар, келишувлар, хўжалик суди ва арбитражлари ҳуқумлари, рекламациялар);
3. Корхона жамоасининг умумий йиғилиши ёки меҳнат жамоаси кенгаши йиғилиши қарорлари ;
4. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси ҳақидаги маълумотлар (масалан интернет, радио, телевидения, газета ва журнал маълумотлари);
5. Техник ва технологик ҳужжатлар;
6. Алоҳида ишчи уринларини текшириш маълумотлари (хронометраж, расмга олиш ва х.к.);
7. Огзаки ахборотлар (корхона ва бошқа корхона ходимлари билан учрашувда олинган).

Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз маълумотларни Иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобидан олади. Таҳлил қилиш жараёнида йиллик ҳисоботга ёзилган изоҳнома ҳам ҳар томонлама кўриб чиқилади. Таҳлил қилиш жараёнида ҳисобдан ташқари маълумотлардан ҳам фойдаланиш катта самара беради. Буларга: текшириш ва тафтиш актлари,

молия ва солиқ идоралари, банкнинг бажарган таҳлил натижалари, лаборатория ва таъбиат назорати материаллари, корхона меҳнат жамоасининг умумий мажлиси материаллари кирилади.

5. Иқтисодий таҳлилда бошланғич маълумотларни тайёрлаш ва аналитик ишлаш.

Жорий ҳисобда берилмайдиган маълумотларни аниқлаш катта аҳамиятга молик. Масалан, ишчиларнинг бекор туриб қолиш сабабларини аниқлаш учун бевосита кўзатув олиб бориш керак. Бунда иш кунини фотография қилиш орқали ёки ушбу участкада банд бўлган ишчилар, муҳандислар ва бошқа ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш орқали юқорида айтилган камчиликларнинг сабаблари аниқланади. У ёки бу ахборотлар манбаидан фойдаланиш таҳлил дастурини тўзишда ҳисобга олиниши керак. Маълумотларнинг тўғрилигини ва аниқлигини текширишдан сўнг уларни қайта ишлашга ўтилади.

Иқтисодий таҳлил қилишнинг самараси авваламбор, ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳисоб ва ҳисобот материалларини текшириш керак. Амалда маълумотларни текширишнинг бир неча усуллари мавжуд:

1. Мантикий;
2. Арифметик (шахмат баланси);
3. Такрорланувчи кўрсаткичларни солиштириш;
4. Ўзоро боғлиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш;
5. Карама-карши текшириш.

Юқорида санаб ўтилган таҳлилнинг маълумотлар манбасини текшириш усулларида ташқари шунингдек, ҳисоботларни тўзиш қоидаларига амал қилиш ҳам текширилади. Ушбу текшириш ўз ичига қуйидагиларни олади: ҳисобот шакллариининг тўғри тўлдирилиши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга мос келиши, айрим миқдорий кўрсаткичларни аниқлашда арифметика амалларини тўғри қўлланилганлиги кабилар. Ҳисобот шакллари ва ҳужжатларда ҳеч қандай тўзатиш ёки рақамларни ўчириб қайта ёзиш асло мумкин эмас. Ҳисобот шакллари директор ва бош бухгалтер томонидан имзоланган бўлиши керак.

Такрорланувчи кўрсаткичларни солиштириш усулининг моҳияти шундаки, бунда турли ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар сўммасининг бир - бирига мос келиши текширилади. Ушбу текширишнинг моҳияти қуйидагидан иборат: Бир қанча Иқтисодий кўрсаткичлар турли ҳисобот шаклларида берилди ва бинобарин, ҳисобот тўзишда ана шу Иқтисодий кўрсаткичлар суммаси бир-бирига тўғри келиши шарт. Масалан, устав капиталининг миқдори 1-шакл (баланс) ва 5-шакл (хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот) ёки асосий фондларнинг суммаси 1-шакл (баланс) ва 3-шакл (Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот) берилди ва ҳ.к.

Текширишнинг ушбу усулини аниқроқ тушуниш учун куйидаги жадвални ҳавола қиламиз:

Турли ҳисобот шаклларида берилган Иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши.

10.1 - жадвал

Тартиб №	Кўрсаткичлар	1- шакл			2-шакл			Мос келиши тўғрисидаги белги
		Шакл №	Қатор ва устун	Сумма (минг сўм ҳисобида)	Шакл №	Қатор ва устун	Сумма (минг сўм ҳисобида)	
1	Устав капитали	1	410/3	8 937	5	010/3	8 937	мос
	йил бошига	1	410/4	8 937	5	110/3	8 937	мос
2	Асосий	1	010/3	13 397	3	170/3	13 397	мос
	воситалар	1	010/4	13 513	3	170/6	13 513	мос
3	Резерв	1	430/3	6 763	5	010/5	6 763	мос
	капитали йил	1	430/4	7 983	5	110/5	7 983	мос
	бошига							
	йил охирига							

6.Таҳлил натижаларини ҳужжатли расмийлаштириш.

Ҳисобот маълумотларини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш усулларидан бири таҳлилий жадвалларни тўзиш ҳисобланади. Жадвалга таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг база ва амалдаги даражаси киритилади, мутлақ фарқ аниқланади, кўрсаткичларнинг ўсиш суръати аниқланади ҳамда тегишли хулоса ёзилади. Таҳлилий жадвалларнинг устунлиги ва афзаллиги шундан иборатки, у ҳам бўлса, кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши жуда ҳам аниқ ва кўргазмали тарзда намоён бўлади.

Таҳлилнинг сўнгги босқичи унинг натижаларини расмийлаштириш ҳисобланади. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда маълумотнома ёки изоҳнома ёзилади. Изоҳномада корхона ва ташкилотларнинг ҳўжалик фаолиятида қўлга киритилган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу ўринда айниқса, аниқланган ички ҳўжалик резервларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш йўллари кўрсатилади. Изоҳнома жуда ҳам қисқа ва мазмунли баён этилиши лозим.

7.Иқтисодий ахборотларни компьютерда ишлашни ташкил қилиш.

ЭХМ ларни таҳлил ишларда қўлланиши катта самара беради. Бунинг натижасида бир томондан вақтдан ютилса, иккинчи томондан бир қанча омилларни хўжалик фаолияти натижаларига таъсирини ўрганиш имкониятини яратади, қайсики бундай ишларни анъанавий усуллар ёрдамида оддий ҳисоб китоблар ёрдамида бажаришни имкони йўқ.

Хозирги кунда ШЭХМ иқтисодчи ва бухгалтерларни асосий иш курули бўлиб ва уларни меҳнати автоматлаштирилган меҳнат бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисоди шароитида таҳлилий ишларни кенгайтириш, турли мулк шаклида асосланган хўжаликларни иш юритишини ўрганиш ва уларни самарадорлигини аниқлаш учун ШЭХМ дан фойдаланиш зарурат бўлиб қолади. ШЭХМ дан самарали фойдаланиш йўлларида бири улар асосида бухгалтер, иқтисодчи ва бошқа мутахассислар учун автоматлаштирилган ишчи ўрни (АИЎ) яратишдир. Бу борада республикада мутахассислар катта тажрибага эгалар. Компютер ёрдамида таҳлил этишни ташкил этиш блок -схемаси қуйида келтирилган.

ШЭХМда таҳлил қилишни ташкил этишни блок-схемаси.



Таҳлил ишларини АИЎни асосини хўжалик фаолияти комплекс таҳлил этиш усулларини амалий дастурлар мажмуи (АДМ) ташкил этади. Таҳлил ишларини асосий вазифаларини куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1. Хўжалик фаолиятини умумлаштирилган кўрсаткичлари комплексини аниқлаш.*
 - 2. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш.*
 - 3. Маҳсулот ҳажминини таҳлили.*
 - 4. Асосий фондлардан ва жиҳозлардан фойдаланишни таҳлили.*
 - 5. Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлили.*
 - 6. Меҳнат ресурслари ва иш ҳақидан фойдаланишни таҳлили.*
 - 7. Маҳсулот таннархини таҳлили.*
 - 8. Фойда ва рентабелликни таҳлили.*
 - 9. Молиявий ҳолатни таҳлили.*
 - 10. Хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил этиш.*
- АДМ диалог тарзида ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.- Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботларни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари, Т., Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1999
4. Абдуллаев Е.А., Ибрагимов А., Рахимов М., 100 савол-жавоб., Т., Мехнат, 2001
5. Ақромов Э. Молиявий таҳлил. Тошкент, 2002 йил.
6. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М., Финансы и статистика, 1999.
7. Бочарев В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций .-М.: Финансы и статистика, 2001.
8. Бочарев В.В. Финансовый анализ.-СПб: Питер, 2001
9. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил.-Т.: Молия, 2000.
10. Ибрагимов А. Вахобов А.В.Ю Молиявий таҳлил.- Т.: Шарк, 2002.
11. Ибрагимов А. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси фанидан масалалар туплами. Тошкент, 2000.
12. Ковалев В.В., Волкова О. Н., Анализ хозяйственной деятельности предприятия , М., Проспект, 2000.
13. Колин Друри, Управленческий и производственный учет 5- изд., 2000
14. Ковалев В.В., Патров В.В. Как читать баланс., Москва, Финансы и Статистика, 1998.
15. Пардаев М.К., Исроилов Б.И., Иқтисодий таҳлил , Т., 2001.
16. Пардаев М. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарканд, 2001
17. Пардаев М. Иқтисодий таҳлил. Тошкент, 2002 .
18. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил, Тошкент, Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1999
19. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси, Самарканд: Зарафшон, 2001
20. Савицкая Г. В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий, Минск "Вышэйшая школа", 2000
21. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО "Новое знание", 2002.
22. Стражев В.И. Анализ хозяйственной деятельности в промышленности. Минск, "Вышэйшая школа", 1998.
23. Хасанов Н., Нажбидинов С. Корхона молиявий ҳисоботлари баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш Т., Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
24. Хорнгрен Ч., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: Управленческий аспект., М. Финансы и статистика. 2001
25. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. – Москва.: ИНФРА – М, 2004.
26. Шадрин Г.В. Теория экономического анализа. – Москва. 2004.

1-Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, МАЪМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ		3
1.	Иқтисодий таҳлил ва билиш назарияси.	3
2.	Иқтисодий таҳлилнинг предмети.	4
3.	Иқтисодий таҳлилнинг маъмуни ва вазифалари.	6
4.	Иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойиллари.	7
5.	Фанлар тизимида Иқтисодий таҳлилнинг ўрни.	8
2-Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА УСУЛЛАРИ		10
6.	Иқтисодий таҳлилнинг методи.	10
7.	Иқтисодий таҳлилда тизмий ёндашиш услубияти.	12
8.	Комплекс таҳлил ўтказиш услубияти.	13
9.	Аналитик кўрсаткичлари тизимини ишлаш.	16
3-Мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА АХБОРАТЛАРНИ ИШЛАШ УСУЛЛАРИ		20
10.	Иқтисодий таҳлилда таққослаш усули.	20
11.	Кўрсаткичларни киесий (таққосланма) кўринишга келтириш.	24
12.	Иқтисодий таҳлилда нисбий ва ўртача микдорларни ҳисоблаш	
13.	усулларидан фойдаланиш.	25
14.	Иқтисодий таҳлилда ахборотларни гуруҳлаш усуллари.	26
15.	Иқтисодий таҳлилда баланс усулидан фойдаланиш.	27
4-Мавзу: ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛ ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ		29
16.	Омилли таҳлил ҳақида тушунча, уларнинг турлари ва вазифалари.	29
17.	Иқтисодий таҳлилда омилларни туркумланиши.	31
18.	Иқтисодий таҳлилда омилларни тизмийлаштириш.	33
	Детерминистик моделлаштириш ва омиллар тизимини	
19.	ўзгартириш.	34
5-мавзу: ДЕТЕРМИНИСТИК БОГЛАНИШЛАРДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ		39
20.	Занжирли богланиш усули.	39
21.	Абсолют микдорлардаги тафовутлар усули.	46
22.	Нисбий микдорлардаги тафовутлар усули.	47
23.	Индекс методи.	49
24.	Пропорционал таксимлаш ва иштрок этиш ҳиссаси усули.	55
25.	Иқтисодий таҳлилда интеграл усулдан фойдаланиш.	57
6-мавзу: СТОХАСТИК БОГЛАНИШЛАРДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ		60
26.	Стохастик омилли таҳлил ҳақида тушунча.	60
27.	Стохастик омилли таҳлилда жуфт богланишлар (корреляция)	

28.	усулидан фойдаланиш.	61
29.	Кўп омилли корреляцион таҳлил услуги.	63
30.	Корреляцион таҳлил натижаларини баҳолаш усуллари ва	
31.	амалиётда қўллаш.	66

7-Мавзу: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ ВА ҚИДИРИБ ТОПИШ УСУЛЛАРИ

		68
32.	Хўжалик резервлари ҳақида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва туркумланиши.	68
	Резервларни қидириш ва ҳисоблашни ташкил қилиш	
33.	тамойиллари.	72
34.	Резервлар ҳажмини ҳисоблаш ва асослаш услуги.	73

8-мавзу: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДАГИ ТЎТГАН ЎРНИ.

		76
1.	Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш асослари	76
1.	Бошқариш тизими бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари	79
1.	Ўзоро боғланган объектлар бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари	82
1.	Бошқариш масштаби ва даражаси бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари.	84

9-мавзу. ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

		86
39.	Функционал-қиймат таҳлилининг моҳияти ва вазифалари.	86
40.	Функционал-қиймат таҳлилининг ташкил қилиш тамойиллари.	89
41.	Функционал-қиймат таҳлилининг ўтказиш тартиби.	90
42.	Функционал-қиймат таҳлилида қўлланадиган усуллар.	94
43.	Функционал-қиймат таҳлилининг самарадорлиги.	99
	Функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш тажрибалари ва	
44.	истикболлари.	103

10-Мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АХБОРОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

		105
45.	Иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тартиби.	105
46.	Иқтисодий таҳлилни ташкилий шакиллари ва ижрочилари.	106
47.	Аналитик ишларни режалаштириш.	106
48.	Иқтисодий таҳлилнинг ахборот таъминоти.	107
	Иқтисодий таҳлилда бошланғич маълумотларни тайёрлаш ва	
49.	аналитик ишлаш.	108
50.	Таҳлил натижаларини хужжатли расмийлаштириш.	109
51.	Иқтисодий ахборотларни компьютерда ишлашни ташкил қилиш.	110
	Адабиётлар	112